

Книга должна быть возвращена
не позже указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач _____

220305-612
23.11.85 - 471
20.12.11. - 1749

С

392
Ш 80

Ф. Б. ШОУМАРОВ,
Ш. Б. ШОУМАРОВ

032

МУҲАББАТ ВА ОИЛА

(II НАШРИ)

С

X/P

Ўзбекистон
Фарҳанга ва
Кўнрақ Ишлари
Вазирлиги

Чиз. № 424300 06

Тошкент
Иби Сино номидаги
нашриёт-матбаа бирлашмаси
1994

Шоумаров Ф. Б., Шоумаров Ш. Б.
Ш 74 Мухаббат ва оила. — Т.: Ибн Сино номдаги
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1994. 120 б.

1. Автордеш.

Шаумаров Ф. Б. Шаумаров Ш. Б. Любовь и семья.

Муаллифлар севги-мухаббат, оилани муносабатлар психология-
си, эркак ва аёлларнинг жинсий ҳаётда ифодаланадиган ўзига хос
хусусиятларини илмий-оммабоп тарзда баён этишга ҳаракат қилиш-
ган.

Китоб кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

87.715

Илмий-оммабоп нашр

ШОУМАРОВ ҒАЙРАТ БАҲРОМОВИЧ,
психология фанлари доктори, профессор,
ШОУМАРОВ ШУҲРАТ БАҲРОМОВИЧ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач

МУҲАББАТ ВА ОИЛА

Тошкент, 700129, Ибн Сино номдаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, Навоий
кўчаси, 30.

Издательско-полиграфическое объединение имени Ибн Сино.
Ташкент, 700129, ул. Навоий, 30.

Мухарририят мудирини Б. Мансуров, муҳаррир Ш. Иноғомова, бадий муҳар-
рир Э. Валиев, техник муҳаррир В. Мешчерякова, мусоҳиҳ З. Гуломова

ИБ № 1953

Босмаҳонага 06.08.93 да берилди. Босишга 25.12.93 да рухсат этилди.
Бичими 84×108¹/₃₂, 2-босмаҳона қоғози. Адабий гарнитурга. Юқори босма.
Шартли босма табоқ 6.3. Нашр босма табоқ 6.6. Шартли бўёқ-оптикни
6.51. Жамин 50000 нуска, 255-рақамли бюджетга. Баҳоси шартнома асосида.
20—93 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Тошкент китоб-журнал
фабрикаси, Юнусовод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

4108110100 — 002

Ш 354(04) — 94 53—93

ISBN 55-638-00774-1

© Ф. Б. Шоумаров,
Ш. Б. Шоумаров, 1994.
(2-нашри)

*Мухаббат ва ғўзаллик тимсоли бўл-
миш аёлга бағишланади.*

КИРИШ

Ҳар бир оиланинг келажаги ва истиқболи, унинг мус-
таҳкамлигига боғлиқдир. Бу ўз навбатида халқнинг,
жамиятнинг истиқболини белгилайди. Барча давлатлар-
да, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам оила ва никоҳ муно-
сабатларида катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Оила
жамиятнинг асосий негизи бўлиб, жамият ва давлат му-
ҳофазасида эканлиги, Ўзбекистон Конституциясининг
«Ота-оналик ва болалик бурчлари» деган бандида ўз
аксини топган. Оилани мустаҳкамлашга катта эътибор
берилаётганига қарамасдан, бу борада янги муаммолар
юзага келмоқда. Айниқса кишини ташвишга солаётган
нарсга ёш оилалар ўртасида ажралишнинг кўплигидир.
Бу ҳол икки ўртада бегуноҳ болаларнинг тирик етим
бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирда собиқ иттифоқ
ҳудудида ажрашган оилалар сони 9 миллион 600 минг-
дан ортиқ бўлиб, етим болалар сони ортиб бормоқда.
Ҳозир ота-оналари ҳаёт бўлган «тирик етимлар» бола-
лар уйларидаги болаларнинг 80 фоиздан ортигини таш-
кил қилади.

Айрим оилаларда ўзаро иззат-ҳурматнинг, меҳр-оқи-
батнинг йўқлиги аянчли ҳолларга сабаб бўлмоқда. Ми-
сол учун қариялар уйидаги кексаларнинг 68 фоизини
бола-чақалари бўлатуриб, бу ерга олиб келиб қўйганлик-
лари юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Ўзбек оилаларида ажралиш сабаблари айрим ёшлар-
нинг оилавий ҳаётга тайёр эмасликлари, ўзаро келиш-
мовчилик, бир-бирига хиёнат, рашк, жинсий ожизлик
ва жинсий номуносиблик оқибатида юз бермоқда.

Мактабда ва оилада жинсий тарбиянинг тўғри йўлга
қўйилмаганлиги, икки жинс ўртасидаги жинсий муно-
сабат табиий ва физиологик ҳол экани ҳақида на мак-
табда ва на оилада тушунтириш ишлари олиб борил-
маслиги оқибатида ўқувчи ёшлар орасида жинсий ало-
қага қизиқинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Маъмур китоб юқорида саналган қизиқишларни оз бўлса ҳам ёритишга, оила қуриш арафасида турган ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш, айниқса уларни қизиқтирган муҳаббат, оилавий ҳаёт ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш мақсадида ёзилган.

Ушбу иккинчи нашрда давлат тузилишидаги сиёсий ўзгаришлар ҳисобга олиниб, истиқлол йўлини танлаган мустақил Ўзбекистонда ўзбек оиласининг миллий психологик хусусиятларини акс эттиришга эътибор беришга ҳаракат қилинган.

Севги-муҳаббат бобига янги материаллар, шу жумладан муҳаббат турлари киритилган, янги статистика маълумотлар билан бойитилган.

Оила, муҳаббат, жинсий ҳаёт масалаларини бир китобда тўла қамраб олиш имкони бўлмагани сабабли асосий томонларга эътибор берилган.

Кейинги нашрларни тайёрлашда Сиз китобхонларнинг билдирган таклиф-истакларингизни, танқидий мулоҳазаларингизни, қимматли маслаҳатларингизни муаллифлар миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

I БОБ

СЕВГИ-МУҲАББАТ ТУШУНЧАСИ

Муҳаббат мавзусидаги бадий адабиётларнинг илмий асарларга нисбатан ғоятда кўп экани ҳаммага маълум. Қайси мутафаккир ёки олим, шоир ёки ёзувчининг асарларини олиб кўрманг, уларнинг ҳеч қайсиси ўз ижодий фаолиятида инсон ҳиссиётларининг энг кучли ва сирлиси, сержило ва сеҳрлиси ҳисобланган муҳаббатни четлаб ўтолмаганлар, инсоният бор эканки, муҳаббат одамни сирли туйғулар оламига етаклаган, уни енгиб бўлмас ғовлардан ўтишга ва чўққиларни забт этишга ундаган, уни рағбатлантирган, унга бахтиёр онларни тухфа этган. Ҳатто ўлим тўшагида ётган кишига ҳам умид бағишлаб ҳаёт наъъасини сурдирган, оддий кунларига камалак жилоларини армуғон этган, унинг атроф-муҳитни ҳамда ўзлигини идрок қилиши учун туртки бўлган. Шахс руҳиятида ҳатто ўзига ҳам номаълум бўлган қудратни кашф этган. Кўҳна ва ҳамиша навқирон ҳисобланган бу туйғу ҳаммага барабар азиз ва муқаддасдир.

Буюк олим Абу Али ибн Сино ўз асарларидан биринчи кўчи муҳаббатни изоҳлар экан, уни касаллик сифатида таърифлайди ва «даволаниш» йўллари кўрсатиб ўтади: муҳаббат ўтида қийналиб азоб чекаётган икки қалбни бирлаштиришни маслаҳат беради. Шунингдек, у яна маълум объектив сабабларга кўра, яъни динидаги, саломатлигидаги, ёши ва ижтимоий келиб чиқишидаги ва бошқа тафовутларга асосланиб қалбларни бирлаштириш имкони бўлмаса, бунда одамнинг руҳий хусусиятларига кўра турлича даво чоралари қўллашни тавсия этган. Масалан, ҳиссиётни бошидан кечираётган одамни севгилисидан совутиш, ҳиссиётни заифлаштириш, ҳиссиётни бошқа шахсга кўчириш, чалғитиш, органик эҳтиёжларни қондириш орқали муҳаббат ҳисларини сусайтириш шулар жумласидандир.

Ибн Сино билдирган муҳаббатга доир фикрларнинг ижобий томони, аввало, икки қалбни бирлаштириш зарурлиги ҳақидаги тавсияси бўлса, иккинчи жиҳати, муҳаббатни «даволашда» шахс истагининг ҳисобга олини-

шидир. Уша замонларда севишган икки қалбни бирлаштириш лозимлиги ҳақидаги фикрлар тараққийпарвар аҳамиятга эга эди.

Шуниси таассуфлики, шу кунга қадар муҳаббат тунчасига ягона илмий таъриф-тавсиф берилмаган, бевосита унга бағишланган илмий асарлар ниҳоятда танқис. Кишилар онгида бўлгани сингари бадий асарларда ҳам муҳаббат ҳақидаги турлича, кўпинча бир-бирига зид фикр ва таърифларни учратиш мумкин. Баъзи муаллифлар эса муҳаббат ҳисларини соф руҳият компоненти сифатида баён этиб, ундаги физиологик компонентни инкор этадилар. Физиологик компонент ҳайвонларга хос бўлган органик эҳтиёжларни қондиришдан иборат инстинктнинг ифодаланиши сифатида идрок этилади. Шу сабабли ҳам улар одам ҳайвоний ҳирсдан, жинсий интилишлардан озод бўлиши керак, деб ҳисоблашади ва муҳаббат ҳисларига бир ёқлама ёндашишади. Классик асарларда, жумладан, қадимги ҳинд трактатида муҳаббатга бирмунча тўлиқ таъриф берилади: «Ақл майли ҳурматни туғдирса, қалб майли дўстликни, тана майли хоҳишни туғдиради. Ақл, қалб ва тана бир бўлиб, севги-муҳаббатни туғдиради». Вольтер: «Севги-муҳаббат — бу ҳам қалб, ҳам ақл ва танага бир вақтнинг ўзида ҳужум қиладиган энг кучли, завқли ҳис-туйғулардан биридир», деб таъриф беради. Бу таърифларни ўзаро таққослаш ва руҳий таҳлил қилиш севги-муҳаббатда зарурий руҳият компоненти билан бир пайтда физиологик компонент ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Қадимги юнонлар севги-муҳаббатни қандай йўналишда кечишига қараб икки турга — «эрос» ва «агапе» га бўлганлар. Ваҳоланки, улар муҳаббатнинг икки муҳим томонидир, яъни «эрос» — муҳаббат объектига эга бўлишга, уни ўзиники қилиб олишга қаратилган бўлса, «агапе» ҳиссиётни бошидан кечираётган шахснинг ҳиссиёт объектига ўзини бағишлашидир. Ана шу ҳиссиёт ҳар бир одамда учрайди. Шу ҳиссиётлардан қайси бири устунлик қилишига қараб, кишидаги муҳаббатни, аниқроғи ҳиссиётни бошидан кечираётган шахсни ва унинг муҳаббатдаги истиқболини ҳам олдиндан айтиб бериш мумкин. Башарти «агапе» устунлик қилса, ҳиссиётнинг умри узоқ бўлиши ва аксинча «эрос» бўлса, тез орада ҳиссий қониқиш содир бўлиб, бундай одамдаги муҳаббат ҳисларининг умри ниҳоятда қисқа бўлиши мумкинлиги кузатилади.

Севги-муҳаббат туйғуларини Д. А. Ли бир неча турларга бўлади.

1. ЭРОС — кучли севги-муҳаббат ҳислари бўлиб, бу ҳислар асосида ётган мотив муҳаббат объектига жисмоний эга бўлиш. Бунда жинсий интилиш етакчилик қилади.

2. ЛЮДУС — севги ҳисларини унчалик чуқур бўлмаган муҳаббат ўйини сифатида идрок қилинадиган, севги ҳислари объекти осон алмашиши мумкин бўлган тури.

3. СТОРГЕ — ташқи кўринишдан кучли ифодаланмаган, аммо ишончли муҳаббат — дўстлик тури.

4. ПРАГМА (Л+С) — людус ва сторгелардан иборат доимо онг назоратида бўлган, севган шахснинг манфаатларини кўзлаган мақсадлари асосида юзага келган севги ҳисларидир.

5. МАНИЯ (Э+Л) — эрос ва людусдан иборат бўлиб, севган киши севги объектидан тобелиги билан характерланади. Аммо эрос ва людусдан бу турни фарқи севган шахсда ўзига ишонч ҳислари етарли бўлмайди.

6. АГАПЕ (Э+С) — эрос ва сторгелар йиғиндисидан иборат кучли ифодаланадиган севган киши муҳаббат объектига ҳамма нарсасини ва ҳатто ўзини ҳам бағишлашга тайёр бўлган ҳислар тури.

Юқоридаги турларни Клайд Хендрик томонидан юзлаб эркак ва аёлларда синаб кўрилган. Олинган маълумотларга кўра эркакларнинг севги-муҳаббат ҳисларида кўпроқ қисмини эрос ва людус, аёлларда эса прагма, сторге ва мания турлари ташкил этади.

Усмир ва ўспирин ёшидаги ўғил ва қиз болаларда кўпроқ мания тури, катта ёшдагиларда эса ўзга турлар кузатилади.

Бир шахснинг ҳаётида муҳаббатнинг юқоридаги бир неча турлари алоҳида кузатилиши мумкин.

Баъзиларда эса фақат битта тури учрайди. Бизнинг фикримизча, муҳаббат турлари севган ва сеvilган кишиларнинг ёшига, ҳуснига, маълумотига, маданий савиясига, жамиятда тутган мавқеига, ҳаёт тарзига, дунёқарашига, қайси муҳитда тарбия кўрганлигига, характерига, жинсий хулқига, қарама-қарши жинс ҳақидаги тасаввурига, нерв системасига, миллий психологик хусусиятларига боғлиқ. Баъзи йигит-қизларда севги ҳислари бир турда бошланиб, маълум вақтдан сўнг ўзга турга ўтиши мумкин. Масалан: «Эрос» турида бошланиб «агапе»га айланиши ёки «людус» тарзида юзага келиб, «сторге» турига ўтиши мумкин.

Агар муҳаббат тарихига — филогенезига назар ташлайдиган бўлсак, эркин муҳаббатнинг шаклланиши ўрта асрларга тўғри келади. Хусусий мулкчиликнинг равнақи, антагонистик синфларнинг мавжудлиги, аёлнинг ҳуқуқсизлиги эркин муҳаббатининг равнақ топишига тўсқинлик қилади. «Пайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин», «Ромео ва Жульетта» кабиларни эркин муҳаббатнинг юзага келиши ва унинг тақдири ҳақидаги илк асарлар деб айтиш мумкин.

Тараққий этган капиталистик жамиятда янги тартибларга асосан юзага келган оила, эркак ва аёл ўртасидаги ўзаро нисбатан тенг муносабатлар, аёлларнинг эркаклар билан тенгсизлигини йўқотиш муҳаббатнинг юқори даражада равнақ топишига зарурий шарт-шароит яратди.

Лекин, афсуски, баъзи ёшлар «эркин ҳаёт», «эркин муҳаббат» каби руҳият омилларини нотўғри тушуниб, маънавий ахлоқсизликка майл қўйишяпти, инсонлар ўртасидаги энг нозик бўлмиш жинсий муносабатлардан эса «бейлик орттириш», «ғўзал ҳаёт» кечирини манбаи сифатида фойдаланишмоқда. Бу — ахлоқий тубанлик, носоғлом дунёқараш оқибатидир. Бу ҳол баъзи оилаларда маънавий тарбия масаласи унутиб қўйилганлигининг, айрим таълим-тарбия муассасалари ва уларнинг педагогик-жамоаларининг ўз вазифаларини етарли даражада уддалай олмаётганликлари натижасидир.

МУҲАББАТ ВА ЁШ

Муҳаббат онтогенезига назар ташлаганда севги ҳиссининг илк куртакларини бешча ёшидаги болаларда ҳам кўриш ва буни ҳар бир тарбиячидан сўраб, ишонч ҳосил қилиш мумкин. Лекин табиийки, бу ҳали тўлақонли муҳаббат бўла олмайди. Болаликдаги севги ҳисларида физиологик компонент, яъни жинсий интилиш деярли бўлмайди. Улардаги ҳиссиётнинг аксарият қисми руҳий компонентдан иборат.

Мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муҳаббат ҳислари эса бирмунча фарқ қилади.

Ўспиринлик ёшида қиз болаларда руҳий компонент жинсий компонентдан устунлик қилса, ўғил болаларда ҳиссиёт дивергенцияси — бўлиниши кузатилади, яъни улар муҳаббат ҳисларини битта қизга нисбатан бошидан кечирсалар, жинсий интилишни катта ёшли аёлга нисбатан ҳис этадилар, улардаги ҳиссиёт икки объект-

га бўлинади. Бу фақат ўғил болаларга хос бўлиб, қизларда бундай ҳол кузатилмайди.

Ўспиринлик ёшида ўғил болаларда гиперсексуаллик натижасида уларнинг ҳиссиётида жинсий интилиш устунлик қилади ёки унинг аҳамияти кескин ортади. Қиз болаларда эса руҳий компонентнинг устунлиги сақланиб туради.

17—25 ёшлардаги йигит-қизларда ўз жуфтини топишга интилиш ва ҳирс кескин ортади. Севиш ва севилишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида ёшлар ёрнини тезроқ қидириб топишади ва оила қуришади, баъзан бундай ёшлар қисқа вақт ичида ажралишга ҳам улгуришади.

25 ёшдан кейин қизларнинг оила қуриш имкониятлари анча камайиб боради. Унда бўлғуси куёвга (йигитга) нисбатан талабчанлик ошиб, танқидий қараш кучаяди. Энди унда ҳисларга берилиш камайиб, унинг ўрнига бўлғуси ёрига бутунлай бошқача қарай бошлайди. Бундай руҳий ўзгаришлар йигитларда ҳам кузатилади, аммо қизлардан фарқли равишда уларнинг оила қуриш, уйланиш имкониятлари камаймайди, аксинча бирмунча ортади, чунки бу ёшда уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларини ёки ўрта махсус билим юртларини битириб, маълум ихтисосни эгаллаган, меҳнат фаолиятини бошлаган, яъни оилани мустақил тебратиш имкониятига эга бўладилар.

Муҳаббат ҳислари эркак ва аёлларда ўзига хос шахвоний ҳирс уйғотади.

Эркак кишида деярли доимо физиологик компонент устунлик қилади. Жинсий интилиш, жинсий ҳаёт улар ҳиссиётида ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Йигит севган қизининг ташқи кўринишига кўпроқ эътибор беради.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларга қизлар ҳам беварқ қарашмайди. Бу хусусиятларнинг йигит томонидан идрок этилиши аёл киши учун ҳам катта аҳамиятга эга. Аммо шу билан бирга аёлларнинг эркаклардан фарқ қилувчи томонларидан бири шуки, улар кўпроқ йигитнинг бўй-бастига, хулқига, муомаласига эътибор берадилар.

Эркакларда жинсий (физиологик) интилиш устунлик қилгани учун уларда ҳиссий қониқиш тезроқ юзага келса керак деб тахмин қилинади. Аёлларда эса аксинча руҳий интилиш етакчи бўлгани учун уларнинг

муҳаббат ҳислари эркактарникидек тез орада сўнмайди ва нисбатан узоқ давом этади. Аммо сўнгги йилларда аёллар ҳиссиётида, жумладан, муҳаббатда ҳам жинсий ҳаётнинг ва унинг асоси ҳисобланган жинсий интилишнинг аҳамияти кескин ошиб бораётганлигини кўриш мумкин.

13—14 ёшли ўғил болаларнинг 40 фоизи, қизларнинг 26 фоизи илк севги ҳисларини бошидан кечириётган ёки кечирган бўладилар. Бу ҳол 15—16 ёшли ўғил болаларда — 17, қизларда — 30, 17—24 ёшли йигитларда — 10, қизларда эса 9 фоизни ташкил қилади.

Жинсий уйғониш ўғил болалар ва қизларда турли ёшда турлича кечади: 13—14 ёшли ўғил болаларда 52 фоизни ташкил қилса, қиз болаларда бу ёшда 15 фоизнигина кузатиш мумкин. 15—16 ёшли ўғил болаларда — 30, қизларда — 25 фоизга тўғри келади. 17—18 ёшда бу кўрсаткичлар 3 ва 29 фоизни ташкил қилади. Аммо жинсий уйғониш ўғил болаларда қизларга нисбатан эрта юзага келишига қарамай, қизлар баловат ёшидан бошлаб ўғил болалар билан бўлган муносабатда ўзларини анча эркин тутадилар, ўғил болалар эса бирмунча тортинчоқ бўлиб қоладилар.

А. Р. Лемехова (1973) қизлар ва йигитлар орасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиб, уни уч турга бўлади¹.

1. Уйғун тур — бунда қиз ва ўғил болаларда ахлоқий тушунчалар шаклланган, ҳиссиёт маданияти ривожланган бўлиб, улар муҳаббатга, қарама-қарши жинсга, оилавий ҳаётга бирмунча аниқ қарашади.

2. Олий романтик тур — бунда муҳаббат, жинслар орасидаги муносабатлар ҳаётдан юлинган ҳолда, ниҳоятда идеаллаштирилиб олинган бўлиб, ҳаётдаги мавжуд борлиқ билан тўқнашганда эса барча тасаввурлари парчаланиб, руҳан тушкунликка учрайдилар.

3. Маънавий камбағал тур — бунда ёшлар муҳаббатни нотўғри тушунадилар. Муҳаббатда маънавий яқинликни, руҳий омилнинг аҳамиятини кўра билмайдилар. Муҳаббатда асосий ролни жинсий яқинлик ўйнайди, деб биладилар. Бундай тоифадаги ёшлар кўп ҳолларда жинсий ҳаётни эрта бошлайдилар.

Ўғил ва қиз болаларнинг турли ёш босқичларидаги ўзаро муносабатларни ўсиб ривожланишига назар таш-

¹ А. Лемехова. Нравственная подготовка учащихся вечерней школы к личной жизни. Автореферат канд. дисс., М., 1973, стр. 9.

лайдиган бўлсак, қуйидагича яққол ифодаланган манзарани кўришимиз мумкин.

Боғча ёшида қизлар ўғил болалар билан бирга ўйнаш жараёнида жуда яқин муомалада бўладилар, бир-бирлари билан дўстлашадилар. Ҳатто баъзан болаликнинг илк севги ҳисларини ҳам бошларидан кечиришади. Бу, албатта, уларнинг катталарга ҳавас қилиши, уларга тақлиди оқибатида келиб чиқади.

Бошланғич синфлардан ўсмирлик ёшигача ўғил болалар кўпинча ўғил болалар билан, қизлар эса қизлар билан яқин муносабатда бўлиши туфайли жинсларнинг бир-бирларидан узоқлашиши кузатилади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб улар орасида яқинлашиш майли пайдо бўла бошлайди. Ўсмирликнинг биринчи даврида болалар ўзаро бирор нарсдан қўрққан тенгдошига «қиз боламисан, қўрқасан, «ўз сўзининг устидан чиқмаган қиз бола» каби ибораларни қўллашади. Бу иборалар уларнинг асосан ўз жинсини устун қўйишга интилишини, қиз болаларни тан олмаслигини кўрсатса, қизлар ҳам ўз навбатида ўғил болаларни назар-писанд қилмасликларини кўрамайди.

Ўсмирлик 11—12 ёшдан 14—16 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу давр биологик жиҳатдан жинсий этилинг даври ҳисобланади.

В. Г. Властовский берган маълумотларига кўра, 1930 йилларда москвалик қизларда ҳайз кўриш 15 ёш 2 ойликдан бошланган бўлса, ҳозирги кунда 13 ёшда (қишлоқ ноҳияларида бир оз кечроқ), Германияда эса 12 ёш 8 ойлик даврига тўғри келади.

Ўсмирликнинг охири ва ўспириликка ўтишда ўғил болалар қиз болалар гуруҳи билан қўшила боради ва аралаш жинсий гуруҳни юзага келтиради. Ўспирилик давридаги бундай қўшилиш ва икки жинснинг ўзаро самимий муносабатлари орқасида севги куртаклари ниш уради. Буни кўпроқ юқори синф ўқувчилари ва ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари орасида кузатиш мумкин. Баъзи синфларда севги-муҳаббат «касаллиги» зўрайиб, қисқа вақт ичида бутун синфга тарқалиб кетади.

Ёшлар ўртасида жинсий ҳаётнинг бошланиши Олмония, АҚШ, Польша, Франция ва бошқа қатор тараққий этган мамлакатларда бундан тахминан 10 йиллар олдин 4—5 йилга ёшарди.

Бир қатор муаллифларнинг ёзишича, йигитларнинг 70—90 фоизи, қизларнинг 30—60 фоизи ўзини ўзи сунъ-

ий қониқтирувчи онанизм билан шуғулланади. Онанизмни ёшга қараб бир неча турга бўлиш мумкин: болалар онанизми (оргазм бўлиши шарт эмас), ўспиринликдаги шахвоний ҳирсга берилиш билан боғлиқ онанизм, изчил жинсий ҳаёт ўрнини қопловчи катта ёшлардаги онанизм, барча жинсий ҳаёт шаклларини сиқиб чиқариб ташловчи, патологик тус олган онанизм.

МУҲАББАТ БОСҚИЧЛАРИ

Тўлақонли севги-муҳаббатни ҳис этган ҳар бир инсон муҳаббатнинг бошланғич алангаланган ва ўзаро ҳурмат босқичларини босиб ўтади.

Бошланғич босқич ҳақиқий, истиқболи порлоқ, бир умрлик соф муҳаббатнинг бошланиши ёки аксинча шунчаки бир ҳавас бўлиши ёки умри қисқа севгининг бирон-бир кўриниши бўлиши мумкин. Мазкур босқич муҳаббатнинг «агапе» турини бошланиши ёки «людус» турини ўзгинаси бўлиши мумкин.

Бу албатта, севиб қолган одамнинг дунёқарашига, унинг ўзига хос хусусиятларига, яъни тез севиб қолишига, ҳиссиётни пайдо қилган омилларга, яъни ўз шахсини тасдиқлаш, ўзгалардан қолишмаслик, бўш вақтини хурсандчилик билан ўтказиш, оила, ота-оналар исканжаси ёхуд назоратидан озод бўлиш, эркинликни қўлга олиш, оила қуриш, ҳақиқий умр йўлдошини учратиш, бир умр унга ғамхўрлик қилиш, унга ҳаётини бағишлаши ва ҳоказоларга боғлиқ.

Биринчи босқичнинг ўсиб, иккинчи ва учинчи босқичларига ўтиши зарурми, йўқми? — деган савол кўпчиликни қизиқтиради.

Биринчи босқичда, юқорида айтганимиздек, ҳамisha ҳам тўлақонли муҳаббат бўлавермайди. Иккинчи босқичга ўтгандагина уни ҳақиқий тўлақонли муҳаббат дейиш мумкин.

Биринчи босқич кўп кишиларда кузатилади ва иккинчи босқичга ўтмасдан сўниб қолади. Муҳаббатнинг бу босқичи эстетик дидимизга бирмунча тўғри келадиган, эстетик ва жинсий эҳтиёжларини қондириш (жинсий яқинлик шарт эмас) мумкин бўлган икки жинсни маълум вақтгача бўлган ўзаро муносабати натижасида юзага келадиган ҳиссиётдир. Бу кўпинча муҳаббатнинг людус турини ташкил қилади. Лекин кўчада учратиш билан ёқтириб қолиш каби ҳолларни биринчи босқичга киритиб бўлмайди.

Иккинчи, яъни алангаланган босқичдан биринчи босқичга қайтилмайди. Иккинчи босқичдан фақат учинчи — ўзаро ҳурмат босқичига ўтиш мумкин, холос. Демак, фақат биринчи босқичгина қайтиш характерига эга, иккинчи босқичдан бошлаб ҳиссиёт ортга қайтмас хусусият касб этади, фақат маълум сабабларга кўра бу босқичлар «тез» босиб ўтилиши мумкин. Бу, айниқса ёшликда, илк севги-муҳаббатни бошдан кечиришда ёки бирдан севиб қоладиган енгил табиатли кишиларда учраши мумкин. Буни, бирдан аланга олиб, тез сўнган гулханга ўхшатиш мумкин. Демак, бундай ҳиссиёт узоқ давом этмайди. Бундан муҳаббат ўткинчи туйғу экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Биринчи босқичнинг ўртача давом этиш вақти ҳиссиётни бошидан кечираётган шахснинг ёшига, жинсига, ҳаёт тарзига, шахсий хулқ-атвориغا, шунингдек бир қанча ташқи ва ички сабабларга боғлиқ бўлиб, баъзида ҳатто бир неча соатдан бир неча кунгача, бир неча йилгача давом этиши мумкин. Бунинг аниқ ўлчови бўлиши мумкин эмас.

Қизлар ҳиссиётидаги руҳий омил йигитлардагига нисбатан кучли бўлганлиги ва оилавий ҳаёт билан оилавий бахт қизлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши сабабли севган кишига фидойилик, унинг манфаатларини ўз манфаатидан юқори баҳолаш, севган кишига ўзини бағишлаш фазилатининг кучлироқ ифодаланиши сабабли кўпроқ қизларда бу босқич тезроқ ўтади.

Ҳаётда кўп қизларнинг алданиш оқибатида ҳомиладор бўлиб қолиши, йигитларнинг эса бошқа қизлар билан турмуш қуриб кетиши бу босқичнинг қизларда нисбатан тез кечишини кўрсатади. Бунинг сабабини қизларнинг шунчаки енгилтақлигидан қидирмаслигимиз, бу севги-муҳаббатдаги руҳий жараёнга боғлиқ эканлигини тушунишимиз лозим.

Биринчи босқични нисбатан тезроқ босиб ўтган қизлар учун иккинчи босқич йигитлардагига нисбатан узоқроқ давом этади. Бунинг сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин:

— Аввало қизларда руҳий омилнинг жинсий омилга нисбатан устунлиги. Кўпинча жинсий ҳаёт уларда ҳиссиётнинг иккинчи босқичида бошланади. Йигитларнинг ҳиссиётида жинсий омилнинг кучлилиги сабабли руҳий қониқиш тезроқ кечади, чунки руҳий омил миқдорининг ўзи камдир;

— жинсий ҳаёт кечириш билан боғлиқ ҳис-туйғулар

йигитлар учун оила қургандан сўнг пайдо бўладиган янгилик эмас, чунки уларнинг баъзилари уйланмасдан олдин ҳам анча-мунча тажрибага эга бўладилар.

Қизлар эса оила қурганларидан, яъни жинсий ҳаёт кечира бошлаганларидан сўнг илгари уларга батамом номаълум бўлган ҳис-туйғулар оилавий ҳаётнинг аҳамиятини янада оширади, эрга бўлган меҳр-муҳаббат янада ошади. Шу боис қизларда, иккинчи босқичнинг «умри» узаяди.

Учинчи босқич иккинчи босқичдан ҳиссиётнинг кучи ва ташқи ифодаланишини бирмунча сусайиши билан, муҳаббат объектини идеаллаштирган тарзда, эмас, балки севгилисининг шахсидаги ютуқ ҳамда камчиликларини аниқ объектив идрок қилиниши билан фарқ қилади.

Аксарият севишганлар ва эр-хотинлар учун иккинчи босқичдан учинчига ўтиш улар орасидаги муносабатларни сақланиб қолишига шубҳа туғдиради. Бу шубҳа босқичдан босқичга ўтишда эмас, балки ҳар бир севишган жупларда муқаррар юзага келадиган алангаланган севгини ўзаро ҳурмат босқичига ўтишини олдиндан билмаслик, ўтишдаги ҳиссиёт ўзгаришларини нотўғри талқин этиш, «Муҳаббат объектини таялашда адашдим шекилли», — каби янглиш фикрларни юзага келишидадир.

Аксарият ёш оилаларда шундай вақтда эр-хотин орасидаги келишмовчиликлар кўпаяди ва кўпчилик ёшлар шу вақтда оиладан четда янги севги-муҳаббат объектини қидириб қолишади. Айрим оилалар эса бу ўзгаришларни нотўғри талқин этиб ажралиб кетишади. Шу сабабли ёшлар муҳаббат ҳисларини турли босқичларида бўладиган ўзгаришларни олдиндан билишлари ва ҳиссиётларини олдиндан қурбон қилмасликлари керак.

Учинчи босқич умрнинг охиригача давом этиши ёки турли ички ва четдан бўладиган таъсир сабабларига кўра барҳам топиши мумкин.

Агар эр-хотинларнинг бирида «янги муҳаббат» туғилиб қолса, турмуш бузилиб кетиши мумкин. Ўртада «янги муҳаббат»га сабабчи учинчи шахс бўлмаса, оила бузилмайди. Чунки одам қариганда ёлғиз қолишдан, ўғил-қизлар, келинлар, неваралар, таниш-билишлар олдида гап-сўз бўлишдан, обрўни йўқотишдан қўрқади. Бундай тўсиқларни енгиб ўтиш учун эса албатта ўртада муҳаббат бўлиши керак, акс ҳолда оилавий бурч зўрма-зўраки бажарилиб борилади, холос.

Узоқ йиллар учинчи босқичда бирга яшаган эр-хотинлар иккинчи босқичга қайтишлари мумкин эмас.

Иккинчи босқич конкрет севгилиси билан бир маротаба бошдан кечирилиб шу шахс билан иккинчи босқичга қайтиш бўлмайди.

Алангаланган босқични одам ўз ҳаётида бир неча маротаба ҳис этиши мумкин, аммо ҳар бирида янги севги бўлади.

Учинчи босқични узоқ йиллар давомида бирга яшаган оилаларда кузатиш мумкин, бунда эрнинг хотинига ёки хотиннинг эрига бўлган ҳиссиёти кескин кучаяди. Яъни ҳиссиётда умрнинг айрим ёшларида кўтарилишлар кузатилади. Бу айниқса, ташқи сабабларга кўра маълум вақт айрилиқда яшаганда, оилавий ҳаётдаги майда-чуйда нарсалар илгариги аҳамиятини йўқотганда, ўртадаги севги-муҳаббат ҳислари қайта тикланади ва ҳатто зўрайиб кетади. Баъзан эса бу ҳол катта фожиаларни бошдан кечириш, яқин кишиларини йўқотишдан сўнг бўлиши мумкин. Эр-хотинлардан бирини оиладан ташқари жинсий муносабатда бўлганидан сўнг ҳам ўз турмуш ўрतोғига бўлган ҳиссиётининг кучайиши кузатилиши мумкин.

Эр-хотин ўртасидаги ҳис-туйғуларнинг сусайишига ўта фаол жинсий ҳаёт кечириш, оилада бўлиб турадиган майда-чуйда келишмовчиликлар ҳам сабаб бўлади. Никоҳгача бир-бирларига яхши кўриниш, дилни ром қилиш мақсадида чиройли кийиниш, пардоз-андозга зўр бериш, хулқ-атворнинг фақат яхши томонларини кўрсатишга уриниш тўйдан кейин сал вақт ўтмай маълум бўлиб қолади, яъни буларнинг акси — инсоннинг асли намоён бўла бошлайди. Ҳатто севишганлар — бир-биримизсиз яшай олмаймиз деганлар бир-бирларини ҳақорат қилишгача боришади. Буларнинг бари аввалдан ўртада чин севги бўлмаганидан ёки уни асрай олмаганликларидан далолат беради.

МУҲАББАТ ВА МИЖОЗ

Севги-муҳаббатнинг пайдо бўлишини бевосита мижоз тоифасига боғлаш хато бўлар эди, аммо мижоз билан ҳиссиётнинг ифодаланиши орасидаги боғлиқликни инкор этиб ҳам бўлмайди.

Холерик ва сангвиник тоифадаги ёки уларнинг аралашувидан иборат тоифадагилар ўзгалар билан тез ва осон тил топишади. Бу тоифадаги эркак ва аёллар ўз-

ларига дўст топишда унчалик қийналмайдилар. Шунингдек, бундай тоифадаги одамлар флегматик ва меланхоликларга нисбатан тез ва осон севиб қоладилар. Чунки уларда ҳиссиёт ташқи томондан кучли ифодаланган ва шу сабабли ҳам ҳиссий қониқиш осонроқ ва тезроқ содир бўлади. Бундайлар юқоридаги айтиб ўтилган босқичларни бирмунча тезроқ босиб ўтишлари ҳам мумкин.

Флегматик ва меланхоликларнинг эса ўзгалар билан тил топишилари анча қийин. Улар дуч келган кимса билан дўстлашиб кетавермайдилар. Аммо дўстликнинг қадрига етадилар ва арзимаган сабаб учун дўстликдан кечмайдилар. Бу тоифадаги кишиларда ҳиссиёт ниҳоятда чуқур ва пинҳона кечадики, буни бошқаларнинг ташқи томондан сезиши қийин. Буни худди дарёнинг чуқурлигини унинг сатҳига қараб билиб бўлмаганига ўхшатиш мумкин.

Муҳаббатнинг қай даражада ифодаланиши, мижоз туридан ташқари ўша одам яшаётган шароит, муҳит, теварак-атрофдагилар қараши, социал-ахлоқий ва миллий мезонларга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, баъзи миллатларда қизларнинг никоҳгача жинсий ҳаёт кечирганлигига ёки бу борада маълум тажриба орттирганлигига бирмунча одатий ҳодиса сифатида қаралса, бошқа жойларда бундай қизларга нафрат билан қаралиб, уларнинг бу ишлари шармандалик ҳисобланади. Жумладан, Кавказ ва Урта Осиё минтақаларида маҳаллий миллатлар учун қиз боланинг никоҳгача жинсий ҳаёт тажрибасига эга бўлиши ахлоқсизлик, деб қаралади. Ҳатто Ўзбекистоннинг баъзи қишлоқларида, қиз йигит билан юрар эмиш, деган миш-миш гапларнинг ўзи шу қизга совчиларнинг келмаслигига, қизлик обрўсининг тушишига, турмушга чиқиш имкониятининг кескин пасайишига олиб келади.

МУҲАББАТНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Ҳиссиётдаги айрим босқичларга кўра муҳаббат турини, босқичини ва умуман севги ҳисларини бор-йўқлигини аниқлаш мумкин. Ибн Сино каби «огир хасталикка» ташҳис қўйиб уни даволаш чораларини кўриш мумкин. Бу ҳиссиётларнинг айримлари аслида биринчи босқичдаёқ кузатилади ва иккинчи босқичида ниҳоятда кучли ҳамда ҳар томонлама ифодаланади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. «Биргалик» эффекти. Бундай ҳолларда муҳаббат ҳисларини бошдан кечираётган шахснинг онгида, тасаввурда, хаёлида доимо севишли ёри гавдаланиб туради. Нима иш қилмасин, қаерда бўлмасин, ҳатто ёридан неча минг километр узоқда бўлмасин, хаёлан у билан гаушлашади.

2. Идрокнинг идеаллашиши. Бундай ҳолларда севишган инсон идеаллашган ҳолда идрок этилади. Такворланмас даражадаги шахс сифатида, ҳар томонлама мукамал шаклланган, ниҳоятда ақлли, чиройли, одобли ва ўзга ижобий ҳислатларга эга бўлган йигит ёки қиз сифатида идрок этилади. Феъл-атвордаги салбий томонлар ёки бирор жисмоний нуқсонлар камчилик сифатида эмас, балки камёб фазилат сифатида идрок этилади. Севгилисини ва у билан боғлиқ барча нарсалар, унинг қарама-қарши жинсдаги тенгдошларидан ташқари яқин кишилари ҳам фақат ижобий жиҳатдан идрок этилади.

3. Альтруизмнинг кескин ифодаланганлиги. Бу босқичда альтруизмнинг огирлик маркази муҳаббат тимсоли бўлган қиз ёки йигитга йўналган бўлади. Альтруизм ниҳоятда кучли бўлганда инсон севган кишии учун ҳамма нарсага тайёр бўлади. У севган қизи ёки йигитининг манфаатини ўзининг, ота-онасининг, ўзига яқин кишиларининг манфаатидан устун қўяди ва биринчи даражали зарурат ҳисоблайди.

4. Муҳаббат кучига чексиз ишонил. Бундай ҳолларда муҳаббат ҳисларини бошдан кечираётган шахс ўз севгилисидан билан бирга бўлишни, бўш вақтларини бирга ўтказишни, тезроқ у билан оила қуришни ва умрининг охиригача бирга бўлишни орзу қилади, шунга интилади, у кўпинча бу режасини амалга оширади. Бундай олий бахтга эришиш йўлида турли тўсиқлар учраши муқаррардир. Чунки ҳаёт битмас-туганмас, турлитуман қийинчилик ва қарама-қаршиликлардан, жумладан, ота-оналарнинг қаршилиги севгилисининг ўзга киши билан никоҳда эканлиги, иккаларининг ҳам ниҳоятда ёшлиги, ижтимоий ва иқтисодий етукликка эришмаганлиги, уй-жойининг йўқлиги, бирининг ўзга шаҳардан келганлиги, ўзга миллатга мансублиги ва ҳоказолардан иборатдир.

Юқоридаги сабаблар севги ҳиссиётини бошидан кечираётган ёшлар учун тўсиқ бўла олмайди ва улар бунинг барига эришарисизлик билан қарашади. Уларнинг фикрича, муҳаббат барча нарсага қодир, барча тўсиқ-

ларни енга олади, аини вақтда агар муҳаббатлари ҳақиқий бўлса, улар барча қийинчиликларга бардош беришади. Ҳақиқатан ҳам чин муҳаббат бу тўсиқларни сўзда ёки тасаввурда эмас, балки ҳаётда амалда енгиб ўтади ва оила қуришда, ҳаётчи қийинчиликларни енгиб ўтишда катта омил ҳисобланади.

Лекин ёшлар фақат икки нарсани олдиндан кўра билмайдилар: 1) муҳаббатнинг ҳиссий кучи учинчи босқичга ўтгандан сўнг бирмунча сусайишини; 2) ҳиссиётнинг кескин ошиши билан ҳаёт қийинчиликлари аҳамиятининг кескин ошиши ва севишганларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир кўрсатишини, кўпгина севишганлар ўз муҳаббатларини бошқаларникидан устун қўйишади ва умрларининг охиригача шундай қолади деб ўйлайдилар.

5. Севгилисида бошқалар кўрмаган жиҳатларни кўриш, ўзгалар аҳамият бермаган хислатларни сезиш, ҳали яққол ифодаланмаган қобилиятни аниқлаш, унинг қандай мутахассис бўлиб етишишини олдиндан кўра билишнинг барчаси муҳаббат зийраклигининг намоёни бўлишидир. Бу, албатта, севган одамнинг кўзи билан қарашга боғлиқ. Бу қарашнинг ўзига хос руҳий томони шундаки, у башарти ижобий томонларини бўрттириб кўрсатса, салбий томонларига эътибор бермайди. Шулар туфайли кўпинча севгилисининг ҳатто ўз ота-олаеси кўра билмаган истиқболини айтиб бера олади.

6. Севган одамда ҳаётга муҳаббат кучаяди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин: уларда руҳий жиҳатдан кескин ўзгариш содир бўлади, дунёни ўзгача тасаввур қилишади, ҳаётни чуқурроқ идрок эта бошлайдилар, ўзгаларни қалбдан тушуниш, уларга ҳамдардлик билдириш кучаяди, илгари яққол ифодаланмаган раҳмдиллик хислатлари пайдо бўлади ва ортади. Ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш, теварак-атрофдаги гўзалликларни кўра олиш — эстетик идрок қилиш кучаяди. Ахлоқий қарашлари юксалади, олдинги ёмон одатларни ташлайди. (бу муҳаббатнинг тарбиявий таъсири, ўзгаларга бўлган ҳурматнинг ошиши туфайлидир), ижодий фаолияти ва ин қобилияти ортади (чунки муҳаббат киши фаолиятига жуда кучли таъсир қилади) ва ҳоказо.

СЕВГИНИНГ ФАСЛИЙ ЎЗГАРИШИГА ТАЙЕР БУЛИНГ

Табиатда йил фасллари ўзгариб туриши, ҳар бир фаслнинг ўзига хос такрорланмас гўзалликлари борли-

ги, табиатни келинчаги баҳорни жазирама ёз билан алмашилиши, у эса ўз навбатида ўрнини тўкин-сочин олтин кузга бериши севги-муҳаббатда ҳам ўз аксини топади.

Табиатдаги ўзгаришларни биз баъзан орзиқиб кутамиз, ундан эстетик, маънавий, жисмонан завқланамиз. Унга бағишлаб куй ва қўшиқлар битамиз.

Шу билан бирга энг яқин кишимиз, севгимизга нисбатан бўлган ҳиссиётимиздаги психологик қонуниятлар, муқаррар бўлган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотга деярли эга эмасмиз.

Дунёни биламиз, аммо ўзимизда содир бўладиган аксарият ўзгаришларни кўра билмаймиз. Бу эса бизнинг ҳиссиётимизга, оилавий ҳаётимизга кўпинча салбий таъсир қилади. Бу муҳаббатдаги фасллар ўзгаришида энг мураккаб ва кўпинча хавфли ҳисобланган, иккинчи босқичдан сўнгги учинчи босқичга ўтишдир. Ўтиш ҳар қайси давр учун маълум инқирозлар билан кечган сабаблар, бу босқичда ҳам қатор қийинчиликлар кузатилиши мумкин. Чунки айнан шу даврдан бошлаб севгилисини идеаллаштириб идрок қилишга мойиллик камайиб боради. Энди шахс қандай бўлса, шундайлигича, реал, аниқ ва холисона идрок қилинади. Меҳр-муҳаббатнинг йўналиши ўзгариб фарзандлар томонга оғади ва турмуш ўртоғига нисбатан камайиб боради. Руҳий тўйиниш — эр-хотиннинг бир-биридан тўйиб қолиши оилада турли икир-чикирлардан низолар келиб чиқишига замин ҳозирлайди.

Эр-хотин қанчалик ёш бўлсалар, бу давр шунчалик оғир ўтади. Ўзаро келишмовчиликлар кўпаяди. Уларнинг ёшлиги, ҳаётий тажрибалари йўқлиги оқибатида «муҳаббатимиз ўлди» ёки «муҳаббатда, умр йўлдоши танлашда адашдим, мен ҳали ёшман, хатоимни тўғри-лаб оламан», деб оилавий ёнғини аланга олдириш билан аҳвол янада оғирлашади. Куёв ўзича: «Кўча тўла хотин», — деса, келин: «Эр қуриб қолибдими, кўчага чиқсам сон мингта, эр хоҳласам эртагаёқ бирортасига тегиб оламан? — деган гапларни айтишади. Натижада тўйинишга учраган ҳиссиётларни ва ўзаро муносабатларни руҳий жиҳатдан таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқариш ўрнига салбий муносабатлар юзага келади ва икки ёш шу муносабат қулига айланиб қоладилар.

Бунда, албатта, келин ёки куёвнинг ота-онасидаги камчиликлар, дўсти ёки қариндошининг тўйдан аввал огоҳлантиргани ёки тўйдан олдин севишганлар ораси-

да бўлиб ўтган майда-чуйда гаплар куёв ва келин маълумотидаги тафовутлар: «Саводсиз бўлмаса шу ишни қилармиди?», «Олий маълумотли хотин олгандан кўра уйланмасдан ўтган яхши»; ёш орасидаги тафовут: «Эринг катта бўлса ақл ўргатади», «Эринг ўзингдан катта бўлса эзма бўлади»; касб тафовутлари: «Хотиннинг педагог бўлса — бир умр тарбиялайди», «Эринг санъаткор бўлса — оилавий ҳаётинг саҳнага айланади»; «Хотиннинг санъаткор бўлса — вафосизлик соя каби ажралмайди»; миллий тафовутлар: «Ўз миллатим билан турмуш қурганимда шундай хорланмас эдим»; ота-онага алоқадорлик: «Пияниста отанинг ўгли ким бўларди?», «Ит эмганига тортади» ва шу каби, ўзини оқлаб, бор гуноҳни умр йўлдошига ағдаршига интилиш салбий муносабатларнинг шаклланишига имкон яратади.

Бундай муносабат шаклланишдан сўнг оилавий ҳаётдаги ҳар қандай келишмовчилик ва низолар худди шу муносабат заминидан ҳосил бўлаётгандек идрок этилади. Бу муносабатга алоқадор бўлмаган воқеалар хотирада сақланмайди, унга алоқадорлар эса узоқ муддатгача хотирада сақланиб қолади. Бундан кейин эр-хотин салбий муносабатларнинг қулига айланадилар. Бу эса аста-секин оила пойдеворини емириб, унинг барбод бўлишига олиб келади. Энди ўзаро эр-хотинлар эмас, балки улар орасида юзага келган салбий муносабатлар курашади, эр-хотин эса мазкур муносабатларнинг жасур жангчиларига айланадилар. Улар орасидаги жанг муҳаббат тамомила барбод бўлгунича давом этаверади. Лекин барча оилаларда ҳам ўтиш даври юқорида ифодалангандек кечавермайди.

Юқорида севишганлар ўртасидаги салбий муносабат ва унинг оилавий ҳаётга зарбасини айтиб ўтдик, холос. Аммо муносабатлар ижобий ҳам бўлиши мумкин. Муҳаббатнинг биринчи босқичида ҳиссиётли инсон ижобий муносабатлар таъсирида ва айниқса иккинчи босқичда ўзининг юқори нуқтасига етади. Аммо баъзи эр-хотинлар (кўпинча аёлларда) учинчи босқичга ўтишда ва ўтгандан сўнг атрофдаги эр-хотинларга ҳавас билан қарайдилар, уларни ўз эрларига ўрناк қилиб кўрсата бошлайдилар. Бунда аксарият аёл кишининг ҳаётга ҳолисона кўз билан қарамасдан чиқарган хулосалари устунлик қилади. Бундай аёл ва эркак ўз эри ёки хотинига уларнинг ҳамкасблари, дўстлари (шишадошлари эмас), таниш-билишлари кўзи билан қараб кўришлари керак. Шунда улар ўз умр йўлдошларида қанчадан-

қанча ижобий хислатларни кўрадилар, улардан бошқаларда бўлмаган, бироқ ўзлари қадрлай билмаган қимматли томонларини топадилар.

Халқимизда «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» деган мақол бор. Бу, энг аввало, оилавий ҳаётга, эр-хотинлар орасидаги муносабатларга тааллуқлидир. Шунинг учун доимо ўртадаги севги-муҳаббатнинг, қадр-қимматнинг арзимас сабабларга кўра йўқолишига йўл қўймаслик, кўнгилсизликларнинг олдини олиб яшаш керак. Акс ҳолда кейинги афсус ва пушаймонлар бир умр руҳий азоб беришини, йўл қўйилган бу хатони бир умр тузатиб бўлмаслигини ёддан чиқармаслик керак.

Ҳаёт мураккаб жараён, унда нималар бўлмайди, дейсиз. Арзимас сабаблардан жанжал чиқаришга, уни авж олдиришга ҳаракат қилмаслик керак. Бизда «эр-хотиннинг уриши — дўка рўмолнинг қуриши», деган ибратли гап бор. Хусусан, ўртада фарзандлар пайдо бўлгандан кейин жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Барбод бўлаётган муҳаббат туйғусини ҳеч бўлмаганда норасида гўдаклар ҳурмати учун, улар тақдирини ўйлаб ҳам асраб қолиш шарт. Лоақал оила сақлаб қолинмаганида ҳам, севги-муҳаббат ҳисларининг нафратга айланиб кетишига йўл қўймаслик зарур.

Оилавий ҳаётдаги хурсандчиликларни, ўтиб кетган ширин дамларни, илиқ муносабатларни эслаш ҳам арзимас низоларнинг рўёбга чиқишини олдини олади. Бу ўринда эр-хотин бир-бирининг хулқ-атворларидаги ижобий хусусиятларини эслаб туришлари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, муҳаббатнинг иккинчи — алангаланган босқич умрини узайтиришга, ўзаро ҳурмат босқичига инқироссиз, низоларсиз ўтишга ёшларни тайёрлаш зарур. Бу эса оиланинг тотув яшашига ёрдам беради. Бунинг зарурий шартлари ўта маданиятли бўлиш, оилавий турмушга ижодий ёндашишдир.

Умуман оилавий ҳаётда, жумладан, ёш оилаларда келишмовчиликларга, қўйди-чиқдиларга олиб келувчи сабаблар кўп. Шулардан бири рашк туйғусидир. Баъзан рашк оғир ва қутилмаган оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз қуйида рашк туйғуси, унинг кўринишлари ҳақида бирмунча тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу ҳақда билиб қўйиш ва маълум тасаввурга эга бўлиш фойдадан холи эмас.

РАШК ХИСЛАРИ

Рашк билан муҳаббат ҳислари ҳамиша ёнма-ён юради, улар бир-бирига доимий йўлдош ҳисобланади. Рашкнинг бўлишига кўра одамлар иккига — ўта рашк қиладиган ва деярли рашк қилмайдиганларга, яъни шундай ҳиссиёти йўқ одамларга бўлинадилар. Бу иккала тоифа орасида оралиқ тоифалар ҳам мавжуд. Рашкнинг маълум бир шахс ҳаёти давомида ўзгариб бориши ҳам кузатилади. Бу эса ташқи таъсирга, ҳиссиёт кучига, урф-одатлар ва рашк қилувчининг ёшига боғлиқ бўлади. Рашкнинг ўзи икки турга бўлинади.

Биринчиси ўта рашк бўлиб, бу рашк ўзининг ниҳоятда кучлилиги, барқарорлиги ва турғунлиги билан характерланади. Аксарият ҳолларда ўзига жуда ишонган, ўзига ортиқча бино қўйган, талаб даражаси юқори бўлган, ҳамиша юқори ўрииларга даъво қиладиган, барчани диққат марказида бўлишни истайдиган, совуқ ҳиссиётли, яккаланган, қайсар, худбин шахсларда ўта рашк кузатилади. Бундай рашкчи шахснинг онлавий ҳаёти азоб-уқубатга айланади, кўпинча турмуш бузилиб кетади. Бундай одамларга баъзан тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлади.

Иккинчи чекланган рашк кўпинча ўзига ишонмайдиган, ўзини бошқалардан бир қадар заиф деб биладиган, талаблар даражаси юқори бўлмаган, ҳар бир нарсада иккиланадиган, журъатсиз, ўзгалардан шубҳаланадиган шахсларда учрайди. Бундай одамлардаги рашкни «заифлик сабабли келиб чиққан рашк» деб аташ мумкин.

Рашк қилаётган киши ўз ҳиссиётини жиловлаши ва рашк ҳислари асосида кескин хулосалар келтириб чиқаришга шоянмаслиги керак.

Ўта рашкчи одамнинг ўзи ҳам, рашкка сабабчи ҳам қийналади ва энг муҳими, орадаги муҳаббат ҳислари йўқолади. Шунинг учун ҳар қандай эр ёки хотин ёхуд севишганлар бир-бирларининг рашкка бўлган муносабатини, қай даражада рашкчи эканлигини ҳисобга олиши, иккинчисининг рашк қилишига йўл қўймаслиги, яъни шунга яраша иш тутишлари мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда бу онлани уриш-жанжалдан боши чиқмаслиги, оқибатда оила барбод бўлиши, энг ёмони, иш фожиа билан тугаши ҳам мумкин. Статистик маълумотларга кўра оилада содир бўлаётган қотилликларнинг 50,4% ини вафосизлик ва рашк эгаллаб турибди.

Онлавий келтирмовчиликларнинг кўпчилиги рашк туфайли келиб чиқади. Рашк қилаётган кишидан ташқари, рашк қилинаётган одам ҳам қийналади. Эр-хотинларнинг икковлари ҳам азобланадилар, уйда барака бўлмайди, тинчлик йўқолади, бу албатта уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши ҳақида не-не шеърлар, мунозаралар, тортишувлар ва тушунчалар мавжуд. Психологларнинг текширишларича, рашкни биологик нуқтаи назардан ва пайдо бўлиш сабабларига кўра учга бўлиш мумкин.

1. Биологик нуқтаи назарга кўра:

— кескин ифодаланган рашкчилар;

— рашк қилмайдиганлар, рашкнинг нималигини билмайдиганлар;

— юқоридаги икки тип ўртасидаги оралиқ формалар.

2. Ифодаланиш шаклига (сифат кўрсаткичи) кўра:

— золим рашкчилар — бундай одамлар кўпинча ниҳоятда такаббур, ҳиссий совуқ, худбин, ўжар, майда гап шахслар бўлади;

— камситилган рашкчи — кўпинча ўзига ишонмайдиган, салга руҳан тушкунликка бериладиган, ўзини маълум объектив ёки субъектив сабабларга кўра ўзгалардан пастроқ ҳисоблайдиган шахсларда учрайди.

3. Келиб чиқиш сабабларига кўра:

— ўзи хиёнатчи бўлгани сабабли турмуш ўртоғини ҳам шундай деб билади;

— оила ва ўзга кишилар таъсирида шаклланган рашк. Ота ёки онасининг ахлоқсиз ҳаёт кечириши, ҳамкасбларидан турли ҳодисаларни кўп эшитиш, баъзан бадий китоб, кинофильмлар таъсири натижасида «эркакларнинг ҳаммаси вафосиз» ёки «барча аёллар қудай шароитли бой бермайдилар» каби хулосаларнинг шаклланишига олиб келади;

— ўз севгилиси гидрокида ўзини ўз рақиби билан таққослашга йўл қўймаслиги;

— ўзига нисбатан муҳаббат ҳисларини йўқотишдан қўрқиш.

Биринчи икки шохобча салбий характерда бўлса, учинчи шохобча ижобий аҳамиятга эга, чунки у шахсни янада юксалишга, олижанобликка олиб келади.

Иккинчи тури — ўзгалар таъсирида юзага келадиган рашк. Ота-оналарнинг, ҳамкасбларнинг вафосизлиги, эр-хотин орасидаги вафосизлик тўғрисида яқин дўстлар ва дугоналар орасида бўлиб ўтган гаплар, баъзи бадий

асарлар, кинофильмлар, турли латифалар, вақтли матбуотдаги мақолалар айрим кишиларга салбий таъсир кўрсатиб, уларда «барча аёллар ёки барча эркеклар вафосиз», деган фикрнинг шаклланишига ва онгда мустаҳкам ўрнашиб қолишига олиб келиши мумкин. Баъзан яқин кишиларидан бирининг самимий ҳазили ҳам бундай одамнинг хотирасидан қатъий ўрин олиши, кунлар ўтиб, айрим сабаб ёки шубҳа туфайли хотирадаги илгариги «ҳазил», жиддий рашк учун асос бўлиши ҳеч гап эмас.

Рашк ҳислари турмуш ўртоғига ишонмаслик, уни йўқотиб қўйишдан чўчиш, аёл ёки эрнинг бошқа бировлардан (қарама-қарши жинсдан) ҳайратланиши, уларга қойил қолиши ёки ҳавас қилиши, у билан самимий муносабатда бўлиши каби ҳолларни ўзига нисбатан ҳақорат, деб билиш натижасида юзага келади.

Рашк қилаётган шахснинг хулқи агрессив кўринишда ёки қимматликнинг ўзгаришида ифодаланиши мумкин.

Тажовузкор рашк қилаётган шахснинг рашки севгилисига ёки рашк сабабчиси бўлган учинчи шахсга қаратилган бўлиши мумкин. Баъзан бундай рашк фожиа билан ҳам тугаши мумкин.

Қимматликлардаги ўзгариш икки хил кўринишда ифодаланиши мумкин. Рашк қилаётган шахс ўз севгилиси гидрокида ўз қимматини ошириш, ўз рақибига етиб ундан устунлик қилишга интилади. Бу ижобий ҳол бўлиб, рашкчини маънавий, маданий, баъзан жисмоний жиҳатларидан янада юксалишига ундайди.

Иккинчи тоифадаги кишиларда рашк объекти — севгилиси унинг гидрокида қайта баҳоланади. Унинг назарида севгилиси ўзгалар билан юриши, бирга бўлганлиги, унинг қийматини кескин тушишига ва рашк қилаётган шахс «қийматсизланган» севги объектини қалбидан чиқариб ташлашига сабаб бўлади. Бу можарони олдини олмаса улар орасидаги меҳр-муҳаббатга путур етиши мумкин. Бундай вақтларда аксарият йигит-қизлар тезроқ бошқаси билан топнишиб олишга ҳаракат қиладилар. Топталган муҳаббатларига юпанч топниш пайига тушадилар. Баъзан илгари рад этиб юрган йигит ва қизларига уйланишга ёки тегишга розилик бериб шу билан енгил тортгандай бўлади. Аммо бундай ҳиссиётга берилиш бир умрлик пушаймонга сабаб бўлиши ва қалбига яқин кишилардан ажраб қолганини англаб етганда вақт кеч бўлиши мумкин.

Рашкнинг юқорида кўрсатилган ташқи ифодаланиш

турлари рашк қилаётган шахснинг ёшига, мижозига, жинсига, муҳаббат турига, савиясига, рашк қилувчи шахс билан рашк объекти орасидаги тафовутга, қарама-қарши жинсдаги кишилар билан бўлган мулоқат интенсивлигига, миллий психологик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Рашкнинг пировардида ажралиш билан яқунланиши ва унинг олдини олиш чоралари кейинги саҳифаларда батафсил ёритилган.

II БОБ

ОИЛА, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Никоҳга ёки яқин қариндошликка асосланган маиший хизмат, ўзаро ёрдам ва ахлоқий масъулият умумийлиги билан боғланган кичик гуруҳ оилани ташкил этади. Бу — илмий қоида, таъриф. Хўш, оиланинг пайдо бўлиши, унинг тараққиёт давлари, жараёнлари борасида илм нима дейди?

Ибтидоий жамоа даврида оила гуруҳий никоҳ — полигамия (кўп никоҳ) шаклида бўлган. Ойлада бир неча эркек ва аёл ўзаро жинсий турмуш кечиришган. Бу эркек-аёллар ва уларнинг болалари бир оилани ташкил этган. Оиланинг бундай илк шаклини «хонадон» деб аташ тўғрироқ бўларди.

Қулдорлик даврига келиб хусусий мулкнинг юзага келиши натижасида оила тузилишида ўзгариш юз берди. Бунда эркек (оила бошлиғи), унинг хотинлари (полигамия — кўп хотинлик), болалари ва уйдаги қулла-ри бир оилани ташкил этган. Бу турдаги патриархал оила яқка никоҳ — моногамиянинг дастлабки биринчи тарихий шаклидир. Оиланинг турғун уюшма сифатида шаклланиши ҳам айнан шу тарихий босқичдан бошланади ва феодализм тузумида такомиллашиб, мустаҳкамланиб боради. Бундай оила фарзанд, неvara, эvara-чеваралардан иборат бўлган бир неча авлодни ўз ичига олган.

Оиланинг «кўп бўғинли» бўлишига объектив зарурят туғилади. Негаки, бундай жамиятда ишлаб чиқариш қуроллари етарлича ривожланмаган, барча ишлар қўлда бажарилган, турли юқумли касалликлар, урушлар одамларни аёвсиз қирган, табиий офатлар олдида киши-

лар ожиз бўлган, инсоннинг туғилиб, вояга етишида табиий танланиш ҳукм сурган. Оқибатда оила аъзолари кўпчиликдан иборат бўлишини, бир неча авлод бир-та яшашини ҳаётнинг ўзи тақозо этган.

Капиталистик тузумга ўтиш оиланинг хоёнаки ишлаб чиқаришига бўлган талабларининг кескин камайиб, йўқолиб кетишига олиб келган. Болаларнинг илгаригидек потенциал ишчи кучи бўлишига зарурият қолмаган. Энди улар ота-оналарининг фақат маънавий эҳтиёжига айланадилар.

Аниқроқ қилиб айтганда, феодализм жамиятида бурдойни экишдан тўртиб нон ёпишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини оиланинг ўзи бажарган. Хўжалик юрининг ҳаммасини меҳнатни таъкил қилиш усуллари ва тиш йўллари, меҳнатни таъкил қилиш усуллари ва технологияси, оилавий муносабатлар — муҳаббат, бурч, фарзанд тарбияси каби ҳаётини масалалар борасида, илмий қўлланмалар, дастуруламаларнинг камлиги, боридан ҳам жамият аъзоларининг катта қисми саводсизлиги туфайли фойдаланмаслиги сабабли катталар ўшларга ўз тажрибалари — кўникмаларини бирга яшаб, меҳнат қилиш баробарида сингдириб борган.

Бунинг учун эса катта оила — хонадон бўлиб яшаш зарур эди. Капитализмда саноат корхоналарининг пайдо бўлиши ва йириклашиши, майда хунармандчиликнинг инқирозга учраши, тараққий этган техниканинг қишлоқ хўжалигида ҳам жорий этила бориши, малакали ишчи-деҳқонларга бўлган эҳтиёж туфайли маориф ишларининг ривожланиши оқибатида бир авлодни ўз ичига олган хонадон — оила ўрнига ота-она ва болалардан иборат бўлган нуклеар (ядро) оила юзага келади.

Капиталистик тузумда техника тараққиётини уйғун равишда кишиларнинг уйдаги меҳнат фаолияти қисқара боради. Бу ҳол оилада ўсаётган ёш авлоднинг ақлий, маънавий ўсишига имкон беради. Жамият аъзосининг хонадонда ўсган тенгдошига нисбатан ақлий ривожланиши тезлашади, билимлари тараққий этади. Жамият аъзоларига пок инсоний туйғулар, бегараз, самимий муҳаббат асосида оила қуриш имконини беради.

Ҳўш, ҳозирги замонавий оилалар қандай хусусиятларга эга? Унинг инсоният ўтмишидаги оилалардан ўзинга хос қандай фарқли хусусиятлари, вазифалари бор? Эндиги суҳбатимиз шулар хусусида бўлади.

Ҳозирги замонавий оилага хос хусусиятлар бораси-

да сўз юритар эканмиз, аввало, унда эркак ва аёлларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқли эканини айтиб ўтмоқ мақсадга мувофиқ бўлур эди. Оила ҳам одамга ўхшайди. Негаки, унда икки одам қўшилади, ўз-ўзидан кўпаяди. Одам ўз аجدодларига ўхшайдими? Маълум даражада — ҳа. Негаки, ирсий ва миллий хусусиятлар яшовчан бўлади. Фарқ ҳам қиладими? Ҳа, сабаби, ўтган даврлар одамзод авлодларидан «ўз ҳаққини» олмай кетмайди. Оила ҳам шундай! Даврлар, замонлар ўтиши билан у ўз шакли ва моҳиятида нималарнидир ўзгартиради, қайсидир хусусиятларини сақлаб қолади. Капиталистик мамлакатларда хотин-қизларнинг аҳволи қандай? АҚШ, Англия, Канада ва капитал ҳукмрон бўлган бошқа мамлакатларда бир хил меҳнат учун аёллар эркакларга нисбатан кам ҳақ оладилар. Япония конституциясига биноан хотин эрига нисбатан бешдан бир баравар кам маош олиши шарт. Агар хотин бундан кўпроқ ҳақ олиб қўйса, унга катта солиқ солинади. Италияда аёллар маоши эркакларникидан 27 фоиз, Олмонияда эса 30 фоиз камдир, Францияда аёллар эркаклар йиллик ўртача иш ҳақининг 65 фоизини олишга мажбурдирлар.

Франция олими Мишелнинг фикрига кўра, аёлнинг малакаси ва иш ҳақи қанча-юқори бўлса, оилада эри билан бўлган муносабатларида, уй ишларини бажаришда ҳам тенг ҳуқуқлиликни талаб қилади, юқори мавқеларни эгаллайди.

Ўзбекистонда аёлларимиз қонуний ҳуқуқларининг тўлиқ тикланганлигини оиладан тўртиб давлатни бошқариш ишларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатларининг 30 фоизи аёллардир. АҚШ конгресс аъзолари орасида эса атиги 4 фоиз аёллар бор, холос.

Соғлиқни сақлаш, маориф системаларида, енгил саноат корхоналарида эса аёллар ҳатто кўпчиликни ташкил этади. Шу билан бирга бола туғиш ва уларни улағайтириш каби вазифаларни ҳам табиат аёллар зиммасига юклаган.

Аmmo шу билан бирга аёллар эмансипацияси — эркаклар билан ҳар томонлама тенглашиши оилавий ҳаётда баъзи келишмовчилик муаммоларини ҳам келтириб чиқармоқда.

Ўтган жамики тузумларда оила моддий жиҳатдан эркак қарамонига эди. Аёл, асосан, бола туғиб уни тарбиялаш ва уй-рўзғор ишлари билан банд бўларди. Шу

сабабли, эркак кишининг оилада эгаллаган мавқеи, хотини ва болалари олдидаги обрўи нисбатан анча юқори эди. Эр оилани боқувчи ва унинг ҳимоячиси ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам оила аъзолари унинг феълидаги ижобий хусусиятлардан фахрланар, қусурларидан кўз юмар, ҳамиша кўнглига қарарди. Эр башарти оилани тарк этгудай бўлса, хотин ва фарзандлар ҳар жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиши аниқ эди. Шу сабабли, хотин эрдан ажралишни хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳаётдаги барча рўшноликни ҳам, бахтиқароликни ҳам эр сиймосидан кўрар, тақдири азалга боғларди.

Ҳозирги замонавий оилаларда эса аёлнинг аҳволи бутунлай бошқача. Уларнинг иш ҳақи эркакларникидан кам эмас, айрим ҳолларда ҳатто кўп ҳамдир. Натижада хотин эрга моддий жиҳатдан тобе бўлмай қолади. Ажралиш оиланинг иқтисодига кўнам салбий таъсир қилмайди. Шу сабабли эр хотиннинг маънавий, шахсий, ақлий, иқтисодий ёки жинсий эҳтиёжларини қондира олмаса, осонликча ажралиш билан оилавий ҳаёт тугаши мумкин.

Аммо айрим эркакларнинг аёлларга — хотинларга эски анъана бўйича «менсимай» қараш каби ҳоллар ҳам учрайди. Бу ҳол оилада келишмовчиликлар, турли психологик низолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Никоҳдан ўтиб, бир ёстиққа бош қўйган эру хотин умумий тил топишга интилиб, бир ёқадан бош чиқармас эканлар, оромбахш туйғулар, фароғатли муҳаббатдан бунёд бўлган оила аччиқ-аламли сўзлардан, қаҳру ғазаблар захридан огуланади, нурайди. Сўнгги йилларда олинган статистик маълумотларга кўра МДҲ да ўрта махсус ва олий маълумотли аёллар эркакларга нисбатан устунликка эришганлар. Ўзлари эришган эмансипация туфайли аёллар жинсий ҳаёт психологияси, этикаси, методикаси ҳақида эркакларга нисбатан кўпроқ ўқишади, бу масалалар бўйича назарий билимлари юқорироқ бўлади. Оила қурганларидан сўнг эрларидан жинсий ҳаётда кўпроқ нарсани кутишади. Аммо йигитларимизнинг жинсий ҳаёт борасидаги билимлари ҳамон қуйи савияда қолиб кетмоқда. Баъзи бир йигитлар ичкиликка ружу қўймоқдалар. Эрларидан жинсий қониқмаслик оқибатида айрим аёллар иродасизлик қилиб, хиёнат йўлига қадам қўймоқдалар. Аёллар орасида асаб касалликларига мубтало бўлиш кўпаймоқда.

Аёлларда жинсий ҳаёт билимлари ошиши билан бир пайтда унга эҳтиёж ҳам орта боради. Йигитлар эса

ҳамон ўша-ўша, аёллар кутган лаззатни бахшида этолмайдилар. Бу ҳол оила мустақамлигига путур етказарди. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш, аёл ва эркак кишининг жинс психофизиологияси хусусида ушбу рисоламизнинг кейинги бобида батафсил фикр юритганмиз.

Замонавий оилага хос бўлган иккинчи хусусият унинг нуклеарлигидир. Нуклеар лотинча сўздан олинган бўлиб, луғавий маъноси «ядро» демакдир.

Эр-хотин ва болалардан иборат бўлган оила «нуклеар оила» дейилади. Агар оила кўп бўгинли, яъни ота-она, ўғил-келин ёки қиз-куёв, невара-чеваралардан ташкил топган бўлса, уларнинг ҳаммаси бирга яшаб, бирга хўжалик юритишса, бундай хонадон нуклеар ҳисобланмайди. Илгари оилаларнинг аксарияти кўп бўгинли бўлганлигини олдин ҳам айтган эдик. Ҳозирги кунда оилаларнинг кўпчилиги икки бўгинли нуклеар оилалардан иборат. Аммо оиланинг нуклеарлашишини фақат жамият тараққиётига боғламасдан, балки миллий анъаналар билан боғлиқ равишда ўрганиш лозим. Масалан, Ўрта Осиё халқларида замонавий оилаларнинг кўпчилигини нуклеар бўлмаган оилалар ташкил этади.

Нуклеар оиланинг анъанавий оиладан қандай устунлик томонлари бор? Унинг ижобий жиҳатлари нимада?

Бундай оилаларда, аввало, қайнона ва келин (ёки келинлар), русларда қайнона-куёв орасидаги низоли ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб, баҳона камаяди ёки умуман бўлмайди. Негаки, улар бирга яшамайдилар. Халқимизнинг «узоқдаги кишнашар, яқиндаги тишлашар» мақолида ўз аксини топган бундай турмуш тарзида улар бир-бирлари учун қадрлироқ, ҳурматлироқ бўладилар.

Иккинчидан, ота-оналардан алоҳида яшаётган келин-куёв, эр-хотин алоҳида қозон қайнатиб, оила маънавий режалаштиришга, болаларни мустақил парвариш қилиш, ўстириш, тарбиялашга ўрганидилар. Оталик-оналик, эр-хотинлик вазифаларини мустақил бажариш борасида кўникма ҳосил қила борадилар. Натижада улар ота-оналикни мустақил идрок этадилар, бу борада камолат сари интиладилар ўзларича янги оила яратадилар. Мустақилликнинг ўзи ярим фаолият деб айтганларидек, ўзларига ҳаётда йўл очиб берадилар.

Учинчидан, турли оилавий масалалар — дам олиш, бўш вақтлардан самарали фойдаланиш ва бошқа масалаларни ҳал этишда эркинликка эга бўладилар.

Баъзи нуклеар оилаларда юқорида қайд этилган эркинликдан ўрнида фойдалана олмаслики ҳам кузатиш мумкин;

— болалар тарбиясига етарлича эътибор берилмайдигани. Назоратсиз қолган бундай болалар кўча муҳитининг салбий таъсирига тушиб қолишади. Феъл-атворида салбий иллатлар шаклланади. Оқибатда вояга етмаган бундай ёшларда ишламасдан пул топишга мойиллик, ичиш ва чекишга ишқибозлик каби ярамас одатлар пайдо бўлади;

— эркак ва аёллар ҳаёт эркинлигининг нисбий характери ни тушуниб етмайдилар, нуклеар оила шароитининг нисбатан «қулайлигидан» фойдаланиб, ахлоққазид бўлган ярамас ишлар билан шуғулланидилар, жумладан, жинсий ҳаёт борасида кўнгиллари тусаган номаъқулчиликни қилаверадилар, хиёнат кўчасига кирадилар.

Бундай оилаларда ўсиб-улғайган баъзи шахслар ўзларидан каттани иззат-ҳурмат қилишни билмайдилар. Фарзандлик бурчларини тамоман унутиб оқибатда ота-онилар ҳолидан хабар олмай қўядилар. Бетобланганларидан бориб кўрмайдилар, кексайиб, кучдан қолганларидан уларни қариялар уйига жўнатиб, ўзларининг фарзандлик вазифаларини ўташни ҳам давлат зиммасига юклашга ҳаракат қиладилар. «Ота-онангга қилганингни болаларингдан кўрасан», деб халқимиз бежиз айтмаган, буни зинҳор унутмаслик керак.

Замонавий оила хусусиятларидан учинчиси — мезальянларнинг ошишидир. «Мезальянс» — французча сўз бўлиб эр-хотиннинг ижтимоий, маданий, маънавий ва иқтисодий мавқелари орасида катта тафовут бўлган оилалар тушунилади. «Мезальянс» деб масалан, шаҳарликлар билан қишлоқликлар, зиёлилар билан ишчи-деҳқон ҳамда турли миллат кишилари орасидаги никоҳларни тушуниш мумкин.

Мезальянс оилалар сонининг ошиши ҳам ирсий, ҳам ижтимоий жиҳатдан ижобий ҳолдир. Бундай никоҳларнинг кўпайиши шаҳар ва қишлоқ, ишчилар ва деҳқонлар ҳамда зиёлилар қатлами орасидаги тафовутларнинг йўқолиб боришига, уларнинг иқтисодий-маданий, маънавий жиҳатдан яқинлашиб, уйғунлаша боришига имкон беради. Байналмилал оилалар сонининг кўпайиши, бир жиҳатдан, ирсий аҳамиятга молик бўлса, иккинчидан халқлар орасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашишига хизмат қилади. 1979 йил маълумотларига кўра Латвияда никоҳларнинг 50—70 фоизи байналмилал-

дир. Вильнюсда бу кўрсаткич 37, Ригада — 35, Махачкалада — 28 фоизни ташкил этади. Қирғизистонда ҳар куни рўйхатга олинаётган 6 никоҳдан бири байналмилалдир.

Бугунги оилага хос хусусиятлардан тўртинчиси кам болаликдир. Демография нуқтаи назаридан 1—2 болали оила — кам болали ҳисобланади. 3—4 болали оила — ўрта, 5 ва ундан ортиқ болалилари — кўп болали оилалар ҳисобланади. Аммо Европа шаҳарлари аҳолиси уч болали оилани кўп болали оила ҳисоблашади.

Туғиш нисбати, кам болалик, боласизлик ва унинг сабаблари масаласига рисоламизнинг оила вазифалари бобида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Замонавий оила хусусиятларидан бешинчиси сифатида ёшларнинг тобора эртaroқ турмуш қураётгани билан уларнинг ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан кечроқ улғаяётгани ўртасидаги зиддиятни айтиш мумкин. Бундан ташқари, шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг кескин ўсиши ҳам оилага ўз таъсирини кўрсатади. Оиланиннг нуклеар, эгалитар хусусиятларга эга бўлиши ҳам мамлакатимизда аҳоли урбанизацияси — шаҳарларга тўпланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълумотларга кўра, МДХ да шаҳар аҳолиси 1939 йилда — 33, 1959 йили — 51, 1979 йили — 62 фоизни ташкил қилган. Ҳозирги кунда 25 та миллионер шаҳар бор. Шулардан Москвада 8,5 миллион, Санкт-Петербургда 5 миллиондан зиёд, Киев ва Тошкентда 2 миллиондан зиёд аҳоли яшайди. Шаҳар аҳолисининг бундай кескин ўсиши оила, никоҳ, оиладаги ўзаро муносабатлар, туғиш кўрсаткичи ва бошқаларга ўз таъсирини кўрсатди, янги замонавий оиланиннг шаклланишида объектив омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, илгариги анъанавий оилаларга фақат ота бошчилик қилган бўлса, ҳозирги оила кўп ҳолларда икки киши ++ (биархат) томонидан бошқарилади. Бунга эгалитар оила дейилади. Оилада кимнинг етакчилиқ қилиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида кейинги бобларда сўз юритамиз.

Замонавий оиланиннг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Маълумки, ҳар қандай оиланиннг ўз олдига қўйган аниқ мақсадлари бўлади. Жумладан, замонавий оиланиннг ҳам жамият олдида, ҳам ўз олдидаги маълум бурчи ва вазифалари бор.

Қуйида биз бундай мақсад ва вазифаларнинг қай даражада бажарилаётганини, бу борадаги муаммолар, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва бу муаммолар-

ни қай йўсинда ҳал қилиш мумкин, шулар хусусида сўз юритамиз.

Оиланинг энг муҳим мақсад ва вазифаларидан бири — репродукция, яъни фарзанд кўришдир.

Аҳоли сони маълум муайян кўрсаткичида бўлиб туриши учун ҳар 100 оилага тахминан 260 бола тўғри келиши керак. Аниқроғи, 100 оиладан 60 тасида уч нафар, 40 тасида эса икки бола бўлиши лозим.

Маълумки, МДХ иқтисодий тараққиёти аҳолининг ўсиб бориши билан боғлиқдир. Бунинг учун эса бир оила камида уч болали бўлиши зарур. МДХ нинг катта (Москва, Санкт-Петербург, Киев) шаҳарларида ўтказилган текширишларга қараганда аёлларнинг тахминан ярми оилада битта бола билан чекланишни истайди. Қолганлари эса икки бола етарли, деб билишади. Уч ва тўрт бола кўрмоқчи бўлган аёллар атиги 3—4 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда кўп оилалар (Болтиқбўйи давлатларида; айрим катта шаҳарларда) бир болалидир. Бунга баъзи аёлларнинг фарзанд кўра олмасликларини қўшсак (собик Иттифоқ бўйича аёлларнинг 16 фоизи бепарзанд), аҳоли ўсишини таъминлаш учун кўп болали оилалар ниҳоятда зарурлиги аён бўлади.

Баъзи аёллар биринчи ҳомиладорликдан сўнг фарзандсизлик дардига чалинадилар. Болаларнинг маълум қисми ёшига етмай нобуд бўладилар. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, ҳукуматимиз оналарга барча имтиёзларни яратиб бермоқда. Туғиш олдидан ва туғишдан кейинги таътиллار, бола туғилиши муносабати билан давлат томонидан онага бериладиган ойлик нафақа, болани тарбиялаш учун бериладиган муддатнинг 1,5 йилдан 3 йилга етказилиши, ойлик даромади киши бошига маълум сўмдан кам бўлган оилаларга қўшимча нафақа берилиши, улардан боғча ҳақи олинмаслиги ва шунга ўхшаш имтиёзлар мазкур ғамхўрликнинг ёрқин намуналаридир.

Оналарга бир қанча имтиёзлар берилишига ва ғамхўрлик кўрсатилишига қарамай, ҳозир Россия, Украина, Беларус, Литва, Латвия, Эстонияда туғилиш кескин камайган ва тарози палласи зўрга ўртада турибди. Бундай ачинарли ҳол қандай сабаблар оқибатида юзатга келмоқда?

Биринчидан, аёллар фақат уй-рўзғор юмушлари, бола туғиш, уни тарбиялаш билан чекланиб қолмасдан, ишлаб чиқаришда фаол қатнашяантилар ва эркаклар қаторида баравар туриб меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир

фан ва техника тараққиёти жамиятнинг ҳар бир аъзоси олдига катта талаблар қўймоқда. Бундай талаблар даражасида ишлаш учун аёллар бола боқишга, ҳар бир куннинг маълум қисмини ишхонасига, ишдан сўнг эса ўз малакасини оширишга сарфлашга мажбурдирлар. Уй юмушларини бажариш ҳам аёллар зиммасига дур.

Кўриниб турибдики, аёл ҳам оила, ҳам ишхона томонидан бирварақайига «эксплуатация» қилинар экан. Хўш, бундай нохуш аҳволни бартараф этиш учун нима қилмоқ керак? Бунинг учун мактабгача тарбия муассалари сонини кўпайтириш, уларда тарбиявий ишларни, санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, эрларнинг хотинларга нисбатан муносабатларини замон талаблари даражасида ўзгартириш учун тарғибот ишларини олиб бориш, хуллас, шунга ўхшаш барча зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Иккинчидан, шаҳар аҳолиси сони кескин суръатлар билан ўсиб бормоқда. 1940 йилгача МДХ аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқ ноҳияларида яшаган бўлса, бугун бу рақам иккидан учни ташкил этади.

Шаҳар аҳолиси қанча кўпайса, туғилиш шунча камаяди. Масалан, Россияда аҳолининг 70 фоизи шаҳарларда яшайди. Усиш эса 0,93 фоизга тўғри келади. Тожикистонда шаҳар аҳолиси 36 фоиз бўлиб, ўсиш 2,91 фоизни; Ўзбекистонда шаҳарликлар 40 фоиз бўлиб, аҳолини ўсиши 2,48 ни ташкил этади.

Шаҳар ҳаёти (аёлларнинг ишлаб чиқаришда фаол қатнашиши, турар жой ва баъзи томонлардан чекланганлиги, шаҳарликлар онги ва бошқалар) қишлоқларда туғилиб ўсган, шаҳарга келиб оила қурган ва яшаб қолган кишиларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу ҳол ҳам туғилишнинг камайиш омиллари билан бири бўлиб қолаяпти (1-жадвал).

Учинчи сабаб — болалар ўлими билан боғлиқ. Масалан, 1914 йилгача Россияда 1—5 ёшгача бўлган болаларнинг 42 фоизи нобуд бўларди. 1967 йилга келиб МДХ да бу кўрсаткич 3,2 фоизга тушди. Деярли ҳар бир боланинг ҳаёти сақлаб қолинади. Бундан хотиржам бўлган ота-оналар қанча фарзанд кўришни олдиндан режалаштириб қўймоқдалар. Бу эса туғилиш кўрсаткичини пасайтиради.

Тўртинчидан, қўйди-чиқдилар йил сайин кўпайиб бормоқда. 1964 йили ни юздан ўтган ҳар юз оиладан салкам 18 таси ажралиб кетган бўлса, 1976 йилга келиб бу рақам 33,2 фоизга етди.

Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, собиқ СССР да 1965 йилда 360 минг, 1966 йилда 646 минг, 1982 йилда эса 903 минг оила барбод бўлган. «Қўйди-чиқди» фожиясини янада яққол кўрсатиш мақсадида собиқ СССР да мавжуд оилалар сонини рақамларда кўрсатиб ўтамиз:

1940 — 37 млн.
1959 — 50 млн.
1979 — 55,3 млн.
1983 — 70 млн.
1986 — 80 млн.
1990 — 92 млн.

МДХ да бир йилда туғилган болалар (ҳар 1000 аёлга нисбатан)

Аёллар ёши	1938—1939	1958—1959	1978—1979
15—19	32,8	29,2	39,4
20—24	213,4	162,2	174,6
25—29	220,6	164,8	125,6
30—34	173,5	110,1	72,1
35—39	131,7	66,6	31,9
40—44	68,1	24,1	11,7
45—49	19,0	5,0	1,6
15—49	139,5	88,7	69,9

Янги юзага келган ҳар саккиз оиладан биттаси бир йилга етмай ажралиб кетади. Ҳар тўрт оиладан биттаси 5 йилга етмайди. Айниқса Москва, Киев, Санкт-Петербург, Харьков, Новосибирск, Олма-ота, Рига каби йирик шаҳарларда ажралиш сони ниҳоятда кўп бўлиб, икки никоҳдан биттаси ажралиш билан тугаяпти. Психолог Н.А. Соғиновнинг илмий-тадқиқот ишларига кўра келажакда шаҳарларда ажралиш сони стабиллашиши ёки бирмунча пасайиши, қишлоқ ноҳияларида эса ошишини кутиш мумкин.

Ажралиш кўрсаткичлари бўйича Россия, Украина, Белорус, Литва, Латвия, Эстония Европа мамлакатлари ичида етакчи ўринлардан бирини эгалляпти. Айрим тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра собиқ СССР да ажралишнинг 64 фоизини сабабчиси аёллардир.

Г. И. Царегородцев ва Н. И. Губанов (1982) маълумотларига кўра, ажралишларнинг энг катта қисми 30—34 ёшларга, яъни оилавий ҳаётнинг 7—10 йиллари-

га тўғри келади.¹ Аммо бу маълумотни чуқурроқ таҳлил қилганда, бундай оилаларда дастлабки 5 йил ичида психологик ажрим юзага келиб, еттинчи — ўнинчи йилларда қонун билан расмийлаштирилиши кўра-миз. Демак, оила учун энг хавfli пайт никоҳнинг дастлабки беш йилидир. Бу фикрни «Янги уйланганга етти йил яқин борма» деган ўзбек халқ мақоли ҳам тасдиқлайди.

Психолог олимлар Э. Н. Сатторов, Н. А. Соғинов, Э. Ш. Усмоновларнинг ўзбек оилалари бўйича олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларининг натижасига қараганда оилани шаклланиши, унинг мустақамлиги, оилавий низолар, рашк, вафосизлик ва оилада содир бўладиган жиноят, фожиялар, шу жумладан ўз жонига қасд қилишнинг энг хавfli даври 18—30 ёшларга тўғри келар экан. Ўзбек оилаларида ажралишларнинг аксарият қисми шу ёшларда кузатилади. Ажабланир-лиси шуки, инсон ҳаётидаги энг бахтли дақиқалар ҳам шу даврга тўғри келади.

Ҳисоб-китобларга қараганда руҳий касалликлар ичида кенг тарқалган шизофрения касаллигининг юзага чиқиши шу ёшга тўғри келади. Психиатрлар тахмин буйича наслий касалликни шу йилларда кўп юзага чиқиши асосида ҳам ёш даврининг мураккаблиги ётади.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси ёш оилаларга диққат-эътиборли бўлишимизни тақозо қилади.

Тадқиқотчи Н. Я. Соловьев маълумотларига кўра, ажралувчи оилаларда турғун оилаларга нисбатан болалар сони кам бўлади. Ажралувчиларнинг 48 фоизи умуман фарзанд кўрмаган, 35 фоизи бир болалидир². Демак, никоҳнинг беқарорлиги 48 фоиз эр-хотинни бола кўришдан (объектив, патологик сабабларга кўра бола кўра олмайдиган оилалар 16 фоизни ташкил этади ва уларнинг ҳаммаси ҳам ажралиш билан тугайвермайди) маҳрум қилади ва қолган 3,5 фоизини эса иккинчи болани туғмасликга олиб келади.

Ваҳоланки, оилада болаларнинг кўп бўлиши никоҳ барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шаҳар аҳолисига нисбатан қишлоқ ноҳияларида истиқомат қилувчи ота-оналар болаларни кўпроқ кадр-

¹ Г. И. Царегородцев и Н. И. Губанов. Социальные и психогигиенические проблемы семьи. Серия «Медицина», 1982. № 8, стр. 6.

² В. В. Бойко. Рождаемость: социально-психогигиенические аспекты. М., 1985. стр. 134.

лайдиларки, фарзандлар кўпинча дарз кетган оилаларни ҳам сақлаб қоладилар, мустақкамлайдилар.

Л. И. Савинова маълумотларига кўра, 8—10-синф ўқувчилари орасида ёлғиз фарзанд бўлиб ўсганлардан 25,4 фоизи «Мен оилада ягона бўлганимдан ва ака-ука, опа-сингилларим бўлмаганидан хурсандман», деган гапни айтганлар¹. Ота-онаси ташлаб кетиб, бобоси, бувиси қўлида вояга етаётган ўсмирлар ҳам оилада ягона бўлишни афзал кўришган. Демак, оилада ёлғиз ўсган, отасиз ёки онасиз ўсган ёшлар оила қурганларидан сўнг ўзлари ҳам ёлғиз фарзанд билан чекланишади, деб тахмин қилиш мумкин.

Ажралиш натижасида ҳар йили МДХ да 5 миллионга яқин бола отанинг, баъзан ҳатто онанинг кундалик эътиборидан, меҳридан, тарбиясидан маҳрум бўладилар.

Ажралишдан сўнг оталарнинг 89 фоизи ўз бурчларини алимент тўлашдангина иборат деб биладилар, она қўлида қолган фарзанди тарбияси билан умуман қизиқмайдилар.

Баловатга етмай жиний йўлга кирган тарбияси оғир болаларнинг 10 фоизи ё отасиз, ё онасиз ўсган бўлиб чиқади. Педагогик назоратсизлар орасида 60 фоизи отасиз ўсаётган болалардир.

А. В. Баранов берган маълумотга кўра ажралишнинг биринчи йили касал бўлиш ва ўлиш кўрсаткичлари шу ёшдаги нормал оилаларга нисбатан 10—12 марта ортиқдир. Ажралиш натижасида пайдо бўладиган руҳий таъсирланиш тахминан турмуш ўртоғи вафот этиши натижасида оладиган салбий психологик таъсир кучига тенг.

Рихард Хальгаш собиқ ГДР да ажралишнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келади:

- ўзга билан хиёнаткорона жинсий алоқа қилиш;
- хулқ-атвор ва дунёқарашнинг мос келмаслиги;
- жинсий сабаблар (бир-бирига мос келмаслиги);
- қўпол хатти-ҳаракатлар;
- спиртли ичимликларга ружу қўйиш;
- турар жойнинг етишмаслиги;
- ўйламасдан шошилишч никоҳ қуриш;
- болалар тарбиясидаги келишмовчилик;
- уй, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятдаги иштирокидан қониқмаслик;

¹ Уша жойда, 133-бет.

— айрим касб эгаси эканлиги, масалан, матрос, геолог (жаҳонгашта, саргашта) ва бошқалар;

- антисоциал хулқ (эр ёки хотиннинг қамалиши);
- иқтисодий қийинчилик;
- ўзгаларнинг салбий таъсири;
- фарзанд кўрмаганлик;
- ўзга сабаблар.

Жадвал маълумотларига кўра ажралишнинг асосий сабабларининг кўп фоизи турмуш ўртоғини қўполлигидан, ота-она ва ўзга қариндошларнинг ёшлар ҳаётига аралашishi ва турмуш ўртоғини оилавий ҳаётга тайёр эмаслигидан келиб чиқади. Ёшлар орасида севги-муҳаббат ҳисларининг йўқлиги ва ўйламасдан оила қуриш ҳам талайгина фоизни ташкил этади. Кўрсатилганларни психологик таҳлил қилиб умумлаштирадиган бўлсак, аксарият ажралишлар ёшларнинг муомала маданиятига эътибор бермасликларидан ёки уларда муомала маданияти йўқлигидан, катталарни ёшларнинг оилавий ҳаётига аралашувидан, оила қураётган ёшларнинг ҳис-туйғулари билан ҳисоблашмаслик, ота-оналарнинг ёшлар тақдирини ўзларича ҳал қилиши, қолаверса ёшларни оилавий ҳаётга тайёр эмасликларидан келиб чиқади.

Юқоридагиларга ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар алоҳида эътибор беришлари лозим. Айниқса, мактаб психологлари ота-оналарга бу соҳада биринчи маслаҳатчи бўлмоғи, оилавий ҳаётга бағишланган дарс, дарсдан ташқари тарбиявий соатларда ўқувчиларга индивидуал тарзда маслаҳат берганда диққат марказларида тутишлари керак.

Баъзи тадқиқотчиларнинг (Я. А. Лупьян, 1983) ёзишича, собиқ СССР да ажралишнинг 20—30 фоизига сабаб эр ёки хотиннинг жинсий қониқмаслиги экан.

В. П. Шахматованинг (1975) ёзишича, собиқ СССР да ажралишларнинг 45 фоизи ичкиликка ружу қўйиш (эр-кақларда — 41 фоиз, аёлларда — 4 фоиз), 15 фоизи хиёнат, 19 фоизи қариндошларнинг салбий таъсири ва болаларни тарбиялашда юзага келадиган келишмовчилик, 12 фоизи яшаш шаронтидан қониқмаслик, 6 фоизи рашк туфайли содир бўлар экан.

Оилавий ҳаётнинг у ёки бу даврида жинсий қониқмаслик оилаларнинг 75—84 фоизига учраб экан¹.

Шулардан кўриниб турибдики, ёшларнинг жинс психологикаси, анатомияси, жинсий ҳаёт психоло-

¹ Я. Я. Лупьян. Психогигиена брака и семейных отношений. Минск, 1983. стр. 30.

Қишлоқ (Ако) ва шаҳар (Ашо) оилалағида ажралиш сабаблари,
фоиз ҳисобида

Сабаблар мазмуни	Ако		Ашо	
	эр	хотин	эр	хотин
1. Турмуш ўртоғини қўпол муносабатда бўлиши, ҳурмат қилмаслиги	80,0	62,5	65,0	60,0
2. Ота-она ва қариндошларни оилавий ҳаётга аралашуви	47,5	50,0	40,0	2,5
3. Турмуш ўртоғини оилавий ҳаёт масалаларига бефарқ бўлиши	47,5	47,5	75,0	77,5
4. Муҳаббатсиз оила қуриш	42,5	47,5	—	62,5
5. Енгилтаклик билан оила қуриши	27,5	7,5	47,5	22,5
6. Ўзга кишини севиб қолиш	2,5	17,5	22,5	12,5
7. Спиртли ичимликларни сунистеъмол қилини	—	27,5	—	20,0
8. Оилавий ҳаётдаги иқтисодий қийинчиликлар	7,5	32,5	—	45,0
9. Бепуштлиқ	27,5	35,5	—	2,5
10. Ёш ва жинсий жиҳатдан номутаносиблик	7,5	3,5	17,5	15,0
11. Бевафолик	7,5	7,5	10,0	10,0
12. Турмуш ўртоғини болалар тарбиясига безътиборлиги ёки тарбия услубларини мос келмаслиги	7,5	12,5	—	7,5
13. Руҳий ва соматик касалликлар	5,0	2,5	12,5	17,5
14. Рашк	7,5	12,5	—	15,0
15. Турмуш ўртоғини узоқ вақт давомида оила билан яшамаслиги	—	5,0	7,5	10,0
16. Ўзга оиласини мавжудлиги	—	10,0	—	7,5
17. Ўзга сабаблар	10,0	—	—	35,0

гияси, жинсий ҳаётдаги тафовутлар, жинсий ва индивидуал хусусиятлар ҳақида, ҳомиладорлик, унинг аҳамияти, ҳомиладорликни режалаштириш, кўнгилсиз ҳомиладорликнинг олдини олиш воситалари хусусида етарлича билимли бўлишини, таъминлаш лозим. Айниқса жинсий ҳаётда фаол ҳисобланган аёлларда бундай эҳтиёжларнинг шаклланиши ва қониқшида асосий роль ўйнайдиган эркаклар бу борадаги билимларни пухта ўзлаштироқлари зарур.

Туғилишнинг кам ёйиш сабабларидан бири аҳоли савиясининг ўсишидир, айниқса аёлларнинг ўрта ва олий маълумотга эга бўлишларидир.

Аёл кишининг олий маълумотлилиги фақат туғи-

лишнинг ўсишигагина эмас, балки никоҳнинг барқарорлигига ҳам бирмунча салбий таъсир кўрсатар экан. А. Тавит, Э. Тийт, Д. Кутсар ва А. Кеербергнинг (1982) Эстонияда ўтказган текширишларига қараганда, никоҳ учун энг хавфли омиллардан бири аёл кишининг олий маълумотлилиги ва бу жиҳатдан эридан устунлик қилиши экан¹.

Сўнги 40 йил ичида туғилиш борасида рўй берган катта ўзгаришлардан бири унинг камайишидир. Камайиш жараёни аёлларнинг ёшларига қараб турлича кечади. Масалан, 20 ёшгача бўлган аёлларнинг туғиши кўпайди. 25—29 ёшлардаги аёлларнинг фарзанд кўриши кескин камайди.

25—29 ёшлардаги аёлларга нисбатан 20—24 ёшдагиларнинг кўпроқ туға бошлагани ҳам биологик, ҳам физиологик жиҳатлардан мақсадга мувофиқдир. Туғилган бола соғлом бўлади. Айниқса аёлларнинг 40 ёшдан ошгандан кейин туғишлари нуқсонли болаларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Иложи борича бунинг олдини олиш зарур. 20 ёшли оналарга нисбатан 40 ёшлиларда Даун касаллиги 20 баравар кўп учрайди.

Фарзандсиз оилалар омонат бўлади. Бундай оилаларда эр-хотин қалбида она-оталик меҳри шаклланмайди. Улар умуман бемехр бўлиб қолишлари мумкин. Бола ҳам уйни, ҳам кўнгилни тўлдиради. Фарзанд меҳри табиатнинг инсонга бахшида этадиган олий неъматларидан биридир. Усиз қалбнинг бир чети кемтик бўлиб, ҳувиллаб туради. Туйғулар бир ёқлама шаклланади, одам худбин ва одамови бўлиб қолади. Айтадилар-ку, «болали уй — бозор, боласиз уй — мозор», деб. Оилада ёлғиз тарбияланган болалар эрка-тантқиқ бўлиб ўсадилар. Уйда ҳамжиҳатликни, коммуникатив хусусиятларни шакллантириш мушкул бўлади. Кўп ҳолларда «ой турса ҳам арзанда болага, кун турса ҳам», бўлиб қолади. Бунда бобо-бувиларнинг ҳиссаси катта бўлади. Бундай болалар ўз тенгқурларини назар-писанд қилмайди, улардан ажралиб қоладилар. Уй юмушларига қарашига уларда сабр-тоқат бўлмайди. Ота-оналар ёлғиз фарзандлари хулқ-атворида пайдо бўлаётган бу қусурларни кўп ҳолларда кўриб-кўрмасликка оладилар. «Улғайса ҳали шундай одам бўлиб етишсинки», деб ўзларига тасалли берадилар. Баъзи ота-оналар, бола-

¹ Э. Тийт, А. Тавит, Д. Кутсар, А. Кеерберг. Факторы удовлетворенности браком и его прочности. В книге: «Социологические исследования в Советской Прибалтике», Вильнюс, 1982, стр. 207.

га бошдан мустақиллик берилса, улғайганда ҳамма иш қўлидан келаверади, деган фикрни ўзларига дастуриламал қилиб оладилар. Бунда улар болага бериладиган мустақилликни унинг «мушугини пишт демаслик» қабилада нотўғри тушунадилар. Оқибатда бола иродасиз, бетайин бўлиб ўсади. Ужарлик, ўзгаларга эътиборсизлик, бошлаган ишини охирига етказмаслик, ўзбилармонлик (ўзгаларни бўйсундиришга ҳаракат қилиш), бошқаларни назар-писанд қилмаслик ва бошқа қатор иллатлар серфарзанд оила болаларига нисбатан ёлғиз тарбияланган болалар феълида кўп учрайди.

Тарихий маълумотларга кўра, бастакор Г. Ф. Гендель, Наполеон Бонапарт — 8, файласуф И. Кант, бастакор Р. Вагнер — 9, И. С. Бах — 12 болалик оилада ўсган, микробиолог Р. Кох эса катта хонадоннинг 13-фарзанди бўлиб туғилган. Композитор Ф. Шуберт эса 14 болалик оиладан эди. Америкалик сиёсий арбоб ва ёзувчи Франклин оилада 18-фарзанд, рассом А. Дюрер 18-фарзанд бўлиб туғилганлар. Қолаверса, Шарқнинг машҳур бирор олими, ёзувчиси, шоири оилада ягона фарзанд бўлган эмас.

Жудолик дарди оғир, дейди халқимиз. Бу ҳақда шоир ва ёзувчилар кўплаб ёзишган. «Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо», дея оқ уради улуф Навоий. Севикли маҳбубасидан тириклайин жудо бўлган Машраб:

«Бу Машраб дардини жоно ки ҳеч ким бошига солма, агар Маҳшарда оқ урсам, замину осмон ўртар», дея фарёд қилади. Ёрсиз ёруғ дунё кўзига қоронғу бўлади. Дарбадарликда ўтаётган умр оғир юкка айланади. Оқибатда дорга осилиб ўлишни афзал билади. «Чикиб ер остидан ҳолимни сўрсанг не бўлар?» — дея фиғон чекади. Нодири овда ҳалок бўлган севикли эрининг дарди фироғида куйиб-ёниб яшаркан.

Улим туфайли эрнинг хотиндан, хотиннинг эрдан жудо бўлиши ҳусусида олимлар ҳам кўплаб илмий кузатишлар олиб борганлар.

Бир гуруҳ Америка социолог ва врачларининг текширишига кўра, ўз-ўзини ўлдириш ҳоллари 25 дан 64 ёшгача бўлган эркаклар орасида оиласизларда оилалиларга нисбатан 2,5 баравар кўп учрар экан. Хотини вафот этиши натижасида сўққабош умр кечираётган эркакларда бу ҳол оилали эркакларга нисбатан 5 баравар кўп кузатиларкан. Аёлларда бу ҳол 51 фоиз зиёдроқ юз бераркан. Жигар циррози ва рак касаллик-

ларидан ўлиш (25—64 ёшли) уйланмаган ва оиласиз яшаётган эркакларда оилалиларга нисбатан 3,3 баробар кўп учрар экан.

Диабет ва сил касалликларидан нобуд бўлиш уйланмаган эркакларда оилали тенгқурларига нисбатан 5,4 баробар кўпроқ учрайди. Аёллар ўртасидаги фарқ 3,3 баробарни ташкил қилади.

Юқоридаги маълумотлар балоғат ёшига етгандан сўнг оила қуриш зарурлигини, оилада яшашнинг ҳар томонлама фойдали эканлигини яна бир бор кўрсатувчи илмий далиллардир.

Оила вазифаларидан яна бири иқтисодий-хўжалик фаолиятидир.

Оила жамиятнинг кичик ячейкаси. Оиланинг иқтисоди, бюджети, даромадни режали сарфлаш, кундалик харажатга, зарурий буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсага (масалан, автомашинага) маблағ йиғиш, маошдан бир ҳафта олдин ҳамкасбларидан мунтазам равишда қарз олиб юрмаслик даражасида рўзғор қилиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакага эга бўлишларига боғлиқ.

Оилада болаларни тежамкорликка ўргатишни иқтисодий-иқтисодий аҳамияти катта. Масалан, кўп қаватли биноларнинг умумий (подъезд) эшикларидан яхши ёпилмаслиги натижасида 1 суткада бекорга созуриладиган иссиқликни юзага келтириш учун 98 килограмм кўмир сарфланади. Ўзбекистондаги шаҳарлар ва улардаги эшиклар сонини 98 га кўпайтириб, уни эса қишдаги кунлар сонига кўпайтирсак, жуда катта рақамларни оламыз.

Уйлардаги иссиқнинг 40 фоизи қишда ойналар орқали чиқиб кетади. Шаҳардаги тоза сувнинг 21 фоизи ишлатилмасдан канализацияга оқиб кетади. Уйларимиздаги кранларни яхши ишламаслиги, баъзан керак бўлмаса-да сувларни оқизиб қўйишимиз, айниқса эркаклар соқолларини олаётганда сувни оқизиб қўйишлари, аёллар ошхонада сувни заруриятсиз оқизишлари катта ҳажмдаги сувни исроф бўлишига олиб келади. Шу сабабли ҳам оилани иқтисодий функциясини бажаришга, ёшларни тежамкор бўлишга, иқтисод маданий савиясини оширишга мактаб ёшидан тайёрлаб боришимиз керак.

Оиланинг иқтисодий-хўжалик ишларини фақат даромад ва пул сарфлашдан иборат, деб билмаслик керак. Хўжалик ишлари, уни ташкил этиш, бу борада оила раҳбарини аниқлаб олиш ҳам ниҳоятда зарур.

Шу ўринда «Пул кимда бўлиши керак?» ёки «Кимда бўлгани мақсадга мувофиқ?» — каби қатор саволлар туғилади. Ҳар бир оила бу масалани ўзича ҳал қилиши лозим. Оилада эр-хотиндан қай бири тадбиркорроқ бўлса, маблағга ўшаниси муваффақ бўлмоғи керак.

Шундай аёллар борки, 1000 сўмлик харажат учун чиқиб 20 000 сўмнинг бошига сув қўйиб келади. Қўзига нимаики яхши кўринса бас, оилага керакми, йўқми — ўйлаб ўтирмасдан шартта сотиб олаверади. Оила жамғармасини бўлар-бўлмасга сарфлайдиган бундай эркаклар ҳам кам эмас. Даромадни болалар кўз олдида режалаштириш, уларни кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари харидига жалб қилиш фойдалидир. Бу ҳол уй-рўзғор ишларининг тўғри тақсимланишига, болаларни маблағни тўғри сарфлашга, пул тутишга ўргатади. Юқори синфларда ёки ўрта, олий ўқув юртиларида ўқийдиган болаларга оиланинг бир ойлик даромадини бериб қўйиб, зарур нарсаларни харид қилдириб бориш уларни пулнинг қадрига етишларига, тежамкорликка, тадбиркорликка, пулни тўғри тақсимлаш ва сарфлашга ўргатади. Аммо болани тежамкорликка ўргатаман деб, унинг характерида, хасислик «латини шакллантиришдан эҳтиёт бўлиш лозим.

Уй-рўзғор ишларини ҳам оила аъзоларининг ёшига, саломатлигига, жинсига қараб тўғри, баробар тақсимлаш лозим. Агар ота-оналар ўз болаларининг мустақиллигига, меҳнат тарбиясига бошидан алоҳида аҳамият берсалар, оила қанча катта, серфарзанд бўлмасин, болалар деярли барча ишларни ўзлари мустақил бажараверишади. Бунга қишлоқлардаги кўп болали оилалар ҳаётини мисол қилиб олса бўлади.

Хўжалик ишларини тақсимлашда оила аъзоларининг касби ва ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Масалан, эр ёки хотин хирург, пианино чалувчи бўлса, қўлни жароҳатламайдиган ишларни бажариши лозим. Она ҳомиладор ёки бегоб бўлса, ота уни уриштириб қўймаслиги керак. Лекин буни «ҳомиладор аёл жисмоний меҳнат қилмаслиги керак», деб тушунмаслик керак. Аксинча, аёл қанча кўп ҳаракат қилса, ҳомиладорлик шунча енгил кечади, туғруқ ҳам анча осон ўтади. Ҳаракат ҳомиланинг саломатлиги учун ҳам зарурдир.

Болаларнинг мижози турлича бўлади. Масалан, холерик, сангвиник мижоздаги болалар узоқ ўтириб, бир хил иш билан машғул бўлса, тез чарчайдилар, меҳнатнинг бундай туридан безиб қолишлари мумкин. Флег-

матик ва меланхолик мижозли болалар учун эса бундай иш турлари айти мударо. Ота-оналар иш тақсимлаётганда буни ҳам ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқдир.

Шундай оилалар борки, унинг ҳар бир аъзоси ўз ишини билиб-билиб бажаради. Бундай оилаларда рўзғор ишларини тақсимлаб ўтиришга ҳожат қолмайди. Рўзғор ишларини бажариш бўйича ҳамма оилалар учун ягона дастуриламал яратиш мумкин эмас. Негаки, оила ҳам одамга ўхшайди — феъли, мижози турлича. Уй-рўзғор ишларидан уриш-жанжал чиқмаслиги учун ҳар ким қўлидан келганича уй-рўзғор ишларига қарашини керак.

Зерикарли бўлган баъзи ишларга оилада мусобақа тусини бериш болаларда меҳнатга қизиқиш, муҳаббат уйғотади. Масалан, «картошкани ким тез ва яхши тозалайди», «ким 5 минут ичида хонани тозалаб, артиб чиқади?» — каби мусобақаларни уюштириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари эр-хотин ўзаро самимий ва ширин муомалада бўлишлари керак. Бир-бирларини рағбатлантиришлари, ўрни келганда тан берганликларини билдириб туришлари лозим. Афсуски, бундай кўнгилни кўтарувчи, айти чоғда оила мустаҳкамлигини таъминловчи муомала қондаларига риоя қилмайдилар.

Уй ишларини яхши йўлга қўйишда уй-рўзғор қомуси жуда кўп маслаҳатлар бера олади.

Машҳур кишиларнинг уй-рўзғор ишларини юритишлари ҳам ўзларига хос бўлган. Таниқли физик Мария Кюри оила қургандан сўнг харид қилган илк буюми дафтар бўлган. Дафтар муқовасига эса Кюри хоним ўзининг нозик қўллари билан «ҳисоб-китоб» деб ёзиб қўйган. Буюк файласуф Гегель ҳам оилада алоҳида ҳисоб-китоб дафтари тутиб, унга оила даромади ва харажатларини муттасил ёзиб борган.

А. Экзюпери оиласида эса ўзига хос қоида қўлланилган. Оила даромади майдаланиб, катта идишга солиниб, оила аъзоларига маълум жойга қўйилган. Идишдан ҳар ким ўзига керагини олаверган. Адибнинг даромади катта бўлишига қарамасдан, идишдаги пул атиги ярим ойга етган. Японлар белгиланган кўп чўнқли (гуруч учун, балиқ учун, дам олиш учун ва ҳ. к.) маҳсул ҳамёнларни тавсия этишади.

Ҳозирги ёшларнинг аксарият қисми оила қургандан кейин ҳам ўзлари мустақил рўзгор тебрата олмайдилар. Дастлабки йиллар баъзи ёш оилалар бутунлай ота-она қарамоғида бўлишади (кўпинча талабалардан иборат оилалар).

Латвияда ўтказилган текширишларга кўра, ҳар учинчи ёш оила ота-оналаридан моддий ёрдам кутади.

Оилада иқтисодий етишмовчиликлар никоҳдан кейинги дастлабки 5 йил ичида кескин намоён бўлади. Бу ҳақда Н. К. Мамедов, Н. Г. Юмакаева, Н. А. Согинов, Э. Ш. Усмонов ҳам ўз илмий ишларида қайд қилиб ўтганлар. Чунки ёш эр-хотин рўзгор юритишни дуруст билмайдилар, оладиган маошларидан эҳтиёжлари ортиқроқ бўлади.

Шу асабабли ҳам баъзи ёшлар ота-оналаридан иқтисодий ёрдам кутадилар (уй жиҳозлари, қимматбаҳо буюм оламан деб) ёки меъёридан ортиқ ишлайдилар, ўзларини ейиш-ичишдан қисадилар, етарлича маданий хордиқ чиқармайдилар. Бу саломатликларига, оилавий муносабатларига салбий таъсир қилмаса яхшику-я, лекин пул топаман деб соғлиқдан ажрашни ва ҳаётнинг энг ширин дамларини мол-дунё орттиришга сарфлашни ҳожати йўқ. Бу ҳол оилада ўсаётган болалар тарбиясига ҳам салбий таъсир қилади.

Баъзи аёллар ўз ҳаётини, моддий таъминотини таъиниш-билишларники ёки дугоналарники билан таққослаб яшайдилар. Эрининг топиш-тутиши баъзи бировларникидан камлигидан нолийдилар. «Менинг фалончидан қаерим кам, унинг данғиллама ҳовлиси, машинаси бор, гарнитури импортний, менда нима бор? Эрга тегиб нима кўрдим? Қуриб кетсин!» — деб жанжал кўтардилар, эрларининг асабини, умрини эговлайдилар. Баъзан эса, эрларини қинғир йўл билан пул топишга ундайдилар. Оқибатда оиладан ҳаловат йўқолади, эр-хотин орасидаги муҳаббатга путур етади. Шундай ҳолларда эркак ўз қадрига етадиган ўзга аёлни учратиш қолса, оила барбод бўлиши ҳам мумкин. Ҳар бир оила, халқимиз айтганидай, кўрпасига қараб оёқ узатгани маъқул. Бундай аёллар А. С. Пушкиннинг олтин балиқ ҳақидаги эртагини ёдда тутсалар ёмон бўлмайди.

Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир вазифаси — тарбия. Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик, жинсий тарбияларига оилада асос солинади. Лекин мактаб заиф пойдевор устига мустаҳкам бино қуришга ожиз, мактаб бор тарбияни ривожлантиради, мустаҳкамлайди. Пойдевор мутлақо нотўғри

қўйилган бўлса, мактаб уни тўғрилаши ниҳоятда оғир бўлади. Кулбанинг пойдевори узра муҳташам сарой қуриб бўлмайди. Оила «инсон» деб аталувчи бинонинг фақат пойдеворини қўйиш билан чекланмасдан, балки унинг сўнгги ништи қўйилгунча, унга нақш бериб, сўнгги бўёқ ўз жойини топгунга қадар мутлақо жавобгардир.

Ота-она — санъаткор, бола — санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир.

Сўнгги йилларда социолог ва психологлар томонидан оиланинг коммуникатив вазифаси аниқланди.

Коммуникатив вазифага қўйидаги шохобчалар киради: оила аъзоларининг ўзаро оилавий алоқаларини ташкил қилиш; оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот, адабиёт, санъат) билан оила аъзолари орасидаги алоқани таъминлаш; назорат коррекция қилиш, теварак-атрофдаги табиатни, социал муҳитни идрок қилишга оиланинг таъсири.

Оила аъзоларининг ўзаро алоқаси кўп қирралиги билан характерланади. Бунга иқтисодий, ғоявий, ақлий, ҳиссий, психологик, жинсий, ахлоқий-қариндошлик муносабатлари киради.

Оиладаги ўзаро алоқанинг хусусиятларига табиийлик, барқарорлик, қардошлик, ягона манфаатни кўзлаганлик киради.

Кўпинча оила аъзолари орасидаги алоқанинг фаоллашишини биргалашиб телевизор кўраётганда, китоб, газета, журналлар ўқиб, муҳокама қилаётганда, боғда ёки томорқада ишлаётганларида, ўзаро суҳбатлашаётганда, оилавий шаҳар томошасига келганларида, шаҳарликлар эса табиат қучоғига, лола сайлига, балиқ овига чиққанларида ва бошқаларда кузатишимиз мумкин. Афсуски, сўнгги йилларда оилавий дам олиш учун давлат барча имкониятларни яратса-да, бундан кам фойдаланиляпти. Масалан, мунтазам равишда табиат қўйнига сайилга ҳар тўрт оиланинг биригина чиқаяпти. Кинотеатрларга оилавий бориш 29 фоизни ташкил қилади, холос (И. В. Гребенников, 1984, М., «Этика и психология семейной жизни», 118-бет).

А. А. Келалнинг Эстонияда олиб борган текширишларига қараганда, болалар уй вазифаларини бажаришда оталарига нисбатан оналарига 2 баробар кўп мурожаат қилар ва ташвиш ҳамда қувончлари билан 4 марта кўп ўртоқлашар эканлар.

Болаларнинг ота-оналари билан ўзаро алоқаси уларнинг ақлий савияси, ҳиссий-эмоционал ҳолатининг

тўғри шаклланиши учун ниҳоятда зарур эканлигини, руҳий ривожланишига ижобий таъсир қилишини кўпчилик билмайди. Бундай алоқа болаларда мустақиллик, ўзинга ва ўзгаларга талабчанлик, масъулият, ташкилотчилик, меҳнатсеварлик, итоат ва бошқариш каби шахс учун зарур бўлган қатор хислатларнинг шаклланишига имкон беради.

Кейинги йилларда ёшлар шахсининг шаклланишига телевидение, радио, матбуотнинг таъсири кескин ўсиб бораёпти. Ёшларнинг кўрган, эшитган, ўқиган нарсаларни ўзлаштиришда ва тегишли хулоса чиқаришда оила ҳам воситачилик вазифасини бажариши лозим.

Оиланинг асосий вазифаларидан яна бири бўш вақтдан самарали фойдаланиш, дам олишни тўғри ташкил этишдир. Бу масала сўнгги йилларда янада актуалланди. Негаки, техниканинг ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши, ҳафтасига икки кун дам олинаётганлиги бўш вақтнинг кўпроқ бўлишига имконият туғдирмоқда.

Бўш вақт жамиятнинг ниҳоятда муҳим социал қадриятларидан биридир. Аммо бу қадриятдан кишилар турлича фойдаланишади. Бунда киши ўзининг бўш вақтини спортнинг сеvimли тури билан шуғулланишга, ўз малакасини оширишга, ижодий режаларни рўёбга чиқаришга, уй-жой қуриш ёки қишлоқ хўжалик ишлари билан машғулликка, оиланинг иқтисодий-хўжалик муаммоларини ечишга, мамлакат бўйлаб саёҳат қилишга, дунёқарашини кенгайтиришга, кино, спектакль, концертларни кўришга, бадий адабиёт ўқишга ва бошқа ўзи севган ишига бағишлаши мумкин. Бўш вақтлар ҳам инсон яхлит ҳаётининг бўлақлари, азиз лаҳзаларидир. Умрнинг ҳар лаҳзаси ҳар они қимматлидир.

Бироқ айрим кишилар бўш вақтнинг, умрнинг қадрига етмайдилар. «Бўш вақт» деб аталадиган азиз умрни оғули шиша устида, бемаъни гурунгларда, карта ўйинларида елга совурадилар. Баъзилар, ҳатто носоғлом муҳит таъсирига тушиб қолиб, наша чекадилар, турли наркотик моддалар билан организмларини заҳарлайдилар, фақшнинг ифлос ботқоғига ботадилар.

Бўш вақтини мунтазам равишда қандай ўтказишига қараб ҳар бир одамнинг етуклик даражасига, маънавий дунёсига баҳо бериш, истиқболини олдиндан кўра олиш мумкин.

Бўш вақтни ва дам олишни тўғри ташкил этишда муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, сўнгги йилларда болалар телевизор олдида узоқ ўтириб, тоза ҳавога

камроқ чиқадиган, ҳаракатли ўйинларга озроқ вақт ажратадиган бўлмоқдалар. Кўпгина болаларнинг ёш чоғиданоқ гиподинамия ҳолатида яшаётганлари кузатилаяпти. Бу ўз навбатида юрак, қон-томир касалликларининг кўпайишига олиб келаяпти. Болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишда муҳим ишга ота-оналар эътибор билан қарамоқлари керак.

Ёшлар қаерда, қандай дам олишларидан қатъи назар, атроф-муҳитга, табиат ва жамиятга зиён етказмасликлари керак. Баъзи ёшлар табиат бағрида терган қучоқ-қучоқ лолаларни йўлларга сочиб, оёқости қилиб кетмоқдалар. Дарахтларни кесиш, шишаларни синдириш, консерва банкаларини улоқтириш, ўз ижтимоий мавқеи, лавозимини суиистеъмол этиб, таъқиқланган зоналарда ов қилиш билан она табиатни гариб қилмоқдалар. Музыка ишқибозиман, деб жамоат транспортларида ёки тунги соатларда, ҳамма дам олаётганда магнитофонни овози борича қўйиб, аҳолининг ҳаловатини бузмоқдалар. Безори ўйинларга берилиб, оила бюджетини елга совурмоқдалар. Бу ҳол уларнинг ўта маданиятсиз, худбин бўлиб етишаётганликларини кўрсатади.

Ўзбекистон раҳбарияти ҳар бир фуқаронинг ўқиши, малакасини ошириши, уй-рўзғор юмушларини бажариши, ижтимоий ишлар, сеvimли машғулот билан шуғулланиши, жисмоний, социал-маънавий эҳтиёжларини тўла қондириши учун бўш вақтни янада кўпайтириш тадбирларини кўрмоқда.

К. Маркснинг «Капитал» асарига ёзилганидек, одамга ақлий эҳтиёжларни қондириш учун вақт зарур. Бу вақтнинг ҳажми шу жамиятнинг маданий савияси билан белгиланади. Бу вақт келгуси жамиятнинг ва шахснинг камолот мезонидир (Э. В. Арова. Будьте добры. Минск. Полимя. 1982, стр. 111—112).

ОИЛА ВА ЭР-ХОТИНЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Маълумки, оила, никоҳ ҳақида кўп гапирамиз-у, аммо ёш оила мезонлари устида фикр юритмаймиз. Психологлар ва социологларнинг фикрича келин-куёвларнинг ёши 30 дан ошмаган биринчи никоҳ ёш оила ҳисобланади. Бу одатда оилавий ҳаётнинг дастлабки 10 йилни ташкил этади.

Никоҳдан ўтиб оила қурилгандан кейин у бир неча босқичларни босиб ўтади. Шулардан энг кўп кузатиладигани, еоциал ва психологик жиҳатдан катта аҳамият

касб этадигани ёш оила босқичига тўғри келади. Бу босқичда эр-хотинларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги та- савури шаклланади, фарзандлар дунёга келади, улар- ни тарбиялаш, вояга етказиш билан боғлиқ бўлган асосий ишлар амалга оширилади. Шуларни ҳисобга олиб, ҳукуматимиз сўнгги йилларда ёш оилаларга кат- та эътибор беряпти. Ёшларга кўрсатилаётган имтиёз- лар, оилали талабалар учун махсус ётоқхоналар, ёш болали талабалар учун кўрсатилаётган имтиёзлар ва бошқалар фикримизнинг далилидир.

Оиланинг мустақкам бўлиши, эр-хотиннинг бахтиёр ҳаёт кечиришлари ва тинч-тотув яшашларида уларнинг ўзаро қовушиши муҳим роль ўйнайди.

Узаро қовушишларни шартли равишда уч таркибий қисмга бўлиб ўрганамиз.

1. Биологик қовушув. 2. Психологик қовушув. 3. Со- циал қовушув. Тўйдан кейинги дастлабки асал ой¹ одатда осойиш- та, ширин, тотувлик билан ўтади. Қолган ойлар ва йил- лар ҳам худди ўшандай ҳиссиётга бой бўлмаса-да, яхши, бахтли давом этиши учун нимага эътибор бериш керак? Юқоридаги қовушув турларидан энг муҳими ва асосий- си қай бири? — деган савол туғилади. Қўйда биз ушбу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Биологик қовушув. Биологик шохобчанинг руҳий шохобчага нисбатан бирмунча турғунлигини, кам ўзга- рувчанлигини ҳисобга олиш зарур. Яъни шаклланган мижоз тоифасини ўзгартириб бўлмаслигини ва унга интилишининг самарасизлигини унутмаслик керак. Мижоз тури жиҳатидан келин-куёвлар турлича бўлиши, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, зид тоифаларга мансуб бўлиши мумкин. Лекин буни оила мустақкамли- ги учун хавфли омил деб ҳисоблаш хато бўлади. Кўп ҳолларда бундай оилалардаги эр-хотинлар бир-бирла- рида етишмайдиган психологик хусусиятларни тўлди- риб турадилар. Шу билан бирга холерик турга мансуб бўлган эр-хотинлар ўртасида салга низо-жанжаллар чиқиши муҳим омил бўлиши мумкин.

Қайлиқларнинг мижоз жиҳатдан турмуш қуришлари турли кўрнишлардан иборат бўлиши мумкин. Маса-
¹ Қадимги юнонларда никоҳдан ўтиб оила қурган ёшлар их- тиёрига эчки юборардилар ва асалариларни топшириб, бир ойга тоққа кўчириб ни истеймол қиладилар. Бир ой давомида ёш келин-куёв эчки сути билан асал- кўзда тутилган мақсад — улардан туғилажак фарзанднинг соғлом бўлишини таъминлаш бўлган.

лан, ХХ (холерик куёв — холерик келин), ХС (холерик сангвиник), ХФ, ХМ, СС, ФФ, ФМ, ММ ва бошқа му- раккаб қовушувлар. Бу ерда энг муҳими мижоз тур- эмас, балки улар орасидаги ҳиссиёт кучи, психологик- педагогик билим савияси, оилавий ҳаётни мустақкам- лашга интилиш, тарбия ва маданий савия даражаси ўзаро муносабатлардаги маданиятдир.

Келин-куёвларда альтруизм худбинликдан устун бўлса, ҳар қандай тафовут, келишмовчилик оилавий ҳаёт учун хавф туғдирмайди.

Қатор муаллифларнинг кўрсатишича, оилавий ҳаёт- да мунтазам равишда жинсий эҳтиёжлардан қониқмас- лик, кўпинча оиладан ташқари жинсий муносабатлар ўрнатишга, бошқа жазман ахтаришга, яъни ахлоқий бузуқликка олиб келади. Бу эса албатта, муносабат- ларнинг бузилишига, оиланинг дарз кетишига сабаб бўлади.

Психологик қовушув. Социолог ва демографларнинг кўрсатишича, аксарият оилаларда эр-хотинларнинг маълумот савияси бир хил бўлади. Эстон олимларининг айтишларича, маълумот қанчалик юқори бўлса, бундай эр-хотинлар ўртасида ажралиш нисбати ҳам шунча кўнаяди. Агар оилада хотиннинг маълумот даражаси эриникидан юқори бўлса, бунда оила кўпинча мустақ- кам бўлмайди.

Умуман билим савияси қанчалик юқори бўлса, ўз турмуш ўртоғига бўлган талаб ҳам шунчалик ошиб бо- ради.

Психологик қовушувда билим, кўникма ва малака- нинг муҳим роль ўйнашини ҳисобга олиб, уларни учга бўлиш мумкин:

а) Оилавий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган уй- тутуш, оила бюджетини тақсимлаш, тежамкорлик би- лан сарф-харажат қилиш, пазадалик ва турмушнинг бошқа зарур томонлари ҳақида билим, кўникма ва ма- лакаларга эга бўлиш;

б) Болалар парвариши, уларни тарбиялаб вояга етказишдаги зарур билимлар, яъни ёш ота-оналарнинг психологик-педагогик савияси, оила, турмуш, болалар олдидаги оталик, оналик бурчини, масъулиятни ҳис этиш ва буларни адо этиш;

в) Жинс ва жинсий ҳаёт психологияси ҳақида би- лим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш, турмуш ўрто-ғининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, прола- ли, сабр-тоқатли бўлиш, яқин кишининг эҳтиёжла- рини ўз эҳтиёжларидан устун қўйишга интилиш.

Келин-куёвлар ўртасида бундай билим, кўникма ва малакада анча фарқ бўлиши мумкин. Бири маълум соҳада тушунчали, тажрибали бўлса, иккинчиси мутлақо тажрибасиз, билимсиз, малакасиз бўлиши мумкин. Айниқса, жинсий ҳаёт ҳақидаги масалаларда ана шу фарқ яққол сезилиб қолади. Бундай пайтларда эр-хотин бир-бирларининг кўнгилларига озор бермасликлари керак.

Психологик қовушувда марказий ўринни руҳий шохбачанинг таркибий қисмларидан бири — феъл-атвор, характер эгаллайди. Характери бир-бирига батамом ўхшаш қайлиқларни топиш қийин. Характери бирмунча яқинлари топилган тақдирда ҳам улар орасидаги муҳаббат туйғулари ўзаро ҳурмат босқичи билан алмашилади. Шунинг учун улар характери бир-бирига яқин бўлишидан қатъи назар, ҳар хил келишмовчиликлар бўлиб туради. Масалан, ўзаро ёки бошқалар билан бўлган муносабатда бири — худбинроқ, иккинчиси альтруистроқ ёки ҳар иккови ҳам худбинроқ, шунингдек манманроқ бўлишлари мумкин. Бундай йигит-қизлар севги-муҳаббатсиз оила қуролмайдилар. Улар ўртасидаги ҳиссиёт оила қурилган дастлабки босқичда худбинлик белгиларини ифодаламайди. Муҳаббат алангаланган даврдан ўтгандан сўнггина худбинлик, манманлик каби салбий хусусиятлар ўзини кўрсата бошлайди ва энди оилавий низолар чиқа бошлайди. Шошма-шошарлик билан қурилган оилаларда кўпинча эр-хотинлар бир-бирларини яхши билишмайди. Худди шундай оилаларда худбинлик, манманлик, феодал тушунчалар ва бошқа салбий ҳислатлар тўйдан кейинги дастлабки кунлардаёқ тез қалқиб чиқиши мумкин. Натижада куёвда хотинига нисбатан, келинда эрига нисбатан ҳурмат-эътибор йўқола боради, кўнгли совийди. Қатта жанжалларнинг келиб чиқишига ана шундай арзимас бўлиб кўринган нарсалар сабаб бўлади.

Баъзи янги куёвлар эса эркаклар уй юмушларига ёрдамлашишлари керак эмас, деб ўйлашади ва буни ўзлари учун ҳақорат деб биладилар. Аксинча, буни уй юмушларини бирор-бир асосли сабабларсиз эрларининг зиммасига юклайдиган хотинлар ҳам бор. Бунда баъзи эр-хотинлар шундай турмушга тезда кўникиб ва мослашиб қолишади, бир умр низо-жанжалларсиз яшайдилар.

Кўпчилик ёшлар ўртасидаги низолар оилавий ҳаётнинг дастлабки кунидан бошланиб, агар икковлари ҳам характерларини ўзгартиришга ҳаракат қилмасалар,

бундай оилалар кўпинча дастлабки уч йил ичида ажралиб кетишади.

Социал қовушув. Руҳий шохбачага ижтимоий шохбача ҳам тааллуқлидир. Ижтимоий ёки социал шохбача шахснинг дунёқараши ва унинг ҳаётда тутган ўрни билдиради. Бундай қовушувда оилавий ҳаётдаги дунёқараш асосий роль ўйнамасдан, балки шахснинг кимлиги етакчи аҳамиятга эга бўлади. Юқорида кўриб ўтилган шохбачалар тўғри келишидан ташқари, эр ёки хотиннинг ҳаётда тутган ўрни, кимлиги муҳим роль ўйнайди. Кўпинча ана шу нарса эр-хотинлар ўртасидаги келишмовчиликларга, ажралиб кетишларга сабаб бўлади.

1984 йили Санкт-Петербургда олиб борилган тадқиқотларга кўра, ажралиш сабаблари ичида биринчи ўринда (339 киши) умумий фикрлаш, қизиқиш-ҳавасларнинг йўқлиги туради. Иккинчи ўринда (282 киши) характернинг бир-бирига мос келмаслиги, учинчи ўринда эр ёки хотиннинг хиёнат қилиши (244 киши) туради. Севги-муҳаббат ҳисларининг йўқлиги (235); эр-хотиннинг ўз вазифаларига енгилтаклик билан қараши (233); ота-оналари ёки қайнота-қайноналар билан чиқишмаслик (220), алкоголизм (215); эрлар томонидан хотинларга нисбатан жисмоний жазо усулларининг қўлланиши (116); фарзандли бўлишни истамаслик (104) кейинги ўринларни эгаллайди.

Турмуш қураётган ёшлардан сўралганда уларнинг 66,2 фоизи оила қуришда муҳаббатни биринчи ўринга қўйганлар. Юқоридаги рақамлар эса муҳаббат ҳисларининг 4-ўринга тушиб қолганлигидан далолат беради. Бу оилавий ҳаётда муҳаббат ҳисларининг динамикаси билан боғлиқ бўлган табиий ҳолдир. Чунки никоҳдан сўнг дастлабки 1—5 йиллар айнан оила босқичида муҳаббат ҳисларида сифат ўзгариши кузатилади ва шунга асосан илгари етакчи мотив бўлган муҳаббат оилавий ҳаётда зарурроқ, аҳамиятлироқ бўлган бошқа шохбачаларга ўз ўрнини бўшатиб беради.

Эстониялик олим Э. Тийт ёш келин-куёвлар, эр-хотинлар ҳамда ажралишиб кетганлар турмуши билан қизиқиб кузатув ишлари олиб боради. У бу кузатув асосида оила ҳаётига салбий таъсир қилувчи уч омилни алоҳида таъкидлайди.

1. Оилада тарбия куртаги. Боланинг отасиз дунёга келиши, никоҳсиз туғилиши, ёлғиз она тақдири, оилада ота ёки онанинг бир-бирига нисбатан салбий муносабатлари, уларнинг енгил-елпи кечириётган ҳаётининг бола

онига салбий таъсир қилиши ва бошқа салбий воқеа-ҳодисалар натижасида боланинг дунёқарашини ўзгаради, ҳуқуқ-атворида ярамас иллатлар шакллана бошлайди.

Бундай оиладаги болалар тақдирига бефарқ қарамаслик лозим, уларни келгуси оилавий ҳаёт учун тайёрлашга мактаб ва жамоатчилик, ўқитувчи ва тарбиячилар алоҳида эътибор беришлари керак.

Ешларни оилавий ҳаётга тайёрлаш учун мактаб фақат болага таълим-тарбия бериш билан чегараланиб қолмасдан, ота-оналар учун ҳам махсус лекциялар уюштириши, ота-оналар университетда болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда нималарга эътибор беришлари кераклиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтишлари, баъзи ота-оналар билан эса яккама-якка суҳбатлар олиб боришлари лозим.

2. Никоҳдан ўтишга мажбур қилган сабаблар ва ундан кейинги муносабатлар. Бунда гап ҳақиқий севги-муҳаббат асосида турмуш қурганлар устида кетма-япти. Масалан, баъзи ёшлар енгилтаклик қилиб қўйишлари туфайли тезда никоҳдан ўтишга мажбур бўладилар. Баъзи аёллар эса ахлоқсизлиги орқасида бўйида бўлиб қолганда тезда унга ота топиш мақсадида никоҳдан ўтиб оладилар. Яна совчилар орқали турмуш қуришга розилик бериш ҳам шошилишчи қурилган никоҳларга киради. Бунда келин-куёвлар тақдирини совчилар ҳал қилишади. Шунингдек, тенгдошларидан орқада қолмаслик туфайли юзага келган никоҳ; қиз ёки йигитнинг бойлигига, яъни моддий таъминланганлигига (уй, машина, дала боғи, катта лавозим ёки ота-онасининг катта лавозимда ишлари), қизиқиш асосидаги никоҳ мажбурий никоҳ (қизнинг номусига тегиб қўйиб, ҳомиладор бўлиб қолиши; уйланмаса иш жойи ёки лавозимдан бўшатиш эҳтимоли ва бошқалар); номига никоҳ (ҳеч ким олмади деган гап бўлмаслиги учун вақтинчалик никоҳдан ўтиш, аёл киши бунда никоҳ қуришдан аввал албатта ажралиб кетишини, бу эр билан яшамаслигини билади); ота-онанинг қистови асосида (баъзан мажбуран, баъзан онгли равишда), ота-онанинг гапини икки қилмаслик, ота-онага нтоаткорлик қилиш асосида юзага келган никоҳ.

Юқоридан санаб ўтилган никоҳлардан ўтганларнинг жуда камдан-камгина кейинчалик тинч-тотув яшаб кетишлари ва бахтли бўлишлари мумкин. Никоҳнинг бундай турлари аслида онла мустаҳкамлигига салбий таъсир қилади. Чунки бундай оилаларда эр-хотинни ўзаро боғлаб турувчи севги-муҳаббат, ҳис-туйғулар

етишмайди. Бу ҳақда кейинроқ яна тўхталиб ўтамиз.

3. Оилавий ҳаётдаги ўзаро келишмовчиликлар. Бу эр-хотин ўртасидаги муомала маданиятига кўпроқ боғлиқ. Кўпинча эр-хотинларнинг дунёқарашини, диди, мақсадлари бир-бирига тўғри келмай қолади. Оилавий низолар келишмовчиликлар ва ажралиб кетишга олиб келувчи сабаблар ҳақида қўйироқда сўз юритамиз.

Юқоридати уч омил ичида энг муҳими қайси бири, деган савол туғилиши мумкин. Педагоглар учун биринчи ва иккинчиси муҳим аҳамиятга эга. Аммо оила қурган ёшлар нуқтаи назарида энг муҳими учинчиси дир, чунки никоҳ қурилгунга қадар юқоридати (1 ва 2) омиллар, яъни етишмовчиликларни эртaroқ бартараф этиш, салбий оқибатларнинг олдини олиш мумкин. Бироқ бунинг учун ёшлар шу соҳада махсус билимга эга бўлишлари керак. Бу эса ўқитувчилардан шу масалага тўхталишни ва учинчи омилнинг аҳамиятини ва ҳаётда нақадар муҳим роль ўйнашини очиб беришни талаб қилади.

Тўйдан кейинги дастлабки кунларданоқ келин-куёвларнинг янги турмушга, шарт-шароитга мослашишлари га тўғри келади. Тинч-тотув, бахтиёр оилаларда туғилиб ўсган фарзандлар ҳам бахтли бўлишади, яхши тарбия топишади. Бундай оилалар кўпинча ҳаётдан нолишмайди, аксинча, ўз бахтларини топишиб, бир умр тинч-тотув яшашади.

Эр-хотинларнинг бир-бирларига кўникиб кетишларини қуйидаги таркибий қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Руҳий кўникиш (психологик, психосоциал мослашув) — характер, шахснинг индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжлари, қизиқиш-ҳаваслари, дунёқарашлари ва бошқалар.

2. Қариндошлиқ туфайли кўникиш, яъни келин-куёвнинг қайнона, қайнсингиллар, қайниллар ва янги оиланинг бошқа яқин кишилари билан бўлган муносабати, улар билан чиқишиб кетиш даражаси.

3. Уй-рўзгор кўникмаси — ҳар бир оилада бўлганидек, уй ишларини бажаришга кўникиш, уйдалаш малакаларини шакллантириш.

4. Эр-хотинлар бир-бирларининг индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжлари, имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бир-бирларига жинсий мослашишлар. Бунда аёллар кўпроқ жинсий экспрессивлик қилишлари (эр-как киши учун оилавий ҳаётдан қониқишда ниҳоятда катта аҳамиятга эга), эркаклар эса аёлларнинг ўзига

хос хусусиятларини аниқлаб, уни ҳисобга олишлари зарур (бу ҳақда кейинроқ алоҳида тўхталиб ўтамиз).

Баъзилар қовушиш билан кўникиш тушунчаларини алмаштириб уларни бир хил нарса деб ўйлашади. Буларнинг фарқини тушуниб олиш керак. Қовушиш деганда одамнинг бир-бирига қарама-қарши томонларини ўзаро тўлдириб турадиган характер хусусиятлари тушунилади.

Кўникиш эса онгли равишда, маълум мақсадни кўзлаб иккинчи бир одамнинг индивидуал хусусиятлари, эҳтиёжлари, қизиқиш-ҳаваслари ва бошқаларига кўникишидир. Кўникиш қовушишдан фарқ қилиб, онгли равишда хатти-ҳаракат қилишни, одоб-ахлоқ, сабр-тоқат, чидам, матонат ва бошқаларни талаб қилади.

Янги келин-куёвларнинг кўпчилиги бир-бирларига мос бўлмасаларда, аммо уларнинг оилавий ҳаётдан қониқиши кўп жиҳатдан мослашиш характерига боғлиқ. Кўникиш қовушишга нисбатан анча ижобий жараён-дир. Аммо бу билан қовушишнинг оилавий ҳаётдаги аҳамияти камаймайди. Қайлиқ танлашда қовушишга алоҳида эътибор бериш зарур бўлса, никоҳдан сўнг кўникиш асосий роль ўйнайди. Қисқача қилиб айтганда, никоҳгача — қовушиш, никоҳдан сўнг эса — кўникиш катта аҳамиятга эга.

С. Г. Голоднинг текширишларига кўра, оилавий стаж 1 йилдан 10 йилгача бўлган эр-хотинларда биринчи ўринда маънавий, иккинчи ўринда руҳий ва учинчи ўринда жинсий кўникиш туради. 10 йилдан 15 йилгача бирга яшаганларда эса биринчи ўринда маънавий, иккинчи ўринда уй-хўжалик, учинчи ўринда жинсий кўникиш туради. Шундан кўриниб турибдики, турмуш қуриш арафасида турган ва турмуш қурган ёшлар оиласи бахтли бўлишида юқоридаги учта кўникма (маънавий, руҳий, жинсий) катта роль ўйнайди.

ОИЛА ТУРЛАРИ

Оила турли мезонларга кўра қуйидагиларга бўлинади.

1. Тўлиқлигига кўра: тўлиқ, нотўлиқ ва қайта тузилган (иккинчи никоҳ).

2. Бўғинлар сонига кўра: нуклеар (ота-она ва болалардан иборат бўлган) ва кўп бўғинли (икки авлоддан ортиқ оила аъзолари бирга яшовчи оила).

3. Болалар сонига кўра: фарзандсиз, бир болали, кам болали, 3—5 болали, кўп болали оилалар (турли мамлакатларда бу мезонлар турличадир).

4. Эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра: ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зиёлилар оиласи, аралаш типдаги оила.

5. Эр-хотиннинг маълумот савиясига кўра: олий маълумотлилар, ўрта махсус, ўрта, 9-синф; 8—9-синфдан кам бўлган маълумот, махсус ёрдамчи мактаб маълумотига эга бўлган қайлиқлардан ташкил топган оила.

6. Оиланинг «ёшига» кўра: ёш оила (1 йилгача, 3—5 йиллик, 6—10 йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган оилалар), ўрта ёшдаги оила, етук ёшдаги оила (қариялар оиласи).

7. Қайлиқларнинг ота-она оиласи (ота-онаси)нинг моддий таъминланганлиги даражаси жиҳатидан қудаларни бир-бирларига мос эканлиги ёки улар орасида катта тафовут мавжудлиги бўйича бир-бирига мос ва мос бўлмаган оилалар.

8. Регионал жиҳатларга кўра: шаҳар, қишлоқ, аралаш типдаги оила.

9. Никоҳдан қониққанлик савиясига кўра, ажралиш савиясида — қуйи савияда бўлган оила, ўрта савияда, юқори савиядаги оила.

10. Оилада аёл ёки эркак етакчилигига кўра: эр етакчи бўлган оила, хотин етакчи бўлган оила, эр ва хотин етакчилики бирга бажарадиган оила (биархат оила).

11. Оиладаги эр-хотин орасидаги муносабатларига кўра: авторитар, демократик, либерал, аралаш типдаги оилалар.

12. Эр-хотинларнинг миллатига кўра: бир миллатли ёки байналминал оилалар. Байналминал оилаларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин:

— дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирган миллат вакиллари орасидаги никоҳлар, масалан; ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман, рус-украин, ўзбек-татар ва бошқалар;

— дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирмаган миллат вакиллари орасидаги никоҳлар, масалан, ўзбек-рус, ўзбек-украин, ўзбек-эстон, ўзбек-немис ва бошқалар.

13. Юридик расмийлаштирилганлигига кўра: синовдаги оила (бирга яшаши, аммо ҳали никоҳни расмийлаштирмаган, чунки бир-бирларини норасмий никоҳда синашяпти), расмийлаштириш арафасидаги оила (бирга яшаши, оила қуриш мақсади аниқ, аммо айрим объектив сабабларга кўра расмийлаштириш кечиктирилапти), никоҳдаги оила, никоҳдан ташқари оила

(айрим эркак кишиларнинг иккинчи, учинчи, юридик жиҳатдан норасмий оиласи). Никоҳдан ташқари оилаларнинг айримлари пинҳона бўлса, кўпчилиги ҳақида эркак кишининг биринчи оиласи ва қариндошлари билишади.

Ўзбек оиласининг юқоридаги ижтимоий-психологик классификацияси, уларга хос психологик хусусиятлар мутахассис (социолог, психолог) лар томонидан илмий ўрганилиши ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда хизмат қилиши керак.

Оиланинг манфаати, оғир юмушлар оила аъзоларидан қай бирининг зиммасига тушишига кўра уни шартли равишда қуйидагиларга бўлиш мумкин.

1. Анъанавий, патриархал оила. Бундай оилада ҳамма нарса оила бошлиғи бўлган эр-отанинг манфаатига бўйсунди. Анъанавий оилада аёл асосан хотинлик ва оналик вазифасини бажаради. Оиладаги болалар сони, оиланинг моддий таъминланганлиги, хотиннинг бирон жойда ишлаши, эрнинг манфаатларидан келиб чиқади.

Урта Осиё иқлимида, айниқса, қишлоқ жойларида асосан шундай турдаги оилалар кўпчиликини ташкил этади. Бизнинг текширишларимиз шуни кўрсатдики, ўзбек аёлларининг 20 ёшдан 35 ёшгача бўлганлари шундай оилада яшашни истайдилар.

Кейинги йилларда катта шаҳарлардаги оилаларда асосий ўринни аёллар эгаллайдиган бўлишди. Улар ишлаб чиқаришда, корхонада ёки раҳбарлик лавозимларида ишлашиб, эркаклар билан ўрин алмашишади.

2. Детоцентрик оилада асосий диққат-эътибор болаларда бўлади. Яъни ота-онанинг бутун фаолияти болаларнинг манфаатлари билан белгиланади. Асосий эътибор болаларнинг ўсиб-улғайиши, ўқиши, кийиниши ва шу кабиларга қаратилади. Бундай оилалардаги болалар кўпинча яхши тарбия топиб, уйғун ривожланадилар. Чунки оила ўз бурчини фақат болани боқиб-тарбиялашдан, уни ўқимишли қилишдан иборат деб билилади.

Боланинг ҳар томонлама шаклланиши, қобилиятли, маълумотли, маданий савияли бўлиши учун бу турдаги оилани ибратли оила дейиш мумкин. Бундай оилалардаги болалар ниҳоятда ақлли, маданиятли, ўқимишли бўлишади-ю, аммо оддий инсонийлик, коллективизм, бурч ҳисси, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, меҳнатсеварлик, меҳнаткаш кишиларга ижобий муносабатда бўлиш, самимийлик ва камтарлик ҳислари уларда кўнгилдагидек бўлмайди. Чунки бу

типдаги оилаларда кейинги санаб ўтилган ижобий ҳислатларни шакллантириш учун етарли шароит бўлмайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, асосий эътибор болани яхши кийинтириш, овқатлантиришга, яхши ўсиб-улғайишига ва бошқа шу каби мақсадларга қаратилган бўлади. Бундай тарбия олган болалар кўпинча атрофдагиларни, тенгқурларини менсимайдилар, ўзларини ҳар томонлама бошқалардан устун қўйишга ҳаракат қиладилар. Буни педагоглар яхши билишлари ва болаларнинг ота-оналари билан биргаликда тарбиявий иш олиб боришда ҳисобга олишлари лозим.

Эр-хотинлардан иборат оила. Бу асосан замонавий оила бўлиб, эр-хотин фақат ўз шахсий манфаатларини ўйлашади. Бундай оилалар кўпинча бир болани ёки умуман боласиз бўлишади. Чунки оилада бола бўлиши ёки улар сонининг кўпайиши, эр-хотиннинг маданий, маънавий эҳтиёжларини хоҳлаганича қондиришларига имкон бермайди.

Бу турдаги оилаларнинг мавжудлиги жамоат ишлаб чиқариши учун жуда фойдали, чунки улар доимо ўз усларида ишлашади, бунга шароит ҳам, вақт ҳам етарли бўлади. Аммо фарзанд йўқлиги ёки бир болани бўлиш жамоат эҳтиёжларини қондира олмайди.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, учта турдаги оиладан биронтасини алоҳида олиб идеал дейиш ёки иккинчисини танқид қилиш ҳам мумкин эмас. Ҳар бир типнинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Оила турини иқлим, этнологик омиллар билан боғлаб ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур. Акс ҳолда катта хатоларга йўл қўйиш мумкин. Масалан, Урта Осиё иқлимида, жумладан, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида анъанавий оила кенг тарқалган бўлса, Болтиқбўйи республикаларида ёки катта шаҳарларда иккинчи ва учинчи турлари кўпроқ учрайди.

Баъзи оилалар бу турларни ўз тараққиётида босқич шаклида ўтиши, баъзи оилалар эса ўзида бир неча турларини мужассамлантириши мумкин. Кузатишлардан маълум бўлишича, қаерда туғилиш кўрсаткичлари юқори бўлса, шу ерда биринчи ва иккинчи турдаги оилалар кўп бўлади.

Қайси турдаги оилада низолар кўпроқ бўлади? Қайси турдаги оила бахтиёр ёки идеал оила бўлади? — деган саволлар туғилиши мумкин. Оиланинг бахтли бўлиши, эр-хотинларнинг тинч-тотув яшашлари юқоридаги шартли турларга эмас, балки бу турларни эр-хо-

тин ўзларига қай даражада маъқул деб билишларига, ижобий ёки салбий идрок қилишларига оила ҳақидаги тасаввурларнинг ўзаро мос ёки зид келишига боғлиқдир. Бироқ шунини айтиш керакки, келажакда иккинчи ва учинчи турдаги оилалар сони кескин ошиши мумкин. Бу билан анъанавий оилани истиқболсиз деб бўлмайди. Анъанавий оила бир оз ўзгарган ҳолда юзлаб йиллар давом этади ва миллионлаб кишиларга бахт келтиради.

ОИЛАДАГИ АХЛОҚИЙ-ПСИХОЛОГИК ИҚЛИМ

Психологик жиҳатдан бир-бирига тескари бўлганлар биологик ва физиологик жиҳатлардан бутунлай мос келмаса-да, қовуша оладилар, аммо ахлоқий-ғоявий жиҳатдан (дунёқараш, яшаш тарзлари, ҳаёт қадриятлари) мос келмаса, қовушув бўлмайди. Бундай оила деворлари сейсмик ноҳиядаги иморатники каби уруш-жанжаллардан ёрилиб боради, вайрон бўлиш ҳолатига келиб, шу хонадон аъзолари ва айниқса, болалар учун катта ахлоқий-психологик хавф туғдиради.

Агар бу уч хил қовушувни (социал, психологик, биологик) образли қилиб, уйнинг пойдевори, девори ва томи деб тасаввур қилсак, оила учун буларнинг ҳаммаси ҳам зарур эканлигини ҳис қиламиз. Том мустаҳкам бўлмаса, ёғингарчиликда чакка ўтиши, қалин қор ёққанда босиб ҳам тушиши мумкин, аммо уй бирданига бузилиб кетмайди. Деворлар юпқа бўлса ёзда иссиқни, қишда совуқни ўтказиши. Лекин пойдевор мустаҳкам бўлмаса, биринчи ер қимирлашидаёқ уй вайрон бўлади.

Қиссадан ҳисса шулким, икки ёшнинг дунёқарашини, идеалларини, ҳаётини қадриятларга муносабатларини уйғун бўлгандагина, уларнинг оиласи мустаҳкам, барқарор ва турмуши тинч-тотув бўлади.

Ёшларнинг ўзларига ҳар жиҳатдан тўғри келадиган, максимал қовуша оладиган жуфтини топишлари амри маҳолдир. Бунга интилишнинг ҳожати ҳам йўқ. Баъзи ёшлар ҳатто ўзига ўхшаганларни ёқтирмайдилар ҳам. Масалан, жаҳли тез, ўзини тутат олмайдиган, устун бўлишни хоҳлайдиган, яъни холерик мижозли икки ёшнинг турмуши доимо уруш-жанжаллардан иборат бўлиши мумкин. Айниқса, келин-куёвнинг салбий феъл-атвори бир хил бўлса, уларда психологик қовушувчанлик бўлиши ниҳоятда қийин. Масалан, эр ҳам, хотин ҳам ўта худбин ёки дангаса бўлса, бундай оиланинг уруш-жанжалдан боши чиқмайди.

Оила қураётган ёшларнинг мижозларини таҳлил қил-

ганда, қуйидагича феълли келин-куёвларга дуч келишимиз мумкин: холерик-холерик, холерик-сангвиник, холерик-флегматик, холерик-меланхолик, сангвиник-сангвиник ва ҳоказо. Турли мижозли ёшларнинг оилавий турмушларида кўпинча қуйидагича низолар юзага келади: холерик эр ғайратли бўлади, ҳар бир ишга тез киришиб кетади, етакчиликка интилади, турли соҳаларга қизиқади, кўпчиликни яхши кўради, баланд овоздаги мусиқа ва шўх рақсларни яхши кўради. Меланхолик хотин эса, интравертлиги сабабли янги нотаниш кишилар даврасида ўзини ноқулай сезади, ўта тортинчоқ бўлади, одамлар билан тез киришиб кета олмайди. Хуллас, экстраверт холерик эрга психологик жиҳатдан бутунлай тескари бўлади.

Юқорида айтилганидек, бундай оилаларда тез-тез уруш-жанжаллар бўлиб туради. Лекин бундай мижозли келин-куёвлар бахтли, бўлиб кетишлари ҳам мумкин. Бунинг учун уларга нималар керак? Оташин, барқарор муҳаббат, руҳий мижозлар, уларнинг устун ва заиф томонлари, экстраверт ҳамда интраверт кишиларнинг феъл-атвори хусусидаги етарлича билим, пок маънавият, зиёлилик хислатлари зарур. Буларнинг ҳаммасига эришиш мумкин. Фақат истак бўлса — бас. Оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигига раҳна соладиган бошқа зиддият келишмовчиликлар ҳам бўлади. Буларни кимлар ўртасида бўлишига қараб бир неча турга бўлиш, келиб чиқиш сабабларининг олдини олиш йўллари алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Булар эр-хотин ўртасидаги, қайнона-келин ўртасидаги, қайнона-куёв ўртасидаги, ота-она ва болалар ўртасидаги келишмовчиликлардир.

Шулардан биринчиси ва ниҳоятда кенг тарқалгани эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлардир.

ЭР-ХОТИН ОРАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

Оилада эр ва хотин орасида содир бўладиган тўқнашувларнинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳаётда ишнинг — касб фаолиятининг ва оиланинг қадр-қимматини ўлчашда юзага келади. Ишга муқкасидан кетган баъзи эркеклар хотинларига эътиборсиз бўлиб қоладилар. Уй-рўзғор ишлари ва бола тарбияси билан умуман қизиқмайдилар. Уйга ётоқхонага келгандай келиб кетаверадилар.

Хотин кишиларнинг кўпчилиги учун эса уй, оила, оилавий ҳаёт табиатан бутун бир оламдир. Ҳатто иш-

да ўтириб ҳам оиласи ҳақида ўйлайди, уй-рўзғор таш-ниш-қувончлари унинг хаёлидан нари кетмайди. Иш орасида ёки тушликдан фойдаланиб уй-рўзғор учун зарур нарсаларни харид қилади. Ишдан кейин боғчага югуради. Уйига қайтаётиб, қандай овқат тайёрлаш ҳақида ўйлайди.

Ишга берилган эркаклар ҳатто уйга келиб ҳам эр-танги қиладиган ишлари режасини тузиш билан банд бўлади. Аёллар ишхонада «меҳмон» сифатида ўтирсалар, эркакларнинг кўпчилик қисми уйда ўзларини ўшандай ҳис этадилар. Оилали аёл ишдан оиласига — уйига шошилса, эркак киши оиладан ишга қочади, айнан шулар оқибатида оилавий келишмовчилар келиб чиқади.

Бу қабилдаги зиддиятларнинг олдини олиш учун эркаклар энг аввало оилага безътибор бўлмасликлари керак. Ўринли сабабларга кўра етарли эътибор бера олмаганларида эса вақтини топиб аёли кўнглини кўтаришлари, унинг бекалик маҳоратига тасаннолар айтиши, дам олиш кунларида болалар тарбиясига, уй-рўзғор ишларига қарашиб туришлари керак.

Эркаклар «аёл киши қулоғи билан севади» деган сўзларни унутмасликлари лозим. Яхши гапга илон инидан чиқади, ёмон гапга пичоқ қинидан чиқади, дейдилар. Ўзга аёллар билан сўзлашганларида кўпчилик эркакларнинг тилларидан бол томади, ўз хотинига қолганда эса мақтовни, баъзи ҳолларда ҳатто бир оғиз илик сўзни раво кўрмайдилар. Хотинлар бундай эрларни «кўча хандон, уй зиндон» дея ўринли нолийдилар.

Аммо шу билан бирга хотинлардан айб ўтадиган пайтлар ҳам бўлади: оила бошлиғи бўлган эрнинг ой, квартал, йил охирида, касби тақозосига кўра маълум мавсумларда, пахта йиғим-терими пайтида уйига, болаларига эътибори сусайишини тўғри тушунмаслиги оқибатида тилни хавжар қилишлари ҳам яхшиликка олиб келмайди. Аксинча, толиққан, чарчаган, асаблари таранглашган эр бундай вақтларда жаҳлга эрк беришлари, хотиндан, уйдан беишлари мумкин.

Қорни оч, уйқудан қолган ва асаби чарчаган эр танқидни холисона идрок эта олмаслигини хотинлар асло унутмасликлари керак. Ҳар нарсанинг ўз вақт-соати бор, деган ҳикматнинг келиб чиқишида ҳаётнинг шу жиҳатлари асос бўлган бўлса керак.

2. Оилада етакчилик мавқеини қўлга киритиш учун кураш заминидан юзага келадиган келишмовчиликлар. Бир-бирларини яхши билган, севиб турмуш қурган

ёш оилаларнинг кўпчилигида ҳукмронлик учун кураш қузатилмайди. Чунки улар бу масалани никоҳгача ҳал қилган, қай бирларининг етакчилик қилиши аниқланган ва у ўз вазифасини адо этаётган бўлади. Аммо бировларнинг ишларига аралашмай тура олмайдиган ота-оналар, ака, опа, келин-қўғилар, яқин дўстлар, дугоналар баъзан юқорида айтилгандек аҳил оилаларни ҳам бузадилар. Бир тан, бир жен бўлиб, яшаб келаётган ёш эр-хотин орасидан бундай «маслаҳатчилар» ола мушук каби ўтадилар-да, оқибатда ёш келин-куёвни жиққа-мушт қиладилар.

Катталарни ёшларнинг оилавий ҳаётига бўлар-бўлмасга аралашаверишлари кўп ҳолларда яхшиликка олиб келмайди. Катталарнинг оилавий жанжалларни ақл-идрок, сабр-тоқат билан бартараф қилишлари бундан истисно, албатта.

Е. А. Моршинина ва Г. Б. Шоумаров, Н. А. Согинов кузатишларга кўра ўзбек оилаларининг 64 фоизи совчилар воситачилигида юзага келяпти. Ўз жуфт ҳалоллари билан никоҳгача бир ойгина таниш бўлган ўзбек аёллари 36 фоизни ташкил қилгани ҳолда, рус аёлларида бу кўрсаткич ниҳоятда кам экан.

Тадқиқот мақсадида сўраб кўрилганида, ўзбек аёлларининг 56 фоизи ота-она маслаҳати билан оила қурганларини айтганлар. Юқоридаги статистик маълумотларга кўра юзага келаётган ўзбек оилаларининг талайгина қисми яхши танишиш учун етарли фурсатга эга бўлмаган, бир-бирини яхши билмаган, совчилар ва ота-оналар маслаҳати билан чекланган ёшлардан иборат. Бундай оилаларда муҳаббат етакчи ўрин эгалламайди. Лекин муҳаббат оилавий ҳаёт жараёнида юзага келиши, ўзаро ҳурмат ва бурч асосида ширингина оила бунёд этилиши ҳам мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ёш келин-куёвга уларнинг феъл-атворини яхши билмасдан, оилавий истиқболни олдиндан кўра олмасдан турли маслаҳатлар бериш хунук оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Баъзи ёшлар оилавий ҳаётнинг дастлабки кунлариданоқ «маслаҳатгўйлар»нинг берган дастурилмалларини оғишмай амалга ошира бошлайдилар. Оқибатда оилавий ҳаёт «Кичик ер»¹ каби жанг майдонига айланади. Яъни вақти-вақти билан ўзларининг тан эҳтиёжларини

¹ Улуғ Ватан уруши йиллари Кичик ерда совет ва немис қўшинлари, ўзаро келишган ҳолда маълум соатларда бир жойдан сув жамғариб олиб, кейин тинмасдан жанг қилишар эди.

қондириш мақсадида ярашиб, кейин узоқ вақт тинмасдан «жанг»ни давом эттираверадилар.

Сўнгги йилларда аёллар эмансипацияси жуда катта ижобий натижалар берди. Баъзи тадқиқотчиларнинг ёзишича, собиқ «Совет аёли француз аёллари каби элегант, инглиз аёллари каби коррект ва итальян аёллари каби эмоционалдир». Лекин шу билан бирга, бизнинг аёлларнинг ўзга мамлакат аёлларидан кескин фарқ қилиб турувчи бир хусусияти бор. Улар ўзларига чексиз ишонч билан, ҳеч кимга тобе эмасликларини ҳис этиб яшайдилар. Бу турли миллатда турлича ифодаланadi. Бу, албатта, яхши хусусият. Аммо ишлаб чиқаришда, меҳнат фаолятида ижобий аҳамиятга эга бўлган бу хусусият оилавий ҳаётда, эр-хотинлик муносабатларида салбий роль ўйнайди.

Карл Маркс «эркакларда кучни, аёлларда заифликни қадрлайман», деб ёзган эди.

Э. Арованинг ёзишича, ҳар бир соҳада эркаклар билан тенглашган аёллар эндиликда уларни ортда қолдириб кетганлиги, эрларининг қобилиятсизлиги, тарбиялаш қийинлиги ҳақида гапира бошлайдилар. Баъзи аёллар назарида эркаклар илгари эгаллаган мавқеидан тушиб қолганлар. Бунинг сабабларини фақат аёллар эмансипацияси билан тушуниш хатодир.

Эмансипациядан ташқари, эр-хотиннинг ёши орасидаги фарқнинг камайиб бораётганлиги ҳам улар муносабатларига таъсир қилади. Илгарилари хотинлар эрларидан ўртача 5—8 ёш кичик бўлган бўлса, ҳозирги вақтларда бундай фарқ 2—3 ёшдан ошмайди.

Маълумки, қизлар йигитларга нисбатан анча эрта улғаядилар. Агар эр-хотиннинг ёши ўртасида фарқ етарлича бўлмаса ёки улар тенгдош бўлсалар, бу ҳолда 20 ёшгача бўлган хотин ўз эридан ақллироқ эканлиги ҳақидаги хомхаёл билан яшайди.

Ўзига бино қўйган, ҳеч кимга тобе эмаслигини ҳис этиб яшайдиган баъзи аёллар эри билан бўлар-бўлмас мунозара-бахсга киришади, ҳақлигини исботлаш учун айрим ҳолларда ҳатто овозини кўтаради, дўқ қилишгача бориб етади. Бу ҳол эрларнинг иззат-нафсига қаттиқ тегади, хотини ҳақида нотўғри хаёлларга боради, ундан безади. Оила бор экан, эр-хотиннинг ади-бади айтишувини, сан-манга боришини ҳам истисно қилиб бўлмайди. Бироқ «аёлларнинг кучи уларнинг заифлигидадир» деган синалган ҳикмат хаёлдан фориг қилин-

2. маса, хотинларнинг айрим ҳолларда бир гапдан қолгани — олам гулистон бўлгандир.

Баъзи оналарнинг қизларига «эринг билан жанжаллашганимда дарҳол кўз ёши қил» деб берадиган юмористик маслаҳатларида ҳам чуқур ҳаётий ҳикмат етади. Негаки, хотини кўзларида ёш кўрган эр буни маддублик белгиси деб билади. Жаҳлдан тушади. Кўнглида раҳм-шафқат туйғулари пайдо бўлади. Муросага келади. Хотинининг кўнглини топишга уринади. Кўриб турибсизки, бундан аввало хотин, кейин оила ютади. Буни аёллар билиб қўйгани фойдалидир.

Жанжаллар ёш эр-хотиннинг бир-бирларини ва ўзларини яхши билмаслиги ва тушунмаслигидан келиб чиқади. Оилада ҳукмронлик учун кураш асосида юзага келадиган келишмовчиликларнинг қандай олдини олиш мумкин?

Аввало оила қурадиган ёшлар «оила тахти учун кураш» эрга ҳам, хотинга ҳам фойда келтирмаслигини, аксинча, ҳар бир жанжал гуллаб турган оила дарахтига урилган болта зарби эканини яхши билиб олишлари зарур. Доно халқимиз айтганидай, бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади. Кўпгина замонавий оилаларнинг эр ва хотин томонидан баб-бабавар бошқарилишини кўриш мумкин. Бироқ бундай бошқарувда ҳам кимнингдир сўзи сўнги, ҳал қилувчи бўлади. Ҳеч бир оилада батамом биархат (эр ва хотиннинг баравар ҳукмронлиги) бўла олмайди. Оилани ий ягона бошлиқ демократик принципда бошқариш мақсадга мувофиқдир. Бунда оила аъзолари орасида унинг ҳурмати ортгани ҳолда болалар характерида мустақилликнинг шаклланишига ҳам сира зарар етказилмайди.

Оилада эркак кишининг етакчи бўлиши шарт эмас. Ким тадбиркорроқ, дидли-фаросатлироқ бўлса, оилани бошқаришда ўша етакчи бўлмоғи лозим. Н. Согинов, У. Каримов, Ғ. Шоумаровларнинг илмий-тадқиқот натижаларига кўра рус оилаларга нисбатан ўзбек оилаларнинг аксариятида етакчи эркак кишидир. Бу ўзбек оиласининг этиопсихологик хусусиятларидан биридир.

3. Муҳаббатнинг камолот йўли, психологик хусусиятларини билмаслик натижасида юзага келадиган келишмовчиликдир.

Муҳаббат нима? Кўнгишларда у қандай кечади? Бу хусусда бадий адабиёт жуда кўплаб материаллар беради. Биз бу масалаларни илмий жиҳатдан қисқача таърифлашга ҳаракат қиламиз. Кўнгишларда туғилган муҳаббат бошланғич, алангали, бир меъёрда кечадиган, сустлашган, ўзаро ҳурмат каби босқичларни босиб ўта-

ди. Муҳаббатнинг ҳар бир босқичи моҳиятан ўзига хосдир. Буни кўпчилик ёшлар билишмайди. Оқибатда бир босқичдан бошқа босқичга ўтишдаги ўзгаришлар сабабини тушуниб етмайдилар. Айниқса алангали давр ўтганидан кейин гўё муҳаббат тамом бўлгандек ёки ўз жуфтини танилашда хато қилгани ҳақида ўйлай бошлайди. Ўзларига мос келадиган ёр ахтарядилар. Қараб турибсизки, уриш-жанжаллар, ажралишлар, янги никоҳ ва янги можаролар оила масаласидаги беқарорликлар юзага қалқиб чиқади. Охир оқибатда «Ҳақиқий муҳаббат борми?», «Ҳақиқий, соф муҳаббат қандай бўлади?», «Муҳаббат такрорланиши мумкинми?» — каби қатор саволлар ва мунозараларга эҳтиёж туғилади. Оташнинг мунозаралар, баҳслар давом этаверади-ю, бироқ ҳар ким ўз фикрида қолаверади.

Хўш, нима қилиш керак? Муҳаббатнинг ақл, қалб ва танани бир зарб билан ўз ҳукмига оладиган оташин баҳорини, ёзи ва кизини олдиндан кўра билиш, «фасл» ўзгаришларига тайёр бўлмоқлик зарур. Муҳаббат борасидаги баҳсларнинг боши берк кўчасидан чиқишнинг бирдан-бир йўли шудир.

4. Келинларнинг уй-рўзгор ишларини бажаришга тайёр эмаслиги, уй бекалигини ўрнига қўелмаслик нар-тижасида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Бугунги кунда, айниқса шаҳар оилаларида кўрасиғна ота-оналар ўз қизларини ҳам ақлий, ҳам эстетик муқ, ҳам жисмоний жиҳатдан гармоник ривожланган инсон фаотида шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Қизлар мактабда таълим олиш билан биргаликда турли бадиий тўғаракларда, мусиқа мактабларида шуғулланадилар, турли спорт секцияларига қатнайдилар. Маълумлар, ота-оналар ўзлари ёшлигида эришолмаган орзуларига болалари эришишини истайдилар. Бу, албатта, диққатга сазовордир. Аммо баъзи ота-оналар қизларининг ақлий, эстетик, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан яхши тарбиялашга зўр берадилар-да, меҳнат тарбияси-га етарли эътибор беришмаганларини пайқамай қоладилар. Бундай ҳоллар, юқорида айтганимиздек, шаҳар оилаларида кўпроқ учрайди. Оқибатда бундай қизлар уй-рўзгор ишларига, бекаликка, ўзлари мустақил оила бошқаришга қодир бўлмайдилар.

Меҳнат тарбиясида уй-рўзгор ва бозор-ўчар ишларини муҳим ўрин тутаяди. Янги турмушга чиққан қиз она-сини ёки қайианасидек лаззатли овқат пишира олмаслигини мумкин. Бундай кўникма мустақил оилавий ҳаёт давоминида шаклланади. Лекин ҳар қандай келинчақда уй-

рўзгор ишларини бажаришга, бекалик қила олишга маълум даражада тайёргарлик бўлиши зарур. Ёш бека овқат қилиши, ошхонадаги фаолиятдан завқланиши, қониқиши лозим. Агар келинчақ онгига олдиндан «ошхонаям гап бўптими», қабилдаги тушунча сингдирилган бўлса, у оилавий ҳаётдан тез толиқади. Ошхонада қанча ўралашмасин, бари бир пазандаликни жойига қўелмайди. Қизлар ота-она уйидалигида овқат қилиш, дастурхон ёзиш, меҳмон кутиш, уйни тоза тутиш ва шунга ўхшаш қатор ишларни бажаришни қай даражада ўрганса, келажак ҳаётида ўзи ҳам ўшандай рўзгор қиладди. Айтадилар-ку, қуш уясида кўрганини қиладди, деб. Буни ота-оналар унутмасликлари керак. «Эркак кишининг қалбига борадиган йўл меъда, ошқозон орқали ўтади», деган ҳазил тоифасидаги ҳикматни қизлар ўқиб олишлари зарур. Энди оила қуришга тайёргарлик кўраётган йигитларга, янги уйланган кўевларга, қайноналарга икки оғиз маслаҳат: кўев келинчақнинг уй-рўзгор ишларида йўл қўйган майда-чуйда камчиликларига эътибор беравермаслиги лозим. Иккинчидан, камчиликни айтиш зарур бўлса, ҳеч ким йўғида, шунчаки маслаҳат тариқасида секингина билдириб қўйиш кифоя.

Учинчидан, камчиликни келинчақнинг юзига ҳадеб солавермаслик керакки, бу яхши оқибатга олиб келмаслиги таъбиийдир.

Тўртинчидан, келин йўл қўйган камчиликлардан қайноналар ҳадеб ранжийвермасликлари керак. Қайнона ҳам — она. Келинга билмаганини ўргатишлари, ўзларининг келинлик даврларини эсга олишлари лозим.

Бешинчидан, келиннинг пазандалик борасидаги, уй-рўзгор тутиш соҳасидаги ҳар бир яхши қадам рағбатлантирилиб борилиши фойдали бўлади. Аммо бунда кўевлар эҳтиёт бўлишлари, оналари олдида хотинини ҳадеб маъийвермасликлари керак. Чунки баъзи оналар рашк қилиши, келинларини ёмон кўриб қолишлари мумкин.

5. Аёлнинг жинсий, руҳий, эмоционал ҳолати даврий характерлигини (ҳайз кўриши билан боғлиқ равишда) эркаклар билмаслиги ёки ҳисобга олмаслиги оқибатда келиб чиқадиган келишмовчиликлар.

Аёллар ўрта ҳисобда 28—30 кунда ҳайз кўради¹. Шу сабабли уларнинг руҳияти, эмоционал ҳолати ой

¹ Ҳайз кўриш фолликулаларда тухум ҳужайраининг етилиши билан боғлиқ физиологик жараёндир. Ҳайз даври турли аёлларда турлича бўлиб, 21 кундан 45 кун оралиғида такрорланиши мумкин. Кўпчилик аёллар ҳар 28—30 кунда ҳайз кўриши мумкин.

давомида ўзгарувчан бўлади. Ҳайз кўришдан тахминан икки-уч кун олдин аёл ўзини бирмунча лоҳас сезади, тез жаҳли чиқади, бўлар-бўлмасга хафа бўлаверади. Ҳайз кўриш даврида эса ўзларини бемордек ҳис этишлари, баъзи аёллар тўрт-беш кун кўрпа-тўшак қилиб ётишлари ҳам мумкин. Бундай психофизиологик даврий ўзгариш аёл организмга хос бўлиб, эркаклар учун ётдир. Кўпгина эркаклар ҳайз кўриш олди белгиларини, унинг аёл руҳиятига, эмоционал ҳолатига таъсирини билмайдилар ва буни тасаввур ҳам қилолмайдилар. Натижада хотинининг гаплари, эмоционал ҳолати унга кўполликдайд, ҳурматсизликдайд, норозиликдайд туюлиши мумкин. Бундай ҳолларда эр англашилмовчилик оқиба-тида «хотиним мандан совиган», деган хаёлга боради. Бу эри учун ҳақоратдек туюлади. Кўриб турибсиз-ки эр-хотин ўртасида лоп этиб жанжал — келишмовчилик чиқиб турибди.

Бундай можароларга барҳам бериш учун эркаклар «аёллар касаллиги» борасида билимга эга бўлишлари, енгил-елпи хулоса чиқармасликлари, хотинининг ҳайз кўриш билан боғлиқ (инжиқликлар)ни кўтариши, кўнглига қарashi (айниқса ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида, иккинчи ярмида ғамхўрлик қилиниши зарурлиги ҳаммага маълум), хотинига ғамхўр бўлиши, у бошқоронган бўлган ноз-неъматларни кераклигича етказиб бериши зарур. Бу маҳсулотлар бўлажак онанинг эмас, балки ҳомиланинг эҳтиёжи эканлигини унутмасликлари лозим.

Олимларнинг текширишича, ҳомиладорликнинг биринчи ярмида турли стресс ва кучли салбий ҳиссий кечинмаларни кечирган оналарнинг асабий бола туғиши бошққа аёлларга нисбатан икки-уч баравар кўп бўлар экан.

Эркаклар юқоридаги маълумотларни ўқилиши ва ўзининг силавий ҳаётида буни албатта ҳисобга олишлари шарт.

6. Болаларни тарбиялашда юзага келадиган келишмовчиликлар. Болаларни тарбиялашда эр-хотин, яъни ота-она бир фикрда бўлиши, бир хил нуқтаи назарда туриши зарурлиги ҳаммага маълум. Лекин ҳамма ҳам бу муҳим қондага амал қилавермайди.

Баъзи оилаларда она боласини урса, жазоласа, ота болани ўз ҳимоясига олади ёки аксинча. Ота-оналарнинг бундай «заиф» томонларини пайқаб олган бола гоҳ отадан, гоҳ онадан ҳимоя қидиради. Натижада, бундай ота-оналарнинг тарбияси болалар учун бетаъсир

бўлиб қолади. Болада ўз хулқ-атвори, хатоларига танқидий қараш шаклланмайди. Ўзини гоҳ ота, гоҳ она томонидан асоссиз жазоланган ҳисоблайди. Бора-бора ота-онанинг гап-сўзларини писанд қилмай қўяди.

Қилмиши учун жазолашни талаб қилаётган «прокурор» ота билан «судланувчи» болани ўз ҳимоясига олган «адвокат» она орасида тортишув кетади. Тарбия борасидаги тортишув баъзан эр-хотин орасидаги шахсий муносабатларга салбий таъсир этиб, улар орасида кўнгилсизликларни келтириб чиқаради.

Бунда тарбия объекти бўлмиш бола четда қолиб, эр-хотин бир-бирларига адабиётлардан, ота-оналарнинг ҳаёти, ўз шахсий тажрибаларидан мисоллар келтира бошлайдилар. Ким ҳақ ва ким ноҳақ деган масалада жанг кетади. Баъзан ота ёки она турли йўллар билан болачи ўзига «яқинроқ қилиб олишга», «ўзига нисбатан ортиқроқ меҳр уйғотиш ҳаракати»га тушадилар, лекин асосий мақсад ҳисобланган бола тарбиясини бузадилар.

Баъзи оилаларда фарзанд тарбияси билан кўпроқ шуғулланган она болада отага нисбатан салбий муносабатни шакллантиради. Бундай оилаларда отанинг фарзандлари олдида обрўси бўлмайди. Шу руҳда тарбияланган болалар улғайғач, ота ёки онага қўл кўтаришга ча бориши мумкин. Аслида ўз экканларини ўрган ота-оналар, оқибатда «мана, сенинг тарбиянг натижаси», — деган бир-бирларига таъна қиладилар.

Бола тарбияси масаласида, аввало, ота-она яқдил бўлиши шарт. Айтайлик, ота ёки она кўпол хатога йўл қўяди. Бу ҳолда иккинчиси унинг хатосини ҳазил тариқасида беозор тарзда тўғрилаб кетиши зарур.

Масалан, ота-она ўн ёшли ўғлининг туғилган кунини ниҳайти анлашмаяпти. Ота ўғлига қадаҳда спиртли ичимлик узра ичиши буюради. Шунда онаси кулиб: «Қаранг, ўғлим, доно даданг сенинг қанчалик катта бола бўлганингини, спиртли ичимликлар ёшу қарилар учун қанчалик зиён эканлигини билиш-билмаслигинини синаб кўрмоқчи», — дейди. Бу билан ота обрўсини тўкмаган ҳолда она болага спиртли ичимлик ичиш зарар эканлигини таъкидлайди. Айни чоғда эр-хотин орасидаги муносабатга ҳам путур етмайди. Бундай ҳолда бефаросат она боласи ва меҳмонлар олдида эрининг хатосини юзига солган, ўтирганлар ичида ҳам фикрлар топиб, эрини беобрў қилган бўлур эди.

7. Мижозларнинг мос келмаслиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар. Биологик шартланган мижознинг руҳий хусусиятлари эр-хотиннинг ўзаро

муносабатларида ифодаланади. Умуман, бир-бирига яқин ёки бир хил мижозли эр-хотинларда юқорида айтилган келишмовчилик деярли кузатилмайди. Бундан холирик мижозли эр-хотин истиснодир. Бундай эр-хотинлар орасида жанжалли ҳоллар кўп бўлади. Икковининг ҳам жаҳли бурнининг устида туради, бўлар-бўлмасга ловуллаб кетишади. Реактивлиги активлигидан устун, яъни қилғилиқни қилиб қўйиб, кейин мулоҳаза юритадилар.

Хуллас, эр-хотинларнинг мижозлари хуусида ушбу бобнинг бошида айтиб ўтганимиз сабабли бу масалага батафсил тўхталиб ўтирмаймиз.

8. Жинсий масалаларда юзага келадиган келишмовчиликлар. Немис тадқиқотчи олимаси Бригитта Хернинг ва Харальд Весселарнинг ёзишича 1975 йили Германияда олиб борилган текширишлардан маълум бўлишича ажралишнинг асосий 9 та сабаби мавжуд экан. Бу сабаблар орасида эр-хотиннинг бир-бирига хиёнат қилиши биринчи ўринни эгаллаб, 23 фоизни ташкил қиларкан. Характерларнинг мос келмаслиги иккинчи (15 фоиз) ва жинсий мос келмаслик учинчи ўринни (11 фоиз) эгалларкан. Қўрииб турибдики, 49 фоиз сабаблар жинсий масалалар билан боғлиқ. Масала чуқурроқ да ўрганилганда хиёнатнинг асосида маълум даражада жинсий қониқмаслик, мос келмаслик ёганлиги маълум бўлади. Белорусиялик тадқиқотчи Я. А. Лупьякнинг ёзишича ажралишнинг 30 фоизи асосида жинсий қониқмаслик ётади. Ойлавий ҳаётнинг у ёки бу даврида жинсий қониқмаслик оилаларнинг 75—84 фоизидан олдилар экан.

Жинсий қониқмаслик эр-хотиннинг ўзаро, Ойлавий ҳаётга бўлган муносабатларига, иш фаолият сатади оиланинг мустаҳкамлигига салбий таъсир кўлади. Баъзи эр-хотинлар оилада тополмаган хузур-ҳузурнинг бошқалардан қидиришга интиладилар.

Эр-хотин ўргасидаги можаролар, қўйди-чиқдиларнинг кўпчилиги эркак ва аёлнинг жинс психофизиологиясини билмасликларидан, жинсий саводсизликдан келиб чиқади. Қуйида фикримизни аниқлаштирамиз:

— аёл кишининг жинсий қониқмаслиги. Кўп ҳолларда жинсий алоқанинг эркак томонидан вақтидан олдин тўхтатилиши, аёл организмнинг қўзғалган ҳолда қолишини ҳис этмаслик натижасида содир бўлади. Бундай ҳолларнинг тез-тез такрорланиши аёлда жинсий алоқанинг нисбатан салбий муносабатнинг шаклланишига, баъзан эрдан кўнглининг совишига олиб келади.

— эркак кишиларнинг жинс психофизиологияси. Биринчи раундаги саводсизлиги. Аёллар бу соҳани назарий жиҳатдан яхши биладилар. Эрдан ҳаётнинг энг лазиз лаззатини кутадилар. Аммо бундай лаззат қиёмига етмай қолади. Оқибатда аёлнинг эрига нисбатан оташин муҳаббати сўна боради. Хотин хиёнат йўлига киради;

— жинсий эҳтиёжлари кескин фарқ қилган эр-хотинлар орасида бу борада кўп тўқнашувлар кузатилиши мумкин.

Жинсий эҳтиёжлар социал, физиологик, ёш омилларга боғлиқ бўлиб, биологик жиҳатдан шартлангандир. Айримлар учун икки ҳафтада бир марта жинсий алоқада бўлиш етарли бўлса, бошқасига кунига уч маргаси ҳам камлик қилиши мумкин. Негаки, шахслар орасидаги индивидуаллик диапозони ниҳоятда кенгдир. Жинсий эҳтиёжларни қондиришга таъсир қилувчи қуйидаги психофизиологик ва социал омиллар ҳам мавжуд: эр-хотиннинг ёши, эмоционал ҳолати, улар орасидаги ҳиссий кучи, асаб системасининг ҳолати (чарчаганлик, тетиклиги, жаҳли чиққанлиги ёки яхши кайфиятда эканлиги), цикли ўзгаришлар (кўпроқ аёлларда), ҳомиладор бўлиб қолишдан қўрқиниш, жинсий алоқа бўлаётган вақтнинг шароити (ўзга кишилар хонага кириб қолишидан, қўйиш хонадаги ота-оналар ёки яқин қариндошларнинг эшитиб қолишларидан қўрқиниш ва бошқалар).

Жинсий эҳтиёжларни қондиришда бир-бирга бутунлай мос келадиган киши топиш ниҳоятда қийин ва шарт ҳам эмас. Энг муҳими, яқин кишининг психо-физиологик ҳолатини ҳисобга олиши, ҳар бир ёш бу масалада худбин эш баъзи лки тамомила альтруист — бошқалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўювчи бўлиши мақсадга мувофиқ. Турмуш ўртоғининг хоҳиши учун ҳар бир нарсага, шу жумладан, ораларида катта ёш тафовути бўлган чоғда ҳам унинг эҳтиёжларини қондиришга интилиши лозим. Шу ўринда ёшларга муҳим бир маслаҳат: жинсий алоқанинг меъёридан ортиқ бўлиши келин-куёвнинг бир-бирларидан тез тўйиниб қолишларига, улар орасидаги муҳаббат эҳтиросларининг вақтидан олдин бирмунча сусайишига олиб келиши мумкин.

Юқорида айтилганидек, аёл кишининг ҳайе кўриши билан боғлиқ цикли ўзгаришларини ва бу ҳол унинг жинсий эҳтиёжларига таъсирини эркаклар яхши билишлари зарур. Баъзи аёлларда ҳайе кўриш тугагандан кейинги биринчи ҳафтада, бошқаларда эса ундан икки ҳафта олдин қўзғолиш кучайиб, жинсий алоқага бўлган эҳтиёж кескин ошади. Шу сабабли ҳар бир эр

Ўз хотинининг жинс хусусиятларидан ташқари ўзига хос индивидуал жиҳатларини ҳам яхши билмоғи шарт. Бу, айниқса хотин танидаги эроген-жинсий қўзғалғин аъзоларини аниқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш учун зарур.

Эр-хотин бир-бирларини ширин сўзлар билан сўзгилларини олиши, асло ҳақорат қилмасликлари керак. Баъзи сабабларга кўра хотинда оргазм бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда эрнинг эркаклиги сусайишлиги, камқувватлиги ҳақида ҳатто ҳазил ҳам қилмаслик лозим. Чунки аёллардан фарқли равишда эркаклар бу масалага жуда жиддий эътибор берадилар. Эркаклик хусусиятининг йўқолишини ёки сусайишини уларга айтиш жуда оғир ботади. Санкт-Петербург сексопатологларининг текширишича, сўнгги йилларда эркаклар орасида жинсий заифликнинг кўпайишига аёлларнинг жинсий ҳаётда эрларини камқувватликда айблаб ҳақорат қилишлари ҳам сабаб бўлмоқда экан.

Жинсий ҳаётда эр-хотиннинг асаб системаси бўйича «зағча», «бойўғли», аралаш тоифаларга кириши ҳолати улар орасида турли жанжалларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, эр «бойўғли», хотин эса «зағча» типига киради, дедик. «Зағча» учун эрта ётиш қулайлиги кечаси соат ўнлардан сўнг унинг психофизиологик тонуси кескин пасаяди ва эрта ухлаб қолади. Шунинг билан бирга «зағча» мижоз киши эрта уйғонади ва эрта кўчма соатларда ақлий, жисмоний иш қобилияти маълум даражада бўлади. «Бойўғли» типини эса бунинг бутун тескариси. Бир-бирларини тушунмаслик оқибатида келиб чиқадиган жанжаллар бундай эр-хотиннинг ажралиб кетишларига ҳам олиб келиши мумкин.

9. Фарзандсизлик туфайли бўлган келишмовчиликлар. Фарзандсизликнинг 40 фоизда аёллар, 40 фоизда эркаклар ва 20 фоизда эса ҳар икки томон айбдор бўладилар. Боласиз оилалар 10—15 фоизни ташкил қиладилар. Аёллар боласизлиги сабабининг 70 фоизини жинсий органларида илгари бўлиб ўтган турли яллиғланиш касалликлари натижасида пайдо бўлган анатомик ўзгаришлар ташкил қилар экан.

Йиллар ўтиб, бола кўрмаган эр-хотин фарзандли бахтиёр ота-оналарни кўрганларида руҳан эзилдилар. Бефарзанд эр-хотин орасида жинсий алоқалар болали оиллага нисбатан кўпроқ бўлади. Бу эса бир-бирларидан тўйинишни тезлаштиради. Ота-оналари, таниш-билишлар бундай эр-хотин орасига совуқчилик сола бошлайдилар. Оқибатда улар орасида турли келишмовчилик-

лар келиб чиқиши мумкин. Бундай оилаларнинг истиқболлари аввало эр-хотин ўртасидаги муҳаббат даражаси ва оқолатга, уларнинг маданий савиясига болага бўлган муносабатига, ҳаётини қадриятлар мазмунига боғлиқдир. Фарзандсиз оилалар Тошкентда, янги ташкил этилган Андрологик марказга муурожаат қилишлари масаласига мувофиқдир.

10. Рашк асосида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Ҳаётда айтиб ўтганларимиз эр-хотин орасида уч-контрастли келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи сабабларнинг бир қисми, холос. Келишмовчиликларнинг келиши ва келиб чиқиш сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, психологларнинг қуйидаги маслаҳатларини қатъий ҳар бир эр-хотин учун ҳоят зарурдир:

— Таҳлга жаҳл билан жавоб бермаслик керак. Имконият борича мунозарани бир дамга кечиктириш, бунинг жамъи бўлмаса, мунозарани кўчага, боғ ва хиёбонларга кўчириш лозим. Негаки, табиат қучоғида асаб системаси осонлик билан осойишта ҳолатга келади!

— Келишмовчиликка дахлсиз нарсаларни, шунинг билан ўзини эсламасдан, фақат келишмовчиликка сабаб бўлган воқеа устида гапириш лозим;

— Мунозарада овозни кўтармаслик, эҳтиросларни жамъи зарур (айниқса мунозара кўчада ёки ўзга қанчалар олдида содир бўлаётган бўлса);

— Мунозалани таҳлил қилганда эр ҳам, хотин ҳам ўз айбоби ҳарор бўлиши лозим.

— Мунозарани жанжалга айлантириб юбормаслик керак. Чунки мунозарада низо сабаблари биргаликда келтирилади. Жанжалда эса хариф томонлар бир-бирларини нозик жойларини топиб, найза санчишга тил қилмайдилар;

— Эр-хотин бир-бирларининг йўл қўйган хатоларини билиб-билмай эр-бирлари характерига хос иллат деб баҳоламайсиз («сен доим шундай қиласан», «сен ҳеч қачан эрмагансан, тушунмайсан ҳам ва бошқалар);

— Эр-хотин яхши ҳимоя ҳужум эканлиги спортга, жумлаан футболга тааллуқли. Оила жанг ёки футбол май-май Оилавий ҳаётда эса кўп ҳолларда ўз дарвоқолини ўтказиш, яъни ён босиш фойдалироқ бўлади. Эр-хотин ўлдошларининг ота-оналари ёки яқин қариндошлари билан ҳаётда ҳурматсизлик билан эмас, балки илоҳий ҳаётда эҳтиром билан гапириш эр-хотин муносабатини яхшилайди;

— келишмовчилик ёки жанжалда эр-хотин ота-она, қариндош-уруғ, дўстлар, таниш-билишларнинг ўзларига нисбатан салбий баҳоларини тилга олмаслик, уни бир-бирларига қарши қуроқ қилиб ишлатмаслик зарур;

— уруш-жанжаллардан кейин аразлаб ота-она ёки дўстларникига кетиб қолишни одат қилмаслик керак;

— уйдан ўтган ҳамма гапни ота-онага етказиш яхши одат эмас. «Эр-хотиннинг уруши доқа рўмолнинг қуриши» дегандек улар тезда топишиб кетади, икки ўртада куёв ва қудалар ўртасига совуқчилик тушгани қолади. Қолаверса, уйдаги сирни кўчага чиқариш ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаган, олиб келмайди ҳам;

— мунозара ва жанжаллардан кейин гаплашмай аразлаб юриш бўлмағур одат ҳисобланади. Бундай одатнинг оқибати ҳам яхшиликка олиб келмайди;

— низо чиққан пайтларда эр ҳам, хотин ҳам ўзини бир лаҳза турмуш ўртоғининг ўрнига қўйиб кўриши лозим: «унинг ўрнида бўлсам, мен нима қилардим?» — деган саволни ўз-ўзига бериб кўриши керак.

— қорни оч ёки ишдан чарчаб келган одам билан ҳеч вақт мунозарага киришиш тавсия этилмайди. Бундай ҳолларда одам асосли танбех ва танқиддан тутақиб кетиши мумкин;

— тутган ерини кесиш, бақариб-чақариш аёл кишига ярашмайди. Бундай қўпол муомала эркакларга хос. Аёлларнинг аёллик хислати уларнинг заифлигида, нозик-латифлигида, айёрлигида, кўнгилчанлигидадир;

— мунозара ва жанжалларда узил-кесил, қатъий хулосалар чиқаришга ошиқмаслик керак (агар ўтган йиллар мобайнида сабр қосади бўлиб турмаган бўлса);

— турмуш ўртоғининг кунлик, ойлик, балки йиллик цикли ҳолатини ва ёш хусусиятини ҳисобга олишингиз лозим;

— турмуш ўртоғининг ҳаётини қадриятларига (агар оила манфаатига зид бўлмаса) қарши чиқмаслик лозим. Акс ҳолда у ё сизнинг ёки ўзининг ҳаётини қадриятларини танлашга мажбур бўлади. Қайси бирининг танлашидани қатъи назар, у ҳам, сиз ҳам ютқазасиз.

Юқорида биз «ғолиб чиқиш», «ютиш», «ютқазини» сўзларини шартли равишда қўлладик. Умуман олганда, оилавий ҳаётдаги мунозара ва жанжалларда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмайди. Ё эр-хотин биргаликда ютадилар ёки ютқазадилар — шунини унутмаслик лозим.

Мунозара ва жанжал содир бўлганида оилада ким етакчи, характерлироқ, иродали, мулоҳазалироқ бўлса,

ўша биринчи бўлиб муроасага қўл узатади. Оиладаги руҳий иқлимнинг соғлом бўлиши учун эса, аввало, оила етакчиси жавобгардир.

ҚАЙНОНА-КЕЛИН ОРАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

Оилага янги тушган келинларнинг кўпчилиги юзага келадиган баъзи қийинчиликларни осонлик билан енгиб, келинлик вазифаларини кўнгилдагидай эплаб кетадилар, қайноналарини рўзгор ташвишларидан халос қиладилар, тезда уларнинг меҳрига сазовор бўладилар. Қайноналар ҳам бундай келинни «қизим» деб бағриларига оладилар, билмаганини ўргатадилар, қийналганида ёрдам берадилар, ҳаётини йўл-йўриқ кўрсатадилар. Уларга уй-рўзгор ишларида ва болалар тарбиясида яқин кўмакдошга айланадилар. Бироқ ҳаётда қайнона-келин орасида турли тўқнашувлар ҳам содир бўлиб туради. Биз қуйида бундай тўқнашувларни келтириб чиқарувчи сабаблардан айримларини кўриб чиқамиз.

1. Баъзи қизларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага, қайнона-келин муносабатларига нисбатан салбий тасаввур шаклланган бўлади.

Психологиядан бизга маълумки, ҳар бир нарсани идрок қилиш ва ҳаётини масалаларга баҳо беришдаги кўп омиллар ичида тасаввур муҳим роль ўйнайди. Яъни оиз қайнонани олдиндан фақат салбий қиёфа сифатида тасаввур қилардик дейлик. Кейин эса оила қуриб, тасаввурдаги эмас, балки ҳаётдаги қайнона билан бирга яшай бошладик. Оқибати қандай бўлди? Оқибати шу бўлдики, биз тасаввуримиздаги қайнонага хос бўлган камчилик ва иллатларни аниқ қайнонадан ахтара бошлаймиз. Борини-ку, топишимиз аниқ, ҳақто йўғини ҳам топамиз. Негаки, тасаввуримиз бизни алдаганини тан олишни истамаймиз.

Ҳаётда камчиликсиз одам бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Идеал қайнона, идеал келин ҳам бўлиши мумкин эмас.

Келинлар ўзлари тушган янги оила аъзоларига илк таассурот асосида баҳо беришга ошиқмасликлари лозим. Акс ҳолда игнадан туя ясам ҳеч гапмас. Келинлар, оғир-босиқ, сабр-тоқатли бўлишлари, иложи борича ўзлари тушган хонадон аъзоларининг яхши томонларини кўришга интилишлари зарур. Эри шу хонадон аъзоси эканлигини унутмаслиги лозим. Шунда бу оила тинч-тоғув бўлади. Келинлар бу хонадонга беш кунлик меҳмон эмас, балки бир умрлик аъзо бўлиб келганликларини унутмасликлари керак.

2. Қайнона ва келиннинг дунёқарашлари, уй-рўзгор туттишлари орасида келишмовчилик пайдо бўлади ва бу кескинлашади.

Икки авлоднинг дунёқарашини, ҳаётини принциплари ўртасида тафовут бўлиши табиий ҳолдир. Аммо қайнона-келиндар ҳар жиҳатдан бир-бирининг акси бўлади. Айрим ҳолларда эса қайнона-келин андишани йиғиштириб қўйиб, ҳар бирлари ўз гапларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай келишмовчиликларнинг олдини олиш учун катталар ёшларнинг кийинишида, сочларини турмаклашида, ёқтирган куй ва ашулалари, шунингдек, баъзи бошқа масалаларда уларни ўз ҳолларига қўйишлари лозим. Ёшлар ҳам, ўз навбатида иложи борича ота-оналарни тушунишга интилишлари, уларнинг рашига тегадиган ноўрин қилиқ ва одатлардан ўзларини тийишлари керак.

3. Баъзи келинлар келинлик ва оналик вазифаларини бажаришга тайёр бўлмайдилар.

Шундай келинлар бўладикки, улар на овқат пиширишни, на кир ювишни, на катталар билан муомала қилишни биладилар.

Келин келинлигининг биринчи куниданоқ ҳамма нарсани керагича билиши, катта тажрибага эга бўлган қайнонаси даражасида туриши жуда қийин. У даражада билмаса ҳам майли-я, лекин билишни истамаса қийин. Шунинг учун оналар қизларига ош-овқат пиширишни, мева ва сабзавотлардан қишга шарбат, тузлама, мураббалар тайёрлашни, уй-жойни саранжом-саришта тутишни, дид билан меҳмон кутишни ва шу каби уй-рўзгор ишларини ўргатишга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Қайноналар ҳам келинлардан ҳадеб камчилик, қусур ахтармасдан, уни ўз фарзандидай кўриб билмагандарини сабр-тоқат билан ўргатиб бориши лозим. Камчиликларини юзига солавермасдан, яхши томонларини гапириб туришлари керак. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Яхши сўз ҳатто душманни дўст қилади. Ёмон сўздан яқин дўст ҳам душманга айланиши мумкин.

Қайноналар келинларида ҳосил қилган қимматли кўникмалар ва малакаларининг ўз ўғли учун, келгусида неваралари учун хизмат қилишини эсда тутишлари керак.

4. Айрим ҳолларда қайнона-келин болалар тарбияси масаласида келишолмай қоладилар. К. Мамедов, Н. Юмакеева, Ф. Шоумаров (1983) ёзишларича, бир неча

авлоддан иборат бўлган «кўп бўғинли» оилада яшаш болалар тарбияси учун ижобий таъсир кўрсатади. Бундай ҳонадонда болалар тарбиясига оиладаги бобо-бувилар бошчилик қиладилар. Ота-оналар ишда бўлган вақтда бува-бувилар болаларнинг келди-кетдисида бохабар бўлиб туришади ва уларнинг тарбияси билан кўпроқ шуғулланадилар.

Аммо баъзи оилаларда болаларга нисбатан ягона ва оғишмас талабнинг ўзи йўқ. Болалар ё бобо-бувилар ёки ота-оналар томонидан меъеридан ортиқча эркалатиб юборилади. Натижада ота-оналар билан бобо-бувилар ўртасида «болага ким тарбия бериши керак» деган масалада келишмовчилик келиб чиқиши мумкин. Аслида улар ҳам, булар ҳам болаларни келажакда яхши кишилар бўлиб етишишини истайдилар. Танлаган йўллари эса турлича. Бироқ улар бир битимга келиб олишмаса, бола тарбиясининг ҳолига вай деяверинг. Бунинг учун улар боладан алоҳида жойда бир муросага, яқдил қарорга келиб олишлари керак. Ушанда бобо-бувилар ҳам, ота-оналар ҳам аҳиллик билан бола тарбияси борасида муқобил чора-тадбирларни белгилаб олишлари лозим. Бунда бола қандай муҳит ва шарт-шароитда, даврда ўсаётганини, мижози турини ҳисобга олишлари зарур. Масалан, буванинг ўғли экстраверт холерик бўлган, невараси эса интраверт меланхоликдир. Ўғли қишлоқда, невараси эса шаҳарда туғилиб ўсган. Ўғли мактабда ўқиган чоғларида буш вақтлари томорқада ишлаган, мол-қолга қараган. Невараси дарслардан ташқари мусиқа мактабида ҳам таҳсил олади, ҳафтасига беш марта спорт секциясига қатнайди, турли ижтимоий ишларни бажаради. Бобо-буви мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олишлари зарур.

5. Баъзан катта ҳонадонда овсинлар қайнона илтифотини бир-биридан рашк қилишлари асосида келишмовчиликлар келиб чиқади.

Оилада икки ва ундан ортиқ келин бўлса, қайнона уларнинг ҳаммасига бир хилда қарай олмаслиги табиий ҳолдир. Келинлардан бирортаси қайнонанинг дидига яқинроқ, бошқалари узоқроқ бўладилар. Аёллар ўта руҳий сезгирликлари туфайли бунинг тезда сезадилар. Натижада «ўғай» келин билан қайнона ўртасида келишмовчилик бошланади. Кўп ҳолларда бунга ўзгача урғу берадилар. Аммо бунга сабаб рашкдан бошқа нарса эмас.

Бунинг олдини олиш, овсинлар орасига совуқчилик туширмаслик учун қайнона келинларига мумкин қадар

бир хил муносабатда бўлиши (аммо бу ерда ҳар бир келиннинг муомаласи, муносабатини, қайнонага бўлган меҳрини ҳисобга олиш инкор этилмайди), рашк қилишларига имкон яратиб қўйишдан эҳтиёт бўлишлари керак. Бу ўринда шахсан келинлардан ҳам ақл-идроқ, мулоҳазалик, сабр-тоқат талаб қилинади.

6. Баъзи ҳолларда қайнона келиннинг ёш хусусиятларини, қизиқишини, орзу-ҳавасларини, ишлаши ёки ўқишини ҳисобга олмайди.

Қайноналар орасида умр бўйи уй бекаси бўлганлар ҳам бор. Улар ишлаш билан уй-рўзгор ишларини барабар олиб боришни ўз бошидан ўтказмаган. Ана шундай қайноналар ёшлигида ўзларини рисоладегидек келин бўлганман, деб биладилар. Қайнона-қайноналарини қандай ҳурмат-иззат қилганларини, уларнинг сояларига кўрпача солганларини (ростми-ёлғонми, барибир) тез-тез эслашни ҳам кўрадилар. Келинларининг ҳам ўзларидай бўлишини истайдилар. Баъзан эса бунинг ўгли орқали очикдан-очик талаб қиладилар. Бунга келинларнинг имкони борми-йўқми, ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундай қайноналар «эҳтиёжини» қондириш имкониятига эга бўлмаган келинлар уларнинг ғазабига учрайдилар. Келини ҳақида бўлар-бўдмас гапларни ўғилларининг қулоғига қуядилар: «Ўғлимга айтиб сени қўйдириб юбормасам, юрган эканман!» — дея дўқ-пўписа қиладилар. Баъзи ҳолларда мақсадларига эришадилар ҳам. Бундай қайноналар ўғиллари, неваралари бахтидан кўра ўз ҳузур-ҳаловатларини кўпроқ ўйлайдилар. Бунинг олдини олиш учун ўғилдан воятда тadbиркорлик талаб қилинади.

7. Айрим келинларнинг янги оиллага мослашиши қийин бўлади. Оқибатда қайнона-келин орасида келишмовчиликлар келиб чиқади.

Ҳар бир оиланинг ўзига хос митти муҳити, қонун-қоидалари, анъаналари, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга берадиган баҳо мезонлари, ҳатто фақат шу хонадон аъзолари тушунадиган, шартли равишда қабул қилинган сўз, иборалари бўлади. Янги тушган келин ўзи билан туғилиб ўсган уйининг митти муҳитини, одат-қўниқмаларини ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам айрим келин билан қайнонанинг биллавий муҳитлари мос келмай қолади.

Борди-ю, келин бошқа миллатга мансуб бўлса, унинг янги оиллага мослашиши янада қийин бўлади. Масалан, ўзбек халқида кекириш тўйанлик — шукрончилик белгиси ҳисобланиб келган. Рус халқида эса бу одат ўта

одобсизлик ҳисобланади. Шу сабабли янги оиллага мослашиш ҳам осонликча кечавермайди. Бунинг устига янги келин бу оила учун «бегона» ҳисобланади.

Келиннинг янги оиллага мослашиши унинг миждоз турига ҳам боғлиқ. Масалан, кўпроқ холерик миждозга мансуб бўлганлар тез мослашади. Биқоқ энгилроқ, тезроқ ва андишасиз келинларни янги оиллага мослашиши қийинроқ бўлади.

Янги шароитга осон мослашадиган ҳамда уни осонгина ўзлаштиришга тайёр бўлганлар сангвиник миждоздир.

Флегматик миждоз эса, вазмин, оғир карвон бўлгандан янги оила шароитига секинлик билан мослашади. Бир мослашиб олгандан кейин эса уни ўзгартиришни сира-сира истамайди, унча-мунча гап-сўзга парво ҳам қилмайди. Меланхолик миждозлар ҳам шунга яқин. Аммо сал нарсадан уларнинг руҳи тушиб кетади, бўлар-бўлмасга хафа бўлаверади. Руҳий жиҳатдан эса ниҳоятда сезгир бўлишади.

Ҳар бир миждоз турининг юқорида берилган қисқача шартли характеристикасини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олган қайнона-келинларнинг тил топиб кетишлари осон кўчади.

Баъзи қайноналар ўғлини келинидан қизғанади ва оқибатда келини билан келишолмай қолади. Бундай низолар, одатда, камфарзанд ёки ёлғиз ўғил отасиз оилада ўсган тақдирда кўпроқ учрайди.

ҚАЙНОНА-КУЕВ ОРАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

Келишмовчиликлар ичкуёв билан қайнона орасида ҳам кўп бўлади. Ичкуёв баъзи ҳолларда келин хонадонига моддий жиҳатдан қарам бўлади (ҳеч бўлмаганда уй-жой масаласида). Қайнона ҳаммаша ҳам зийрак ва андишали бўлавермайди. Куёвнинг психологик ҳушёрлиги ошади, эрки эса бирмунча қисилади. Буниси етмагандай, баъзан қайнона куёвга ноўрин гапларни айтиб юборади, кесатади (қизим, сенга айтаман келиним, сен эшит, қабилида). Бетийиқ қайнонанинг ёшларини оилавий ҳаётига бундай қўпол равишда аралашини турли низоларни юзага келтиради. Бундан келин ҳам оғир аҳволга тушади. Бир ёқда эри, иккинчи томонда туққан волидаси. Уртада қозилик қилишга, муросага келишга ҳаракат қилади. Бундай қобилият эса ҳаммада ҳам бўлавермайди. Келин оқибатда ё онаси, ёки эри томонига ўтади. Ҳар иккала ҳолда ҳам оила барбод бўлиши мумкин.

Шундай ҳолларнинг олдини олиш учун қайнона ёшлар ҳаётига ҳуда-беҳуда аралашавермаслиги, куёвнинг ҳам кўнглига қараши лозим. Баъзи қайноналар қизини куёвга рашк қилади. Оқибатда эса яна низолар пайдо бўлади. Бунда рашк қиз онанинг ёлғиз фарзанди эканлигидан келиб чиқади. Илгари қизи фақат онаси билангина маслаҳатлашган, дардлашган бўлса, энди улар орасига куёв киради. Қизнинг бутун диққат-эътибори куёвга — эрига қаратилади. Бунда қайнона куёвни рақиб деб билади. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатади. Қизининг олдида унинг обрўини туширмоқчи бўлади, камситади. Бундай ҳолларда баъзи қайноналар нима сабабдан куёвнинг қасдига тушиб қолганини ўзлари ҳам аниқ билолмайдилар, бунга турли баҳоналар топадилар. Аслида эса бунинг битта-ю-битта сабаби бор — рашк, фақат қизини қизганишдир.

Бунинг олдини олиш учун қизлар турмушга чиққанларидан сўнг, айниқса онаси билан бирга турадиган бўлса, ундан ўз диққат-эътиборини, фарзандлик меҳр-муҳаббатини дариг тутмаслиги, ёлғизлатиб қўймаслиги лозим. Қайноналар ҳам аввало, ўз ёшлиқларини эслашлари, қолаверса, қизининг куёвига меҳр-муҳаббати, эътибори улар оиласи бахт-саодатининг, истиқболининг гарови эканлигини унутмасликлари керак.

Айрим қайноналар онгсиз равишда куёвини ўз эри билан таққослайдилар. У бадавлатликда, жамиятда эгаллаган мавқеи ва бошқа баъзи бир жиҳатлари билан фарқ қилиши мумкин. Натижада қайнона назарида куёвнинг обрўи пасаяди. Қараб турибсизки, яна келишмовчиликлар чиқишига сабаб бор...

Бу каби нохуш муносабатларнинг олдини олиш учун қайнона ўзи турмушга чиққан чоғларида эри ким бўлганлиги, қандай яшаганларини холисона эслаши лозим.

ОТА-ОНА ВА БОЛАЛАР ОРАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

Бундай келишмовчиликлар учун замин бўлиб қуйидагилар хизмат қилади.

1) дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқ ҳисобга олинмаслиги;

2) ёшларнинг бўш вақтни мустақил ташкил этиши, дўстлар танлашдаги мустақиллиги, ҳиссиёт соҳасидаги мустақиллиги, модага, бугунги кун талабига мос кийиниши, касб танлашдаги мустақиллиги, умр йўлдо-

ши танлашда мустақиллик учун ота-оналари билан баъзан кураш олиб боришнинг хуш келмаслиги;

3) ота-оналар ичкиликка ружу қўйиши ёки ор-номусни йиғиштириб қўйиб, бузуқчилик қилиши;

4) баъзи болаларни меҳнат қилишга ўргатилмаганлиги ва бунинг оқибатида енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиши;

5) Айрим ёшларнинг фарзандлик бурчини унутиб қўйиши.

Ота-оналар ва болалар муносабатига оид юқоридagi каби камчиликлар натижасида оиладан ҳаловат йўқолади, ўртага совуқчилик тушади. Бунга қуйида бир неча ҳаётий лавҳалар келтириб ўтамиз.

«Бир кун кўчада кетаётган нуроний отахон менга мурожаат қилиб қолди:

— Ҳой қизим, тўхтанг, менинг қизимни танимайсизми?

Кўринишдан 60 ёшларга бориб қолган бу кишининг кўзларида ҳорғинлик сезилиб турарди.

— Вой, тоғажон-ей, бу ерда минглаб талабалар бўлса... Майли, сизга қўлимдан келганича ёрдам бераман: Қизингиз қайси куллийтда ўқийдилар, исмлари нима?

Отанинг гапига қараганда қизи филология куллийтида ўқир, анчадан бери на уйига борган, на турар жой адресини хабар қилган, на хат ёзган. Фарзандидан хавотир олган ота икки-уч кундан буён қизини гоҳ ётоқхоналардан, гоҳ куллийтлардан қидириб, топа олмаётганлигини айтди. Жигарпорасини излаб, бир неча тунларни бедор ўтказган, сарсон бўлган.

Мақола муаллифи М. Маъқулова билан отанинг қизи Ҳилолани икки кунлик қидириши зое кетди.

«... Тасодифан Ҳилолани кўчада «дўсти» билан кўриб қолдим. Салом-алиқдан сўнг отаси келиб, уни кўп излаганини айтдим. Ҳилола отаси билан кўришганини ва уйларига кузатиб қўйганини айтганда анча хотиржам тортдим. Шундай деб у мен билан хайрлашди-да, таз-тез юриб «дўсти» билан яна қаёққадир шошиб кетишди.

Ҳилолани учратган куним дорилфунун ёнида яна ўша ўйчан отахонни кўриб қолдим. У кишининг гапларидан шу нарса маълум бўлдики, «меҳрибон қиз» мени алдаган экан. Ота кўзида ёш билан қизининг имтиҳонларга бормаётганини, дарсларга қатнашмаётганлигини айтиб берди. Отахон фарзандини кўришга муштоқ эди». (Ёш ленинчи» газетаси, 1986 йил 7 май соҳи, 2-бет, «Фарзандлик бурчи»).

Маъмур қўлланманинг муаллифларидан бири ўн йилдан ортиқ вақт тиббий «тез ёрдам»да ишлаган. Хизмат жараёнида Тошкентда, Москвада юзлаб оилалар билан суҳбатлаган, уларнинг турмуш шароитларининг гувоҳи бўлган. Ўз фарзандлик бурчини етарли адо этмаётганлар, вояга етиб, оила қургандан сўнг ўзларининг кекса ота-оналарини қаровсиз, қисмат ҳукмига ҳавола қилиб қолдираётган боқибатларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганини кўрайимиз. Жамиятда катта мавқеларни эгаллаган баъзи олимларимиз ҳам фарзандлик қарзини узишни давлат зиммасига юклаётганликларининг гувоҳи бўлаяшимиз.

Фарзандлик бурчини қўятуринг-у, ичиб келиб, ота-онасига қўл кўтарадиган фарзандлар, ота-онасини шарманда қилаётган суюқоёқ фаҳшпарастлар борлигига нима дейсиз? Матбуотда бундайлар ҳақида кўпга ёзилаётганлиги, радио-телевидениеда эшиттириш ҳамда кўрсатув берилаётганлиги бежиз эмас.

б) ота-оналарнинг психологик-педагогик билим савиялари етарли даражада эмаслиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар;

— баъзи ота-оналар болаларда 3, 6, 13—14 ёшларда муқаррар равишда бўлиб ўтадиган кризисларни билмайдилар. Бу ёш босқичларида бола руҳиятида янги психологик қўшилмалар юзага келади. Бу эса уларнинг катталар, жумладан ота-оналар билан бўлган муносабатларида кўзга ташланади. Буни сезмаган баъзи ота-оналар болам ниҳоятда қайсар, қулоқсиз бўлиб қолди, деб ўйлайдилар. Бунга қарши ўзларининг чора-тадбирлар белгилашлари натижасида ота-она ва бола бир-бирларини тушунолмай қоладилар. Боланинг ота-онадан беъизи кузатилади.

ОИЛАНING МУСТАҲҚАМ БУЛИШИНИ ОЛДИНДАН БИЛИШ МУМКИНМИ?

Янги қурилаётган оиланинг келажаги ота-оналарнинг, шунингдек ёшларнинг ўзини ҳам қизиқтиради.

Турли ўй-хаёллар киши миясини чулғаб олади. Масъулият, ҳаётий тажриба ота-оналарни ўйлаб фикр-мулоҳаза билан иш тутишга ундаса, ёшларнинг бир-бирини севиб қолиши тез бир тўхтаб келишни тақозо қилади. Бундай масъулиятли дамда юзага келаётган оилани келажаги қандай бўлишини билиш учун ота-оналар, совчилар, бўлғуси келин-куёвлар қуйидаги никоҳ олди омиллариغا эътибор беришлари лозим.

НЕЧА ЕШДА ОИЛА ҚУРИШ КЕРАК?

Оилани мустаҳкам бўлишига таъсир қилувчи омиллardan бири оила қуриш ёши ҳисобланади. Психологлар тавсиясига биноан ниҳоятда эрта (16—17 ёшда) ва кеч (айниқса қизлар учун 28—30 дан кейин) оила қуриш мақсадга мувофиқ эмас. Ниҳоятда эрта ёшда оила қуриш ва иккисининг ҳам ёши 17—18 бўлиши йигитни оила бошлиғи сифатида шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин. Қиз бола 17, баъзан 16 ёшда ҳам оналик, уй бекалик вазифаларини бажаришга тайёр бўлиши мумкин, аммо 17 ёшдаги йигит ҳали тўлақонли оила бошлиғи вазифасини бажаришга тайёр бўлмайди. Масалани яна бир томон шундаки, у қиз томонидан бола сифатида тасаввур қилинади. Натижада бу тасаввур улар орасидаги оилавий муносабатларида ҳам ифодаланиб келин куёвни етарли даражада ҳурмат қилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Кеч оила қуришни мақсадга мувофиқ эмаслиги — ёш улғайган сари (айниқса қизларда) оила қуриш имкониятлари пасаяди, аммо турмуш ўртоғи танлашдаги мезонлар сони кескин ортади. Ҳар бир «номзоддан» турли камчиликлар топилаверади. Бу эса оила қуришни мураккаблаштиради.

Шу сабабли оила қуришдаги оптимал ёш даврини ўтказиб юбормаслик керак. Бу масалада шошилиш ҳам, кеч қолиш ҳам тақдирда тузатиш қийин бўлган хатоликларга олиб келиши мумкин.

НИКОҲГАЧА ТАНИШИШ МУДДАТИ ВА ОИЛА

Оиланинг бахтли келажагини белгилайдиган омиллardan бири никоҳгача бўлган танишиш муддати ҳисобланади. Танишиш муддати ниҳоятда қисқа бўлиши (3 ойгача) ёки жуда узоқ бўлиши (8—10 йилдан ортиқ) мақсадга мувофиқ эмас.

Танишиш муддати қисқа бўлса ёшлар бир-бирларининг феъл-атворларини яхши билиб олишликларига имконият бўлмайди ва турмуш ўртоғи танлашда хатоликларга йўл қўйилади.

Икки ёш никоҳгача узоқ йиллар давомида бир-бирларини билишлари туфайли турмуш қургандан сўнг тезда бир-бирларига тўйиб қоладилар. Бу ўз навбатида оилавий муносабатларга салбий таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам баъзан 10 йил бирга мактабда ўқиб, бир-бирларини ёшлиқдан билиб, оила қургандан сўнг 3—4 йилда ажралиб кетишади.

ОТА-ОНА ОИЛАСИ ВА НИКОҲ

Никоҳга ўз таъсирини кўрсатувчи муҳим омиллардан навбатдагиси ижтимоий хусусиятлари (маълумот савияси, маданий, ахлоқий савияси, моддий таъминланганлиги, қишлоқ ёки шаҳардан эканлиги) ва бошқалардир. Шунинг учун ҳам совчилар бу жиҳатларга алоҳида эътибор берадилар.

Н. Соғиновнинг Болтиқ бўйи давлатларида, Украинада ва ўзбек оилаларида олиб борган кузатишларига кўра куёв қишлоқлик, келин шаҳарлик бўлса оилавий низоларни кўпроқ бўлишига сабаб бўлади. Келинни қишлоқдан, куёвни шаҳардан бўлиши эса оилавий-муҳит ва муносабатлар нуқтани назардан ижобий омил ҳисобланади.

Куёв-келиннинг ота-оналарини моддий жиҳатдан таъминланиш даражаси ҳам иложи борича тенг ва бир-бирларига яқин бўлиши керак. Айниқса келин тушган оила (эрни оиласи) ўзининг оиласига нисбатан маънавий, маданий, иқтисодий жиҳатдан юқорироқ бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунда келин янги ойлага тез кўникиб кетиши мумкин.

Бу фақат илмий-тадқиқот ишларда эмас, балки ўзбек халқ ҳикматларида ҳам ўз аксини топган. «Қиз берсанг бир поғона юқорига бер, қиз олсанг бир поғона пастдан ол» деган сўзлар бунинг далилидир.

КУЕВ-КЕЛИННИНГ МАЪЛУМОТ САВИЯСИ ВА НИКОҲ

Москва, Нижний Новгород, Кишинев, Тошкентда рус, молдаван ва ўзбек оилаларида Н. Соғинов билан бирга олиб борган текширишларимизга кўра эр-хотиннинг маълумот савияси ва никоҳнинг мустаҳкамлиги оилавий муносабатларни соғломлиги орасида боғлиқлик борлиги аниқланди. Оилавий муносабатларни, психологик иқлимни соғломлиги, эрнинг маълумоти ва маданий савияси хотинниқига нисбатан юқорироқ бўлиши ёки тенг бўлиши керак. Буни акси бўлиб хотиннинг маълумоти эриникидан юқори бўлса, бундай оилаларда келишмовчиликлар нисбатан кўпроқ бўлади.

Бунинг сабаби нима? Сабаби аввало бир жинс психологиясида. Аёлларга хос хусусиятлардан бири турмуш ўртоғини ўзига нисбатан ҳар томонлама (маънавий, маданий, иқтисодий) устун бўлишини хоҳлаши, шундай бўлгандагина у ўз ёнида ҳақиқий эркак киши-

ни тасаввур қилади. Бу эса уларнинг ўзаро муносабатларига ижобий таъсир қилади. Эркак киши эса аёлини юқоридаги кўрсаткичлар бўйича ва айниқса маълумот жиҳатидан ўзига нисбатан пастроқ бўлишини хоҳлайди. Шундай бўлгандагина у ўзини ҳақиқий эркак сифатида ҳис этади. Акси бўлиб қолса эркак шахсида ҳам, аёл шахсида ҳам руҳий қониқмаслик кузатилади ва оилавий муносабатларга салбий таъсир қилади.

БАЙНАЛМИЛАЛ ОИЛАЛАР БАХТЛИ БУЛАДИМИ?

«Умр йўлдоши ўз миллат вакили бўлиши шартми, ўзга миллат кишиси билан «никоҳ» кемасида оилавий ҳаёт аталмиш катта океанга бир умрлик сафарга чиқиш мумкинми?» каби саволлар оила қуриш арафасида турган ёшларни ниҳоятда қизиқтиради.

Байналмилал оилалар, уларнинг истиқболи ҳақида қизгин мунозара, турли фикр ва қарашларнинг гувоҳи бўламиз.

Бу саволга жавоб бериш учун аввал москвалик социологларнинг Туркменистонда ўтказган илмий-тадқиқот ишларига мурожаат қилиш ўринлидир.

Тадқиқот натижаларига кўра бир миллатли оилаларга нисбатан байналмилал оилалар мустаҳкамроқ бўлган. Бунинг сабабини таҳлил қилиш психологларнинг ишидир.

Байналмилал оилаларнинг нисбатан мустаҳкам бўлиши эр-хотиннинг турли миллат вакили эканлигида эмас, балки уларнинг оиласи кучли муҳаббат ҳислари замирида юзага келганида. Бир миллатли туркман оилалар, шу жумладан ўзбек оилаларининг кўпгина қисми Н. Соғинов билан ўтказган тадқиқот натижаларига кўра совчилар ёрдамида қурилади ва бундай оилалардаги келин-куёвларда бир-бирларига нисбатан севги-муҳаббат ҳислари шаклланмаган бўлади.

Оилавий ҳаётда учрайдиган майда-чуйда келишмовчиликлар бир-бирларини севадиган эр-хотинлар орасида тез ҳал бўлади. Чунки севишган икки қалб бир-бирини хафа қилмасликка ҳаракат қилади. Севги-муҳаббат ҳислари ҳали шаклланмаган, бир-бирларини яхши билмаган ота-она, ака, опаларини маслаҳати билан оила қурган ёш эр-хотинлар орасидаги келишмовчиликларнинг бартараф бўлиши бирмунча қийин бўлади. Шу сабабли ҳам бундай оилалар доим ҳам мустаҳкам бўлавермайди. Аммо байналмилал оилаларни ҳам икки ёш даврида ҳавф-хатар кутади. Биринчи-

си ёш оилада бўладиган эр-хотин орасидаги низоларнинг сабабини миллатдан қидирмаслик, низога миллий тус бермаслик керак. Ўз миллати бўлса балки 10 баробар ёмон бўлур эди, лекин сабабини миллатдан тополмас эди. Иккинчи хавф ёшлари 50—55 га етганда кузатилади. Ҳиссиётнинг сўниши, болаларининг катта бўлиб мустақил оила қуриши, урф-одатларнинг таъсири, ҳасталиқ ва бошқаларнинг ҳаммаси мужассам бўлиб оилавий муносабатларни синовдан ўтказиши. Асли бу ёш босқичида миллатидан қатъи назар ҳар бир оила синовдан ўтади, аммо байналмилал оилаларда эр-хотин бунга миллий тус берадилар, натижада айбдор байналмилаллик бўлиб қолади. Оила маълум ёшларда икки довондан ўтишини ёшларга олдиндан тушунтириш ва юзага келаётган байналмилал оилаларга бундай вақтда низо сабабларини миллатдан, миллий тафовутдан қидирмасликка ўргатиш керак.

ОИЛАДАН ҚИМ НИМАНИ КУТАДИ?

Никоҳнинг мустаҳкамлигини ва оила бахтини белгилаши мумкин бўлган энг муҳим омиллардан бири оила қуриш мотиви (майли, мақсади, ундовчи куч) ташкил этади.

Юқорида айтганимиздек, аскарият оилалар барча халқларда, шу жумладан ўзбекларда ҳам ёшларнинг бир-бирларига бўлган севги-муҳаббат ҳислари асосида юзага келади. Ўзбек оилаларнинг кўпчилиги ота-оналарни ўз фарзандларига берган тавсиясига кўра қурилади.

Айрим ёшларни бўлғуси турмуш ўртоғининг моддий жиҳатдан таъминланганлиги, данғиллама уйи, машина ва бошқа моддий бойликлари қизиқтиради. Баъзи гуруҳ ёшлар (айниқса аёллар) фарзандли бўлиш, ҳаётда ёлғиз қолишликнинг олдини олиш мақсадида оила қурадилар. Баъзан ҳомиладор бўлиб қолиб, туғилажак болани отасиз қолишини олдини олиб оила қурадилар. Қам бўлсада ҳаётда учраб турадиган оила қуриш турларидан, яна бири севгилисига аччиқма-аччиқ дуч келган киши билан оила қуришдир. Бу турдаги оила кўпинча мустаҳкам бўлмайди. Оилавий муҳит ниҳоятда носоғлом бўлади.

Баъзи аёлларда (айниқса қизларда) таниқли артист, актёр, хонанда, шоир, ёзувчи, бастакор, спортчи ва шу каби таниқли шахсларга турмушга чиқишга иштиёқ

кучли бўлади. Бунда ёшларни оила қуришга етакловчи асосий куч номзоднинг машҳурлигидир.

Баъзи ёшлар (аксарият қизлар), ота-оналар билан бўлган муносабатлари ниҳоятда низолилигидан ёки оилавий муҳит бениҳоя соғлом эмаслигидан ота-онасидан қочиш мақсадида дуч келган, қалбини таклиф қилган одамга турмушга чиқиб кетишга тайёр бўлишди ва шу асосда оила қуришади. Бу ўз оиласидан қочиш мақсадида оила қуриш ҳисобланади.

Оила қуриш мотивлари ичида бошқа шаҳардан келган уй-жойи йўқ ёшлар никоҳ туфайли жойли бўлиш мақсадини қўйишади.

Ўзбек миллатида кенг тарқалган мотивлардан бири ота-она орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариш, уларни хоҳиш-истагига бўйсунтириш, улар ишончини оқлаш мақсадида оила қуришдир.

Баъзи аёлларда альтруизм ҳисларига бўйсуниб маълум шахсни бахтли қилиш (ноғиронларни ёки ўта севган кишини, ваҳоланки унга нисбатан аёлда жавоб севги ҳислари бўлмаса-да) мотивини кўришимиз мумкин.

Умуман мотивлар қандай бўлишидан қатъи назар маълум конкрет оила бахтли ёки бахтсиз бўлиши, мустаҳкам ёки заиф бўлиши мумкин.

Бу кўп жиҳатдан эр-хотиннинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасавурларини объективлилигига, оилавий бурчини шаклланганлигига, оила олдидаги масъулият ҳисларига, мулоқот маданиятига боғлиқдир. Баъзан кучли муҳаббат асосида юзага келган оила қисқа вақтда ажралиб кетиши ва, аксинча, моддий бойликка қизиқиш асосида тузилган оила мустаҳкам ва бахтли бўлиши мумкин. Лекин барибир, юқоридагилар ичида айрим мотивлар оилага ижобий таъсир қилса, бошқалари салбий таъсир қилишини кўпроқ кузатиш мумкин.

— болаларнинг баъзи фанлар бўйича бўш ўқиши, ўзлаштира олмасликлари асосида юзага келадиган низолар;

— айрим ота-оналар болаларнинг хоҳишини, лаёқатини имконият ва қобилиятларини ҳисобга олмасдан, мусиқа, чет тилларини ўрганиш ёки математикани чуқур ўргатувчи мактабларга берадилар. Бир вақтнинг ўзида ҳам мусиқа, ҳам спорт турлари билан шуғулланишга мажбур қиладилар. Бу ҳол баъзи болаларнинг асаб системасига салбий таъсир кўрсатади. Бола ота-онадан порози бўлади ва турли низолар юзага келади.

Албатта бундай фаолият турлари билан шуғулланиш ҳар бир ёш авлод учун фойдалидир. Чунки бу боланинг ҳар томонлама шаклланишига ёрдам беради. Аммо боланинг индивидуал хусусиятларини, туғма лаёқатини ҳисобга олмасдан унинг камолоти йўлида яратиб берилган имконият ҳатто зарарлидир.

Ибтидоий бобокалонларимиз илк оилани ўзларининг «шинам» ғорларида яратганлар. Бугунги кунда оилалар қишлоқлардаги боғли-ишкомли ҳовлиларда-ю, шаҳарлардаги осмонўпар биноларда, баъзи бир ёшлар ибораси билан айганда, «комфортли» квартиралар бағрида камол топмоқда. Юзаки қараганда, оила ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди-ю, одамзод авлодларини мангулик томон элтаверади. Шундаймикан? Ундай бўлса, салқам қирқ йилдан буён урушсиз, тинчлик даврида яшаётган жамиятимизда етим болалар уйлари-нинг камайиши эмас, балки кўпайишини нима билан изоҳлайсиз? Балоғат ёшига етмаган болалар ва ўсмирлар қамоқхоналарида бугунги кунда 29 мингдан зиёд маҳбуслар сақланаётганини-чи? Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида тартибот ходимларининг кўп сонли отрядларидан ташқари бу ишга 500 га яқин кўнгилли халқ дружиначиларига бирлашган 19 мингга яқин жамоатчиларнинг аҳоли тинчлиги, осойишталигини сақлаш учун вақти-вақти билан ўқиш ёки ишларини йиғиштириб қўйишга мажбур бўлаётганини-чи? Эр-хотинларнинг мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзаётган қўйди-чиқдилари-чи? Инсон меҳнатини енгиллаштирадиган юксак техника воситалари ижод қилиши мумкин бўлган қанча-қанча олимларнинг ажал қуроллари яратиш устида заҳмат чекишга мажбур бўлаётганини қандай тушуниш керак?

Инсон қалби табиат ва жамиятнинг биринчи ҳамда сўнгги мўъжизасидир. У тошни ҳам сув қиладиган, оддий қаро тупроқни алвон гулга айлантирадиган меҳр-муҳаббат учун яралган. Инсон қалбидан вақти-вақти билан меҳр-муҳаббатнинг чекиниши, унинг ўрнини ғазаб, қаҳр, алам, нафрат, адоват, ҳасад каби жамиятнинг меваги дарахти илдизларига болта урадиган қаттол ҳиссиётлар эгаллашининг боисини қаёқдан ахтармоқ керак? Саволлар, саволлар, саволлар кўп. Жавоби эса битта — оила. Аниқроғи, юқоридаги саволларга жавобни оиладан, одамзоднинг азалий-абადий муаммоси бўлган оиладан ахтармоқ керак. Ўзингизга таниш бирор кишини кўз олдингизга келтиринг. Уни мавҳум тушунча бўлган жамият деб, тасаввур қилинг. Оила

эса, ўша одам вужудидаги ҳужайра. Меҳр-муҳаббат одам организмни камол топтирадиган зарурий витаминлардир. Қаҳр-ғазаб, адоват, нафрат, ҳасад каби ҳиссиётлар эса ҳужайраларга илашиб, уларни касаллантирадиган вируслар. Физик олимлар табиат сирларини кашф этиш, кашфиётларини инсонга хизмат қилдириш учун бир замонлар бўлинмас ҳисобланган атомнинг юрагига электрон, протон, нейтрон кабилар орқали кириб бордилар. Инсон маънавий олами билан шуғулланувчи олимлар ҳам жамият ҳужайраларига кириб бормоқда, касаллантирувчи вирусларни синчиклаб ўрганмоқда, улардан жамият организмни фориг қилиш йўллари ва усуллари устида бош қотирмоқда.

НИКОҲДАН ТАШҚАРИ ЖИНСИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Кейинги йилларда никоҳдан ташқари жинсий алоқаларнинг бирмунча кўпайгани кузатилмоқда. Шунинг учун уни келтириб чиқарадиган асосий сабаб ва омиллар устида қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Чунки ҳар бир кўнгилсиз оқибатни бартараф этиш, унинг олдини олиш аввало, уни келтириб чиқарган сабабни билншга боғлиқдир. Сабаблар эса қуйидагилардан иборат.

1. Тумуш ўртоғи билан бўлган жинсий ҳаётдан қониқмаслик;

— эҳтиёжларнинг мос келмаслиги;

— билим, кўникма ва малакалар орасида катта тафовут мавжудлиги;

— турмуш ўртоғининг касаллиги, эркакдаги жинсий ожизлик, аёлларда учрайдиган фригидлик—жинсий совуқлик ва ҳоказолар.

2. Турмуш ўртоғига нисбатан муҳаббат ҳислари (симпатия ёки умуман қарама-қарши жинсга нисбатан бўладиган ижобий ҳислар) нинг йўқлиги.

— мажбуран турмуш қуриш (турмушга чиқиш ёки уйланиш);

— совчилар орқали шошилиш оила қуриш;

— моддий қизиқиш, бойликка учиб оила қуриш.

3. Турмуш ўртоғидан тўйиниш. Бу ҳол турмуш қургандан сўнг 2—3 йил ўтгач ортади. Кўпинча бу турмуш ўртоғининг жинсий ҳаётга ижодий ёндашмаслиги асосида янада кучайиши мумкин.

4. Ўзга аёл ёки ўзга эркакни севиб қолиш натижасида.

5. Моддий, иқтисодий, иш юзасидан тобелиги асосида содир бўладиган хиёнат (масалан, секретарлар ўз бошлиқлари билан, ёш артистлар, актерлар режиссер-постановкачи, баддий раҳбар билан, аспирантлар илмий раҳбарлари билан).

6. Илгариги дўстлари билан бўладиган хиёнат.

7. Спиртли ичимликлар таъсирида рўй берадиган хиёнат.

8. Бегона билан алоқа қандай бўлишига қизиқиш натижасида рўй берадиган хиёнат.

9. Бир-бирига ачиниш натижасида (кўпроқ аёлларда кузатилади) рўй берадиган хиёнат. Бундай ҳолларда эркак киши ҳаётидан, оиласидан, хотинидан нолиб, ўзини «бевафо» хотиннинг ва бахтсиз тақдирнинг қурбони қилиб кўрсатади ва ўзга аёлда ўзига нисбатан ачиниш ҳисларини пайдо қилади. Шунда аёл эркакка ачинса, раҳм қилса, эркак илтимос қилса, хиёнатга осонгина қўл уради.

10. Ўзининг кимлигини ўзгаларга кўз-кўз қилиш, кўрсатиб қўйиш туфайли рўй берадиган хиёнат. Бундай шахс дўстлари орасида обрў орттиришни мақсад қилиб қўяди ва кўзлаган кишинини ўзига жазман қилиб олади. Бундай киши учун жазманнинг эстетик томонлари эмас, балки уларнинг сони муҳим ҳисобланади. Баъзи шахслар ҳатто маҳсус блокнот тутиб, қанча жазман билан бирга бўлганини ҳам ҳисобга олиб боришади.

11. Оиладаги психологик келишмовчилик оқибатида эр ёки хотин бир-биридан совий бошлайди. Шунда улардан бири ёки иккаласи ҳам хиёнат йўлига киради.

12. Эрнинг хотинига ёки аёлниги эрига жаҳл қилиши, аламини олиш, ўчини олиш мақсадида ўзга одам билан бўлиши. Бу мазмунан психологик келишмовчиликнинг бир кўриниши бўлса-да, келтириб чиқарган сабаблари бўйича тубдан фарқ қилади.

13. Ўзига хос ахлоқий қарашлар асосида юзага келадиган хиёнат. Оилада ўзини ниҳоятда эркин тутиш ва хоҳлаган вақтда, хоҳлаган одами билан жинсий алоқада бўлиш ва бу «иш» га табиий ҳол сифатида қараш. Бундай қарашлар кўпинча ёшлиқда, яқин кишилари таъсирида шаклланади ва оила қургандан сўнг ҳам унинг хулқ-атворида ўз таъсирини кўрсатаверади. Бу кўпроқ эркакларда учрайди. Шаҳар шароитида эса аёллар ўртасида ҳам етарлича кузатилади. Бунинг икки хил: яширин ва ошкор кўринишлари мавжуд.

14. Эр ёки хотиндан бирининг узоқ муддат оиладан четда яшаши, уларнинг бирга бўлмасликлари: ҳарбий хизматда, узоқ жойларда командировкада бўлиши, қамоқда бўлиши ва бошқалар.

15. Ёшлиқдаги муҳаббат ҳислари асосида.

16. Фарзанд кўриш мақсадида (агар эр ёки хотиндан бири шундай хусусиятдан маҳрум бўлса).

17. Бўш вақтини «яхши кайфият» билан ўтказиш истаги асосида.

18. Маълум сирнинг очилишидан кўрқиб, сирни очиши мумкин бўлган шахс билан мажбуран бирга бўлиш ва бошқалар.

Хиёнатни осон юзага келтирувчи омилларга қуйидагилар киради:

1. Демографик омил. Маълум жойларда жинслар орасидаги мувозанатнинг кескин фарқ қилиши, яъни «куёвлар шаҳари» ёки «келинлар шаҳари»нинг мавжудлиги.

2. Катта шаҳарлардаги «аноним ҳаёт» кечириш (айниқса бошқа шаҳар ва қишлоқлардан келганлар учун).

3. Алкоголь ва наркотик моддалар истеъмол қилиш.

4. Жинсий ҳаёт масалалари ва жинсе психологизацияси бўйича саводсизлик ёки билимларнинг қуйи савияда эканлиги.

5. Кескин ифодаланган жинсий дисгармония.

6. Узоқ вақт айрилиқда яшаш.

Умуман олганда хиёнат, вафосизлик қилиш шахснинг маънавий пастлиги, тарбиясизлиги, ахлоқий бузуқлиги натижасидир.

ЭРИНГИЗНИ ХИЁНАТДАН САҚЛАМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ...

Э. Жнабль кузатишларига кўра, Германияда аёлларнинг 25 фоизи ва эркакларнинг 43 фоизи оиласи бўла туриб, бир ёки бир неча бор ўз турмуш ўртоқларига хиёнат қилган. Ёш улғая борган сари бу кўрсаткич эркакларда кескин ўсиб, аёлларда камроқ кузатилади (40—50 ёшларда 49 фоизни ташкил қилади). Эркакларда асосий рўкач — хотинидан тўйиш, у билан бўлган муносабатларнинг оддий одатга айланиб қолиши, ҳиссий тўйинишнинг аёлларга нисбатан олдинроқ кузатилишидир. Масалан, 20—30 ёшли эркакларнинг хиёнат қилиши атиги 13 фоизни ташкил қилган. Аёллардаги асосий рўкач эса эри билан бўлган жинсий

ҳаётдан қониқмасликдир. Бунинг далили сифатида қуйидаги рақамларни келтириш мумкин: 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган оидаларда аёлларда хиёнат 7 фоизни, 30 дан 40 ёшгача — 17 фоизни ташкил қилган бўлса, 40 дан 50 ёшгача — 26 фоизга етади. Биз бу ўринда аёлларга баъзи маслаҳатларни бериб ўтмоқчимиз. Булар эркак хиёнат йўлига кириб кетишининг олдини олади, деб ўйлаймиз.

1. Ўз кийинишингизга алоҳида эътибор беринг, эркак кўзи билан «севишини» унутманг. Эркаклар кўз билан севар экан, деб уйда ич кийимда юришни ҳам одат қилманг, чунки бу билан эркакларда ҳиссий тўйиниш юзага келишига йўл қўйган бўласиз.

2. Жинсий ҳаётда ҳиссиётни ифодалашга саҳий бўлинг, жинсий ҳаётга ижодий ёндашинг, акс ҳолда жинсий эҳтиёжни қондиришда одамнинг ҳайвондан фарқи қолмайди. Эрингизнинг жинсий эҳтиёжини ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олинг. Миннатдорчилик ва мақтов сўзларига зиқна бўлманг.

3. Эрингизнинг дўстлари билан самимий муносабатда бўлинг (агар улар ичкиликбоз, гиёҳванд ёки бузуқ одамлар бўлмаса), эрингизни улар билан бирга бўлишига кўп тўсқинлик қилманг, уларга нисбатан рашк қилманг.

4. Ҳафтада бир кун кечқурун эрингиз оила ва ўзга ишлардан озод бўлиб, вақтини ўзи хоҳлаганча ўтказсин, бу ҳаммада табиий кузатиладиган чарчашни ёзишга имкон беради.

5. Меҳнат отпускарини ҳам иложи борида турли вақтларда олиб, алоҳида ўтказишга ҳаракат қилинг. Чунки бу маслаҳатлар бир-бирингизга тўйинишдан ташқари бир-бирингизни асоссиз рашк қилишдан сақлаши мумкин.

Хотинни хиёнат қилишдан сақлаш ва асоссиз рашкдан халос бўлиш учун эркаклар қуйидагиларни унутмасликлари керак:

— жинсий ҳаётда етакчи ижрочи — эркак киши, шу сабабли у хотинига нисбатан жинсий ҳаёт масалаларида ниҳоятда саводли бўлиши, жинс психологизациясини яхши билиши шарт;

— оилавий ҳаётда рашк асосида жинсий ҳаёл-парастиликка берилмаслик, пашшадан фил ясамаслик, рашк таъсирига маҳлиё бўлмаслик лозим; — рашк психологизациясини яхши билиш ва бу билимларни ҳаётда қўллай олиш лозим;

— рашк ҳисларининг қулига айланмаслик учун эркаклар ўзларида матонат, ирода, ўзига ишонч ва турмуш ўртоғига ишонч ҳисларини тарбиялаб боришлари лозим;

— ўз турмуш ўртоғига ишонмай, у билан бирга ишлайдиган кишилардан «қоровул», «назоратчи» қўймаслик керак, чунки бу масалага ҳар бир одам ўзича ёндашиши, нотўғри хулоса чиқариши, баъзан эса онгли равишда оилавий ҳаётнинг бузилишига ёрдам бериши мумкин;

— дуч келган одамнинг гапига ишонавермаслик, асоссиз ахборотга қуроқ солиб, уйда уриш-жанжал кўтармаслик, айниқса, болалар олдида бу масалага эҳтиёт бўлиш зарур.

III БОБ

ЖИНСИЙ ҲАЁТ ПСИХОФИЗИОЛОГИЯСИ

Жинсий ҳаёт масаласи барча миллат халқларини қизиқтириб келган. Чунки инсоният пайдо бўлибдики, бу масала ҳаётининг эҳтиёж ҳисобланади. Хусусан, ҳозирги кунларда жинсий тарбия, аёл билан эркаклар ўртасидаги муносабат, эр-хотинчилик масалалари жиддий аҳамиятга молик бўлиб қолди. Шунга қарамай, бу масалага оид илмий-оммабоп рисоалар кам, бўлганда ҳам жуда оз нусхада чоп этилади ва кўпчилик одамлар улардан баҳраманд бўла олмайдилар. Бунинг устига ёш йигит-қизларга жинсий тарбия, жинсий ҳаёт масалаларидан таълим берадиган, уларга мураббийлик қиладиган ўқитувчилар ва ота-оналарнинг ўзлари бу масалада деярли саводсиздирлар. Энг ёмон томони шундаки, ота-оналар, қариндош-уруғлар, ҳатто мураббийлар йигит-қизлар билан бу борада гаплашишни шармандалик, ҳаёсизлик деб ҳисоблайдилар, баъзан эса нодонлик шу даражада бўладики, ёшларга жинсий ҳаёт масалаларидан панд-насиҳат қилинса, уларнинг ахлоқи бузилар, юз-кўзи очилиб, ёмон кўчаларга кириб кетар эмишлар. Шубҳасиз, бундай саводсиз нодон тушунчалар мазкур масалани ҳал қилишга тўсқинлик қилади.

Биз ушбу китобчада худди мана шу масала устида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, жинсий тарбияда шарм-ҳаё, одоб-ахлоқ

тушунчалари муҳим роль ўйнайди. Ўзбек халқи азалдан андишали, шарм-ҳаёли ва одоб-ахлоқ бобида кўпгина халқларга ўрнак бўлиб келади. Хусусан, эр-хотин болалар олдида ниҳоятда эҳтиёткор бўлишади.

Эр-хотин ўртасидаги жинсий муносабатларда ана шу одат—ўта эҳтиёткорлик қилиш фойда ўрнига зарар келтиради, чунки бола ўзи жуда-жуда қизиққан саволларига ота-онасидан жавоб ололмай, бошқа йўл қидиради, жинсий ҳаёт масаласида «билимдон» бўлган одамлардан нотўғри маълумот олади. Кейинчалик боладаги баъзи бузилган тушунчаларни ҳаёт мобайнида тўғрилаш ниҳоятда қийин бўлади. Қизиғи шундаки биз болаларни ёшлигидан ҳар бир нарсага: кўкракни эмишдан тортиб юришга, ёзишга, ўқишга ўргатамиз. Бироқ ҳаётимизда ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган, бирмунча мураккаб ҳисобланган жинсий ҳаёт масалаларига ўргатишни уят деб биламиз, жинсий тарбияда жинс анатомияси, қисман физиология ва гигиенадан ташқари чиқмаймиз ва бу масалада болаларни ўз ҳолига ташлаб қўямиз, ҳолбуки сўнгги йилларда ёшларда бу масалаларга қизиқиш жуда ортиб бормоқда. Ёшлар сўнгги 10—15 йил ичида муддатидан 4—5 йил олдин болоғатга етаяпти, яъни илгари 19—20 ёшли қиз-йигитларнинг ўзаро муносабатларини ҳозирги кунда 14—15 ёшли қиз ва ўғил болаларнинг ўзаро муносабатларида кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, балоғат ёшига юридик жиҳатдан етмасдан жинсий ҳаётни бошлаш ҳоллари кўпаймоқда, бу соҳадаги билимларнинг ниҳоятда паст савияда қолиб келаётганлиги туфайли, ўқувчи қизларнинг маълум қисми мактаб ёшидаёқ ҳомиладор бўлиб қоляпти, турли таносил касаликларини, СПИД ни орттиряпти, ўз-ўзини даволаш натижасида бу касалликлар сурункали (хроник) турга айланиб кетаяпти, ёшликда бола тушириш натижасида қизлар кейинчалик фарзанд кўрмайдиган бўлиб қолишяпти, бу эса ҳаётини фожиага, оилавий ҳаётнинг бузилишига олиб бормоқда ва ҳоказо.

Аёл билан эркак (эр ва хотин)нинг билим савияси кескин фарқ қилиши (айниқса аёл кенг, чуқур билимга эга бўлган ҳолда эркакнинг саводсизлиги), жинсий қониқмаслик ва унинг мунтазам равишда давом этиши туфайли оилада турли жанжаллар келиб чиқади, бунда оилавий жанжаллар арзиматан, бутунлай бошқа нарсадан бошланади, лекин аслида унга жинсий қониқмаслик сабаб бўладики, буни баъзан ҳатто жанжаллаша-

ётган эр-хотиннинг ўзи ҳам билмайди. Аёлларда неврозлар, мутассил равишда жинсий қониқмаслик натижасида, эркакларда эса асаб бузилишига оид жинсий ожизлик — импотенция пайдо бўлади. Бу эса бора-бора вафосизликка, турмуш бузилишига сабаб бўлади. Албатта бундай ҳолларга йўл қўйиб бўлмайди, демак эр-хотиннинг жинсий ҳаёт масаласига оид билимини ошириш керак. Буни албатта ёшлардан бошлаш зарур.

Боланинг ҳар бир саволига; мазмуни қандай бўлишидан қатъи назар, бақирмай, койимай, танбеҳ бериб уялтирмай, ётиги билан жавоб бериш керак. Агар бола меҳмонлар олдида ўринсиз савол берса уни меҳмонлар олдида уялтирмасдан, улар кетгандан сўнг тўғри ва тўлиқ жавоб бериш зарур. Бола бирор нарсани сўраганда «ҳали ёшсан», «катта бўлганингда биласан», «бунинг ҳеч қандай қизиқ жойи йўқ», «сўнгги найтларда бундай саволларни кўп берадиган бўлиб қолдинг, тинчликми ўзи?» қабилидаги гаплар билан саволдан қочмаслик лозим. Агар жавоб беришга билимингиз етарли бўлмаслигидан қийналсангиз, маълум вақтдан сўнг жавобини топиб, яъни мутахассислар билан маслаҳатлашиб, кейин болага айтсангиз яхши бўлади.

Бола билан бўлиб ўтган савол-жавоб сирлигича қолиши керак. Танаффусда бирор қиз ниманидир сўраган бўлса, ўқитувчи дарсада уни асло бутун синфга айтмаслиги лозим. Афсуски, ўқитувчилар ёки ота-оналар ўртасида шундай ҳодисалар учраб туради. Бундай ҳолларда бола ўқитувчисидан ёки ота-онасидан иккинчи марта сўрамайди ва ўз саволига жавобни бошқалардан қидиради. Боланинг саволига аниқ ва тўла-тўқис жавоб бермоқ лозим.

Мактабларда жинсий тарбия минимум программа (ота-она) ва максимум программа (ота-она, ўқитувчилар, врачлар) иштирокида олиб борилиши зарур. Ўқувчиларга жинсий тарбия беришга, ёшларимизнинг бу соҳадаги билим ва тасаввурларини бойитишга қаратилган, уларни махсус билимлар билан қуроллантиришни мақсад қилиб қўйган адабиётлар (айниқса ўзбек тилидаги адабиётлар) асосан жинс анатомияси ва қисман жинс физиологияси ҳақида тушунча берган. Афсуски, жинс ва жинсий органлар анатомияси билан физиологиясини ўқувчилар юқори синфларда ўтадилар. Аммо ҳаётда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган жинсий ҳаёт тузилиши, унинг таркибий қисмлари, жинсий психофизиологик тафовутлар, бу тафовутларнинг жинсий алоқага, эр-хотиннинг жинсий қониқиши-

га, таъсири, аёлларнинг жинсий ҳаётдаги ўзига хос хусусиятлари, эркакларнинг ўзига хос жинсий хусусиятлари, жинсий эҳтиёжлардаги тафовутлари ва индивидуал хусусиятлари ҳамда шунга ўхшаш ёшларни ниҳоятда қизиқтирадиган, уларнинг оилавий ҳаёти учун зарур бўлган бир қатор билимлар деярли ёритилмайди.

Шуларни ҳисобга олиб, мазкур қўлланмада муаллифлар юқоридаги бир қатор масалани ёритишни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Бу масалаларни ёритиш ниятининг пайдо бўлишига яна бир сабаб—«Оилавий турмушнинг этика ва психологияси» курсини олиб борувчи ўқитувчиларга ўқувчилар томонидан ниҳоятда кўп саволлар беришидир. Ўқитувчининг билими эса баъзи ҳолларда ёшларниқидан камлик қилади. Бу унинг ўқитувчилик обрўси ўқувчилар олдида сўзсиз бирмунча тушишига, бераётган дарси сифатининг пасайишига олиб келади. Натижада курс ўз мақсадига эришмаслиги мумкин. Бошқа фанлардан ўқитувчилар тайёрлашда ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимлар билан қуроллантирилади. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси курсидан эса ўқитувчилар етарли чуқур билимга эга бўлмаганликлари учун баъзи ҳолларда юқорида айтганимиздек, улар мураккаб вазиятларга тушиб қолишади. Шуларни ҳисобга олганда бу курс бўйича унинг янгиллигини, турли соҳалардаги билимларни ўз ичига қамраб олганлигини, махсус мутахассисларнинг бу соҳадаги билимлари етишмаслигини ҳисобга олиб қуйида ниҳоятда зарур бўлган, ҳатто махсус адабиётларда ҳам етарлича ёритилмаган ҳаёт масалаларини кўриб чиқамиз.

ЛИБИДО, ЭРЕКЦИЯ ВА ФРИКЦИЯ БОСҚИЧЛАРИ

Жинсий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган босқичлар қуйидагилардан иборат: либидо—хоҳиш—истак, ҳирсининг юзага келиши; эрекция—қўзғалишнинг юзага келиши; фрикция—жинсий алоқа пайтидаги ҳаракатлар, оргазм; рефракция—рефрактер босқич. Бу босқичлар жинсий алоқанинг муҳим таркибий қисмлари бўлганлиги учун уларнинг аёл ва эркакларда ўзига хос ифодаланиши, хусусиятлари устида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Либидо қарама-қарши жинсга бўлган интилиш, маълум шахс билан жинсий яқинлик қилиш истаги.

эркакларда аёлларга нисбатан осонроқ, тезроқ юзага келади. Либидонинг юзага келишида эркаклар учун аёл дийдорини кўришнинг ўзи кифоя.

Ингит киши аёл дийдорини, қадди-қоматини, кийimini кўриб, тезроқ ҳис-ҳаяжонга тўлади, ҳирси кучаяди, бинобарин либидонинг юзага келишига кучли таъсир қилади.

Либидонинг аёлларда бирмунча кеч пайдо бўлиши, ҳис-ҳаяжонининг суст юзага чиқиши эркакларга нисбатан бирмунча кучсиз ва давомлироқ бўлади, бунга уларнинг ҳиссиётига психологик компонентнинг физиологик компонентга нисбатан устунлиги сабаб бўлади.

Эрекция босқичи—қўзғалишнинг юзага келишидан бошланиб, жинсий алоқага тайёрлангунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу босқичда аёл жинсий органларида бир қатор ўзгаришлар юзага келади; қин намланади, клитор (жинсий органларнинг қон билан таъминланиши кучайиши ҳисобига), катта ва кичик уятли лаблар катталашади, секреция безлари, айниқса жинсий аъзо безларининг иши зўраяди, тана қизийди, баъзан тери шиллиқ қавати қизаради ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар пайдо бўлади.

Эркакларда эрекция пайтида жинсий аъзога қон келиши кўпаяди, учта говаксимон таначанинг қон билан таъминланиши ҳисобига жинсий олат 3—4 барабар катталашади ва ниҳоятда таранглашади. Олатнинг бундай катталаниши, унинг қон билан таъминланишига, аниқроғи қон томирларининг қаерда жойлашишига боғлиқ бўлади. Барча органларда артерия чуқурроқ, вена юзароқ жойлашган бўлса, олатда бунинг акси бўлади. Артерия юзароқ жойлашган бўлиб, венанинг чуқурроқ жойлашиши натижасида говаксимон таначалар қонга тўлиб, венани қисиб қўяди ва шунинг ҳисобига қоннинг венадан юриши қийинлашади, бу эса жинсий аъзони янада шиширади ҳамда унинг бир неча бор катталаниб, ниҳоятда таранглашишига олиб келади. Эрекция босқичида либидо жуда ҳам кучаяди.

Эрекция босқичи эркакларда аёлларга нисбатан қисқа вақтни ташкил этади, чунки улар бирмунча тез ва осон қўзғалади. Ҳатто баъзан олатни шунчаки ишқаланишининг ўзидаёқ беихтиёр эрекция ҳолати юзага келади. Баъзан маълум бирорта аёлни кўргандаёқ, жинсий алоқа истагини ўйлаш ёки бирор таниш, ёқимли ҳиднинг сезилиши ҳам эрекция пайдо қилиши мумкин.

Аёлларнинг аксариятида эрекция кўп вақт талаб

қилади, эркакларга ўхшаб, беихтиёр эркак кишини кўргандаёқ юзага келавермайди, чунки уларда психологик компонентнинг устуңлиги эрекцияга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Аёлларда эрекция пайдо бўлиши эркакнинг шириң гапиришига, силаб-сийпашига, жойнинг холи бежавотир бўлишига эркакнинг бўсалар олиб, эроген зоналарни силашига, баданнинг ва ўриннинг тозаллиги ва хушбўйлиги каби бошқа кўпгина сабабларга боғлиқ бўлади. Бу албатта эркак кишига ҳам баб-баробар тааллуқлидир, лекин аёл учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Эрекция босқичида ҳирс кўзғалиши билан эркаклар аёллардан фарқ қиладилар, яъни эркак киши иложи борича ҳирсини тезроқ қондиришга ҳаракат қилади, аёл киши эса бу вақтни мумкин қадар чўзади, жинсий алоқани бошлашга шошилмайди, чунки аёллар бу вақт қанчалик чўзилса, шунча кўп лаззатланадилар.

Буни йигитлар яхши билишлари ва жинсий алоқада ҳисобга олишлари керак. Аёлда эрекция босқичи тўлиқ ўтмагунча, кўзғалиш интиҳосига етмагунча эркак киши жинсий алоқани бошламаслиги керак. Аёлда эрекция тўла бўлмаса, қин ҳали намланмаган бўлса, бу ҳар хил оғриқларга сабаб бўлиши мумкин. Аёлда эрекция тўлиқлигини ва жинсий алоқага жуда мойиллигини аёл кишининг хатти-ҳаракатидан билиб олса бўлади.

Фрикция—копуляция (фрикцион ҳаракатларнинг олатнинг қинга кириши ва фрикцион ҳаракатларнинг бошланишидан то эрозм—ниҳоятда лаззатланиш юзага келгунгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Фрикцион ҳаракатлар одатда 1,5 — 2 минутдан 6 минутгача давом этади ва асосан эрозм билан тугайди. Агар эркак меъёрида мунтазам жинсий ҳаёт кечириб юрса, эрозмни 1,5—2 минутдан олдин сезса, бу жинсий заифлик белгиси ҳисобланади. Агар аёлда кўзғалиш ва эрекция тўлиқ ўтишига ҳамда фрикцион ҳаракатлар 6—10 минут давом этишига қарамай, эрозм юзага келмаса, буни жинсий совуқликни фригидлик деб ҳисоблаш керак. Бунда аёлнинг бўйида бўлиб қолишидан кўрқаётганини, қаерда ва қай шароитда жинсий алоқа қилинаётганлигини ва бошқа сабабларни албатта ҳисобга олиш зарур. Шунингдек жинсий ҳаётни энди бошлаган ва ҳали эрозм туйғуларини умуман ҳис етмаган аёллар бундан мустасно. Шунинг учун ҳам юқорида айтиб ўтилганлар барча аёлларга тааллуқли эмас.

Фрикцион ҳаракатларни кўпчилиқ фақат эркаклар

функцияси сифатида тасаввур этадилар, ваҳоланки, бундай ҳаракатлар аёллар томонидан ҳам бўлса эрозмга етишиш осонлашади, таъсири ортади. Жинсий алоқани эмоционал идроқ қилиш эркакда ҳам, аёлда ҳам ниҳоятда кучайишига олиб келади. Фрикцион ҳаракатлар тўғри, спиралсимон ва айланасимон бўлиши мумкин.

Умуман қиннинг торлиги, фрикцион ҳаракатларнинг ҳар хил бўлиши тезлиги ва эрозм зоналарни силаб-сийпаш эрозмни тезлаштиради. Бу даврда эркак киши аёл кишининг майл—истагига қараши керак. Шундагини аёл киши жуфти билан бир вақтда лаззат олади ва бутун вужуди эриб, бутун вужуди билан ўзини бахш этади. Ҳатто жинсий алоқа тугагандан кейин ҳам ҳар иккаласи қониқиш ҳосил қилиб, еңил тортади.

ОРОЗМ

Илмий далилларга кўра, оилавий ҳаётнинг дастлабки уч ойида аёлларнинг 22, биринчи йилнинг охирига келиб 42, 5 йил давомида — 72, 10 йил яшаганда 89 фоизи эрозмни ҳис этади. Баъзи аёллар тугма фригид, яъни тугма жинсий совуқ бўладилар. Бундай аёллар эрозмни ҳис эта олмайдилар. Фригидлик кўп ҳолларда жинсий алоқага ва оилавий ҳаётга, бола кўришга мутлақо таъсир қилмайди. Бироқ эр-хотин ўртасидаги жанжалга сабаб бўлиши мумкин, чунки эркак тез-тез жинсий алоқа қилиб туришни истаса, эрозм нималигини тушунмайдиган аёл жинсий алоқага бирмунча бефарқ қарайди ва кўпинча кўнмайди. Бу ўз навбатида эр-хотин ўртасига совуқлик солиши мумкин. Баъзи аёллар ўзларининг фригидликларини тан олмасдан, эрларини қондирилмасликда айблашади. Бундай нотўғри фикр баъзи (махсус адабиётлардан кўп ўқиб, эрозмни ҳис этишни ниҳоятда истаган) аёлларни ўзга эркак билан жинсий алоқа қилиб кўришга, эрига хиёнат қилишга сабаб бўлиши, оиланинг бузилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Лекин кўпинча узоқ йиллар системали жинсий ҳаёт кечириб юришига қарамай, бир неча йилдан сўнг ҳам аёл эрозмни ҳис қилмайдиган бўлса, бу энди эркакнинг ўта саводсизлиги бўлади. Эркаклар иложи борича тезроқ ҳирсларини қондиришга кўп ҳаракат қиладилар, аёлни жинсий алоқага етарлича тайёрламасдан туриб ҳаракатга киришадилар. Бундай эркаклар фақат ўзларини ўйлашади, холос. Бу албатта яхши эмас. Аёл

эса эндигина қўзғалганича қолиб кетаверади. Бундай аҳвол доимий равишда давом этаверадиган бўлса, аёлда неврозлар келиб чиқиши ёки юқоридан айтганимиздек, эрига хиёнат қилиши мумкин. Шу сабабли, кўпгина сексопатологлар ибораси билан айтганда, фригид аёллар сонини сунъий равишда оширадиганлар жинсий саводсиз, ўта худбин эркаклардир.

Баъзи эркаклар аёл рози бўлгандан кейин, у ҳам роҳат қилади-да деб ўйлайдилар. Аёл организмнинг ўзига хослиги уларни мутлақо қизиқтирмайди, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмайди. Шу боис аёл эрининг оғушида бўлганида энг лаззатли ҳис-туйғулардан маҳрум бўлади.

Эркакларнинг деярли ҳаммасида оргазм бўлади, улар учун аёллар каби маълум вақт ва махсус тайёргарлик шарт бўлмайди. Оргазм жинсига (аёллар ва эркаклар оргазми), жойига кўра (клитор, қин), турига кўра (бир марта, кўп марта, қисқа муддатли, узоқ муддатли, тўлқинсимон), жадаллигига кўра (кучсиз, ўртача, кучли), босқичларига кўра (I босқич, II босқич, III босқич) аёлларда, эркакларда (I босқич ва II босқич), экспрессивлигига кўра (кучсиз, ўртача, кучли) бўлиши мумкин.

Қуйида оргазмни батафсил кўриб чиқамиз.

АЁЛ ОРГАЗМИ БОСҚИЧЛАРИ

Жинсига кўра аёллар оргазми ва эркаклар оргазми мавжуд. Бундай бўлиниш ва уларнинг алоҳида кўриб чиқиши бежиз эмас, чунки эркак ва аёлларда оргазм бирмунча фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятлар билан кечади. Аёллар оргазми уч босқичдан иборатдир:

I босқичда аёл қорнининг қуйи қисмида «вазисизлик» туйғулари пайдо бўлиб, бу туйғулар клиторга ва жинсий органнинг бошқа қисмларига тарқалади.

II босқичда аёл жинсий органларида ёқимли ва ҳаётбахш иссиқликни ҳис этади ва бу иссиқлик бутун баданга тарқалади (бамисоли ер қимирлаганда эпицентрдан атрофга тўлқинларнинг тарқалиши каби). Бу босқичнинг охирида ўзига хос туртки ҳис этилади ва бу турткидан сўнг жинсий органлар ҳамда атрофдаги органларда ихтиёрсиз равишда мускулларнинг қисқариши бошланади. Бу ҳисларни туғруқни бошидан кечирган аёллар туғруқдан олдинги тўлғоққа ўхшатадилар.

III босқичда юзага келган иссиқлик қин, бачадон,

думба мускулларининг кучли ва ритмик қисқариши билан алмашинади. Бундай ритмик қисқариш медицина тилида тоз пульсацияси дейилади. Бу босқичда аёл ҳаётида бирор ҳис-туйғу билан солиштириш қийин бўлган энг кучли ва лаззатли органик ҳисларни сезади. Оргазм ўз кульминацион нуқтасига етади.

Тоз пульсациясининг сонига (битта оргазмдаги) қараб аёллар оргазмининг интенсивлик даражасини — кучини аниқлаш мумкин.

Тоз пульсациясини 3—5 гача етса, интенсив бўлмаган, кучсиз оргазм ҳисобланади. 5—8 гача етса, ўртача интенсивликка эга бўлган нормал оргазмга киради, агар тоз пульсациясининг сони 8—12 гача етса, интенсив оргазм ҳисобланади, агар ундан ортиқ бўлса (камданкам учрайди), ниҳоятда интенсив оргазм ҳисобланади.

Юқоридаги рақамларга асосан (агар хулоса эпизодлик алоқалардан олинган бўлса), конкрет аёлнинг бир ёки икки мартаба жинсий алоқада бўлиши ва шундаги кўрсаткичларига асосан унинг жинсий имкониятларини ёки бу аёлга хос оргазмни аниқлаш кўпгина хато хулосаларга олиб келиши мумкин. Чунки битта аёлнинг ўзи маълум киши билан маълум шароитда интенсив оргазмни ҳис этса, ўзга киши билан оргазми кучсиз бўлиши мумкин, ёки ойнанинг турли вақтларида, куннинг турли соатларида организмнинг чарчаган ёки тетиклигига қараб, асаб системасининг ҳолатига ва алоқа бўлаётган муҳитнинг хусусиятларига биноан бир киши бир вақтда интенсив оргазмни ҳис этса, ўзга вақтда ўрта ёки кучсиз ҳам бўлиши мумкин. Аёл кишининг оргазмни ҳис этишида «тоз пульслари» орасидаги интерваллар ҳам турлича бўлади.

Биринчидан учинчигача бўлган қисқаришлар орасида интервал 0,8 секундни ташкил этса, 5 дан 15 гача бўладиган қисқаришлар орасидаги интервал (ҳар бир қисқариш орасида) 8 секундгача чўзилади.

Юқоридаги интерваллар, оргазмнинг I ва II босқичларини ҳисобга олмаганда ҳам эркакларнинг оргазмига нисбатан аёллар оргазми бир неча баробар узоқ чўзилиши, нисбатан ниҳоятда давомли бўлишини кўрсатади. Буни эса кўпчилик эркаклар билмайдилар.

Юқоридаги босқичлар турли объектив ва субъектив сабабларга кўра турли аёлларда турлича бўлиши ва бир аёлнинг ўзида ҳам бирмунча фарқ қилиши мумкин. Масалан, маълум вақт айрилиқ натижасида жинсий алоқада бўлмаган аёл учун юқоридаги босқичлар яққол ифодаланган шаклда ўтса, аксинча, ҳар куни

жинсий алоқада бўлган хотин учун эрининг хоҳиши билан бўлаётган навбатдаги жинсий алоқада бу босқичлар ниҳоятда тез ўтиши ва чуқур ҳис этилмаслиги, ташқаридан сезилмаслиги мумкин. Еки ниҳоятда температурамли, жинсий экспрессив аёл ўз ҳиссиётини намоён қилишини «одобдан эмас» деб ўзини тормозлаб туриши, ўзини эркин ҳис этмаслиги ва натижада оргазм ҳисларини етарлича ҳис эта олмаслиги мумкин. Ва аксинча, ўрта температурамли аёл оргазм ҳислари билан бирга кечадиган табиий ҳисларнинг эрига кучли таъсир этишини ва ниҳоятда эмоционал идрок кучини оширишини билган ҳолда ўзини ниҳоятда эркин тутиши натижасида эрига ва ўзига ёқимли ҳисларни тақдим этиши мумкин. Шунинг учун жинсий ҳаётда аёл кишининг эридан уялмаслиги, ўзини ниҳоятда эркин тутиши, туйғуларини бемалол ифодалаши ўзи учун ҳам, турмуш ўртоғи учун ҳам фақат фойдалидир. Айниқса, ўзига бирмунча ишонмайдиган, ўзининг жинсий имкониятларини ўзгалардан кам деб ҳисоблайдиган баъзи эркакларга аёлнинг жинсий алоқа чоғидаги туйғуларини очиқ ва етарли равишда сездириши ижобий таъсир қилиб, уларнинг ўзини тўлақонли эркак киши сифатида идрок қилишига, ўз шахсини тасдиқлашига, ўзини бирмунча мустақил ва эркин ҳис этишига ёрдам беради, яъни эркакнинг чинакам эркак киши сифатида шаклланишига ижобий таъсир қилади. Буни аёллар яхши билишлари керак ва оилавий ҳаётда албатта ҳисобга олишлари лозим. Аёлни аёл сифатида шакллантирувчи эркак киши бўлса, ўз навбатида, баъзи эркакларни ҳақиқий эркак қиладиган ёки ҳақиқий эркакни (жинсий имкониятлар нуқтаи назаридан) ўзига ишонмайдиган, ўзидан гумонсирайдиган, ҳар бир нарсадан иккиланадиган бўшанг эркакка айлантириш ҳам аёллар қўлидадир. *

Оргазм тугагандан сўнг ҳам аёл организми маълум вақт ниҳоятда қўзғалган ҳолатда бўлади. Шунинг учун оргазмни ҳис этиб бўлган аёлни эркалаш, уни гўзал ва латофатли эканини айтиб кўнглини кўтариш керак. Бу аёлда табиий эйфория ҳолатининг янада чўзилишига (баъзан эса ҳеч қандай такрорий фрикциион ҳаракатларсиз оргазм ҳисларининг такрорланишига) сабаб бўлади. Буни эркак киши яхши билиши ва онгли равишда жинсий ҳаётда қўллаши лозим.

Аёлларнинг кўпчилиги битта оргазм билан қониқмайдилар ва яна бир неча оргазмни ҳис этиш эҳтиёжида бўладилар. Шунинг учун аёл жинсий қониқишига

тўла эга бўлмасдан олдин эркак кишининг тўхтаб қолиши кўп ҳолларда мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки эркак киши ўз оргазмидан сўнг маълум вақт «жинсий танаффус» қилишга мажбур бўлади. Танаффус қилмаган тақдирда ҳам қиннинг меъеридан ортиқ намланиши ва олатнинг илгариги (оргазмгача) таранглик ҳолатининг камайиши эркак киши томонидан ҳам, аёл киши томонидан ҳам локал ҳислар самарасини пасайтиради, бу эса ўз навбатида аёл киши томонидан ҳис этиладиган оргазм сифатига салбий таъсир қилади, ҳиссиётнинг ўткирлигини пасайтиради.

Жинсий алоқадаги танаффус кишиларнинг биологик хусусиятлари, ёши, организмнинг физиологик ҳолати ва бошқа сабабларга кўра бир неча соат ва кунларга чўзилиши мумкин.

ЭРКАК ОРГАЗМИ БОСҚИЧЛАРИ

Эркак кишининг оргазми нисбатан содда бўлиб, икки босқичдан: оргазмолди ва оргазм босқичидан иборат.

Оргазмолди босқичида жинсий аъзо—олат ниҳоятда таранглашиб, қўзғалиш ўз кульминациясига етиб, олатнинг бош қисмида қитиқлашда пайдо бўладигандек ўзига хос жинсий қитиқ ҳислари юзага келади. Шунда фрикциион ҳаракатлар дарҳол тўхтатилса, биринчи босқич тормозланиши ва оргазмни тўхтатиб қолиш мумкин. Буни кўпчилик эркаклар жинсий актин узоққа чўзишда, аёлнинг жинсий эҳтиёжларини бутунлай қондириш ёки аёл оргазмини кутиш, аёлнинг қўзғалишини кучайтириш ва бошқа мақсадларда кенг қўллайдилар.

Биринчи босқичнинг кечинини руҳий томондан назорат қилиб бориш, давомлилигини бошқариб бориш эътиборли эркак киши учун қийин эмас.

Иккинчи босқичга ўтгандан сўнг оргазм ҳислари назорат доирасидан чиқиб, «шахсни қўлга олади». Оргазм ҳислари тугагунга қадар шахснинг хатти-ҳаракатлари ҳис этилаётган оргазм билан белгиланади.

Олат бошида пайдо бўлган жинсий қитиқ олатнинг мукамал даражада таранглашишига, катталашишига, мускулларнинг қисқариб, уруғ каналларидан маълум тезликда бўлиниб-бўлиниб, манийнинг отилиб чиқишига олиб келади. Буни тиббиётда эякуляция дейилади. Аёл кишидаги тоз пульсацияси эркак киши томони-

дан ниҳоятда ижобий ҳис этилиши каби, эркакнинг эякуляцияси вақтида олатнинг вертикал ритмик равишдаги ҳаракатлари ва манийнинг қинга тушиши аёл кишининг ширин ҳисларини янада кучайтиради, аёл ниҳоятда ёқимли ҳароратни ҳис этади.

Агар эр-хотин (кўпинча қайлиқлар шундай қилишади) бир вақтда оргазмни ҳис этса, ҳар иккаласининг локал органик ҳислари ва умумий эмоционал ҳолатининг сифат жиҳатдан кескин яхшиланишига олиб келади (бундай ҳолларда сўз билан тасвирлаш мураккаб бўлган ниҳоятда чуқур, ширин, такрорланмас даражадаги ҳисларни бошдан кечирадилар). Эякуляция вақтида уруғ каналлари қанчалик сиқилган, таранглашган бўлса, ҳислар ҳам шунчалик кучли бўлади. Шунинг учун оргазм вақтида баъзи ҳисларни кучайтириш мақсадида эркаклар оргазмолди ва оргазм босқичидаги ҳолатни бир оз ўзгартириб, онгли равишда манийнинг чиқишини тўхтатиб, ҳиссиётни ўткирлаштирадилар.

Қайлиқларнинг бир вақтда оргазмни ҳис этишларининг устунлик томонларидан бири шундаки, тоз пульсацияси, ўз диаметрида вақти-вақти билан тораяётган қин ниҳоятда таранглашган олатни сиқади, одатда пайдо бўлган ўткир сезувчанлик ва манийнинг бирмунча сиқилиб чиқиши локал органик ҳисларни ниҳоятда кучайтиради.

ОРГАЗМНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аёллар оргазми локализацияга биноан клитор оргазми, қин оргазми ва аралаш—комбинациялашган оргазмларга бўлинади. Эркак киши томонидан клиторни стралича қўзғатиш ва бу қўзғатишни бошқа зоналарни эркалатиш билан биргаликда олиб бориш натижасида аёлларнинг бир қисми (тез қўзғаладиган аёллар) фрикциион ҳаракатларсиз ҳам ҳатто олатни қинга киритмасдан туриб ҳам тўлиқ оргазмни ҳис этишлари мумкин. Бунга клитор оргазми дейилади.

Аёлларнинг фикрича клитор оргазмида сезиладиган ҳислар сифати бўйича қин оргазмидан устун туради. Қин оргазми бир неча бор такрорланадиган бўлса, клитор оргазми (айрим ўта темпераментли аёллардан ташқари) кўпчилик аёлларда бир жинсий алоқада биттадан ортиқ бўла олмайди. Аммо юқорида айтилгандек, кучи, интенсивлиги битта аёлнинг ўзида кузатиладиган қин оргазмидан икки баробар кучли бўлади. Ҳаётида аёлларнинг клитор оргазмини ҳис этмаслиги

кўпчилик эрларнинг жинсий тажрибасизлигидан келиб чиқади.

Фрикциион ҳаракатлар натижасида аёлда юзага келадиган оргазм қин оргазми дейилади. Қин оргазми кенг тарқалган бўлиб, барча қайлиқлар томонидан қўлланади, ҳатто энг тажрибасиз бўлгани ҳам қин оргазмини билади (агар умуман оргазм нималигини билса, ҳаётида ҳис этган бўлса). Аммо шу билан бирга қин оргазмини ҳар бир жинсий алоқада ҳис этиш эркак ва аёлдан маълум билим, кўникма ва малака талаб қилади. Бу масалада кейинроқ батафсил тўхталиб ўта-миз.

Қин, клитор оргазмнинг қўшилиб келиши ёки аниқроғи эркак киши томонидан клиторнинг максимал қўзғатилиши ва параллел равишда фрикциион ҳаракатлари давом эттириш натижасида комбинацияланган оргазм юзага келиши мумкин.

Афсуски, махсус адабиётларда ҳам бу масала етарли ёритилмасдан, деярли мавзудан четлаб ўтилгандир. Бу борадаги, тасаввурларини тўлдириш учун ёшларимиз порнографик расмларга қизиқадилар. Педагоглар эса Дон Кихот шамол тегирмони билан жанг қилгани каби, мутлақо самарасиз, баъзан эса салбий натижага олиб келадиган «ахлоқий тарбияни» олиб борадилар. Ахир ёшлардаги қизиқиш табиий эканлигини, уларга бу соҳада илмий асосда билим бериш зарурлигини тушуниб етмайдилар. Турли порнографик расмларни топиб олиб, ўқувчиларни қийиқдилар, улар билан фойда бермайдиган, самарасиз бўлган тарбиявий соатларни ўтказадилар ва шу орқали баъзан тарбиячи сифатида ўқувчилар олдида ўзларининг обрўсини йўқотиб тарбиявий таъсир этиш пойдеворида болта урадилар.

Аёллар оргазми турига кўра бир мартали, бир нечтали, тўлқинсимон, чўзилган бўлиши мумкин. Чўзилган-тўлқинсимон оргазм одатда ниҳоятда темпераментли, катта жинсий эҳтиёжга эга бўлган аёлларда кузатилади. Бундай аёлларнинг баъзилари бир жинсий алоқада 50—80 дан ортиқ оргазмни ҳис этиши мумкин. Лекин уларнинг оргазмлари жуда тез ва осон юзага келиб, оргазмлар орасида жиддий танаффусни талаб қилмайди ва бир-бирига уланиб кетаверади. Бундай аёллар агар эрлари жинсий ҳаёт масалаларида етарли билим ва малакага эга бўлмаса, доимо жинсий қониқ-нат қилишга мажбур бўладилар. Ҳаётида бундай аёллар

нисбатан камроқдир. Уларнинг жинсий эҳтиёжлари биологик шартланган бўлса-да, жинсий имкониятларини ўзларига очиб берадиган, туғма эҳтиёжларини шакллантирадиган ва ниҳоят уларнинг жинсий эҳтиёжларини тўлиқ қондирадиган жинсий савод, малака ва маданиятга эга бўлган эркак кишидир.

Бир неча оргазмлилик кўп аёлларга хос бўлиб, улар бир жинсий алоқада буни кетма-кет бир неча бор ҳис этадилар. Бир нечта оргазмдан сўнг жинсий қониқиш юзага келиб, қўзғолиш сусаяди ва секин-аста нолга тушади. Ёшлар маълум вақт танаффус қилиб, яна бир нечта оргазмни ҳис этишлари мумкин.

Аёлларнинг маълум қисмида бир мартали оргазм кузатилади. Қўзғалиш кучайиб, фрикциион ҳаракатлар, эроген зоналарини силаш натижасида аёл оргазмни ҳис этиб, сўнгра жинсий танаффуссиз такрор оргазмни ҳис эта олмаса, бундай оргазм бир мартали оргазм дейилади. Оргазмдан сўнг бундай аёлларда қўзғолиш кескин сусайиб, нолга тенглашади. Оргазм графиги эркаклар оргазмига ўхшаш бўлади.

ОРГАЗМ БОСҚИЧЛАРИДАГИ ПСИХОФИЗИОЛОГИК ҲОЛАТ

Оргазмни ҳис этаётганда эмоционал ҳолати ва ҳисийётининг ташқи ифодаланиши-экспрессивлигига қараб аёллар ниҳоятда экспрессив, ўрта ва мутлақо экспрессив бўлмаган тоифаларга бўлинадилар. Экспрессивлик аёлнинг темпераменти тоифасига, экстраверт интравертлигига, ҳисийёт кучига, ёшига, физиологик ҳолатига, миллий ҳаёт тарзларига ва жинсий алоқа бўлаётган шарт-шароитга боғлиқ. Масалан, холерик тоифадаги экстраверт аёлларнинг кўпчилиги ниҳоятда экспрессив бўладилар (агар уларда жинсий эҳтиёжлар кучли, оргазм тўлқинсимон, чўзилган турга эга бўлсагина) ва аксинча холерик экстраверт жинсий қўзғолиши кучсиз бўлиб, жинсий эҳтиёжлари кам бўлса, мутлақо экспрессив бўлмаган аёллар тоифасига кириши мумкин. Шунинг учун биологик темпераментдан тўғридан-тўғри аёлнинг жинсий экспрессивлигини келтириб чиқариш хатодир. Ниҳоятда экспрессив ва ўртача экспрессив бўлган аёлларда оргазмолди ва оргазм босқичида қуйидагиларни кузатиш мумкин:

— турли овозлар чиқариш, бақирин, «бўкирин», «йиғлаш», итариб ташлаши, қаттиқ қучоқлаб олиши;

— кўзининг чақчайиши, юмилиши (кўпчилик аёлларда учрайди);

— эркакни тишлаши, ўпишнинг сўришга айланиши; — ҳушидан кетган каби ҳолатга тушиши, физиологик, сохта ҳушдан кетиш;

— «жонгинам», «азизим», «қандай яхши», «ўлиб қоламан», «бормисан» каби қалб сўзларининг самимий ва беихтиёр айтилиши ва бошқалар.

Экспрессив бўлмаган аёлларда юқоридаги эмоционал хатти-ҳаракатларнинг биттадан ортиги кузатилмайди.

Экспрессивлик қандай бўлишидан қатъи назар, барча аёллар организмда қуйидаги ўзгаришлар зарурий равишда юзага келади:

— терининг қизиб, қизариб кетиши;

— барча секреция безлари ишининг кучайиши, сўлак безлари концентрациясининг ошиши;

— томир уришининг бир минутда 110—180 га етиши;

— систолик қон босимининг 30—80, диастоликнинг 20—40 мм симоб устунига ошиши;

— ўпка гипервентиляцияси;

— аёлнинг жинсий органидаги тоз пульсациясининг, бачадондаги босимнинг пасайиши, қиндаги босимнинг ошиши ва натижада «пипетка эффектини» юзага келтирадиган босим мувозанатсизлигининг юзага келиши, бачадоннинг орқага, юқорига сурилиши, бачадон бўйнининг узайиши ва бачадон бўйнидаги шиллиқ «тиқин»нинг қинга чиқиб, бачадон бўйнининг бўшаши ва макийнинг бачадон танасига киришига оптимал шароитни юзага келтириши.

Экспрессивлик жиҳатидан аёлларни тасниф қилиш ниҳоятда шартли бўлиб, бу гуруҳлар орасида бир неча оралиқ гуруҳлар ҳам мавжудлигини китобхон унутмаслиги керак. Ҳатто бир аёлнинг ўзи маълум ёшда ниҳоятда экспрессив бўлиши ва маълум йиллардан сўнг ўртача экспрессив гурпуга тушиши ёки аксинча ҳам бўлиши мумкин. Бу ниҳоятда кўп омилларга боғлиқ. Лекин шунга қарамасдан экспрессив бўлмаган аёл ниҳоятда экспрессивга айланиши деярли учрамайди, чунки улар бир-бирларидан ниҳоятда узоқ бўлган тоифалардир. Кўпчилик аёллар (агар турмуш ўртоқлари жинсий савод ва маданиятга эга бўлса) жинсий ҳаётни экспрессивлик билан бошлаган бўлсалар, кейинчалик фақат экспрессивлигининг ошиб бориши кузатилади.

Жинсий эҳтиёжлари, жинсий хулқи, жинсий ҳаётдаги ўзига хос хусусиятлари, оргазмни ҳис этишдаги сер-

қирраликлари жиҳатидан аёллар эркакларга нисбатан ниҳоятда мураккаб ва бойдир. Буни эркаклар унутмасликлари ва ўз қайлигининг оилавий ҳаётда ҳам, жумладан жинсий ҳаётда ҳам ўзига маълум бўлмаган томонларини очишга ёрдам беришлари лозим.

РЕФРАКТОР БОСҚИЧ

Оргазмдан сўнг рефрактор босқич юзага келади. Бу босқич эркакларда оргазм тугаши биланоқ жинсий алоқани давом эттиришни истамаслик ҳисларининг пайдо бўлиши, қўзғалишнинг кескин пасайиб йўқолиши, жинсий танафусга бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлиши билан кечади. Агар эркакнинг аёлга нисбатан муҳаббат ҳислари бўлмаса ва у фақат органик эҳтиёжларини қондириш мақсадида жинсий алоқа қилаётган бўлса, рефрактор босқичда аёлга нисбатан фақат бепарқликни эмас, баъзан салбий ҳисларни ҳам бошдан кечиради ва уни салбий идрок қилади. Чунки эркак учун бу аёл фақат органик эҳтиёжларни қондирувчи сифатида идрок қилинган, оргазмдан сўнг эса жинсий қониқиш юзага келиб, қўзғалиш йўқолганда кейин руҳий ингилишнинг йўқлиги, аввалдан руҳий шохобчанинг бўлмаганлиги ижобий образнинг дарҳол салбий образ сифатида идрок қилинишига олиб келади. Бундай ҳолларда рефрактор босқичда баъзан эркакларга аёлларнинг эркалашлари, эркаланишлари ҳам ёқмайди ва аксинча асабига тегади. Шунинг учун баъзан эркак киши жинсий савод ва маданиятга эга бўлса-да, рефрактор босқичида аёлнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, қандайдир иш қилишга ниҳоятда қийналади. Бу ерда ҳам муҳаббат ҳислари ўз қудратини намоён қилади ва қай даражада катта аҳамият касб этишини яна бир бор тасдиқлайди.

Аёлларда рефрактор босқич эркакларга нисбатан давомлироқ бўлади. Оргазмдан сўнг уларда қўзғалиш маълум вақт сақлангани учун улар бу босқичда эркак кишининг ўзларини жисмоний ҳаракатлар билан эркалашини, ёқимли сўзлар айтишини, севги-муҳаббат ҳақидаги қалб сўзларини такрор-такрор ивҳор этишини, аёлнинг нақадар гўзал, нафис ва ажойиблигини эсла-тишини истайдилар. Бу эса қўзғалишнинг давомлироқ бўлишини таъминлайди ва юқорида айтилганидек, баъзан ҳеч қандай фрикциион ҳаракатларсиз оргазмнинг юзага келишига ёрдам беради. Оргазм юзага келмаган тақдирда ҳам аввал ҳис этган оргазмдан кейинги эмоционал ҳолатининг, унинг ширин ҳисларининг янада

қўзилишига, эйфория ҳолатининг давомлироқ бўлишига имкон беради.

Бу босқичда эркаклар аёлни мақташда, унга яхши сўзларни айтишда ниҳоятда сахий бўлишлари зарур. Бу ҳолида ҳам бир эркак амал қилиши керак (агар озгина бўлса-да хотинини ҳурмат қилса). Афсуски, ҳаётда кўпгина эркаклар оргазм тугаши билан тескари қараб, уй-қуға кетадилар. Аёл киши эса оргазмдан сўнг, рефрактор босқичидан кейин ҳам (агар қаттиқ чарчамаган бўлса) эри билан фикр алмашишни, бир оз муомалада бўлишни истайди, рефрактор босқичида аёлда эркала-нишга бўлган эҳтиёж кескин ифодаланган бўлади.

Жинсий ҳаёт кечириниш учун эркаклар ва аёллар қа-рама-қарши жинс хусусиятларини яхши билишлари ке-рак. Бу хусусиятлардан бири эроген зоналаридир. Жин-сий қўзғалишга олиб келадиган, жинсий қўзғалишни кучайтирадиган тана қисмлари эроген зоналари дейи-лади. Бу зоналар ўз-ўзидан кишини қўзғалиш ҳолатига олиб келмайди. Фақат механик таъсир қилингандагина қўзғалишни юзага келтиради.

Эроген зоналари жиҳатидан аёллар эркаклардан бирмунча фарқ қиладилар, яъни улар эроген зоналарга кирувчи тана қисмларининг кўплиги ва индивидуаллиги билан характерланадилар. Аёлларнинг эроген зонала-рига кўпинча жинсий органларидаги кичик ва катта лаблари, клитор, сонининг юқори ва ташқи қисмлари, кўз атрофлари, қовоқлари, лаблар, тил, танглай, қулоқ-нинг зирак тақадиган қисми, бўйни, кўкраклар, кўкрак учи — сўргичи, елқанинг курак қисмлари, қўллари, то-вонлари, оёғининг панжа қисми, бошининг энса қис-лари ва бошқалар кирилади. Юқоридагилар ичида ҳам бир аёлнинг ниҳоятда қўзғатадиган, фақат унинг ўзи учун-гина муҳим аҳамият касб этадиган индивидуал зона-лари мавжуд. Бир аёл учун кўкрак учи — сўргичи би-ринчи ўриндаги қўзғатиш зонаси ҳисобланса, бошқа аёлда олтинчи ўринда бўлиши, биринчи ўринда эса қу-лоқнинг зирак тақадиган қисми, бошқа бир аёл учун эса биринчи ўринда клитор туради.

Умуман аёл баданининг ҳамма жойи, агар уни сев-гилиси силаса эрогендир. Шулар ичида, айниқса эроген ҳисобланган, кўпчилик аёллар учун катта аҳамият касб этадиган ва аёллар учун типик ҳисобланган қисмлари клитор, кўкрак безлари, кўкрак учи, қулоқнинг зирак тақадиган қисми, тил ва лаблар кирилади. Шулар ичида энг эроген клитордир. Клиторнинг бош қисмидаги нерв

учлари олатдагида нисбатан 3—4 баробар ортиқдир. Демак, механик таъсир қилиш натижасида 3—4 баробар тез ва кучли қўзғалиш содир бўлиши мумкин деган хулосага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам клитор оргази қин оргазига нисбатан ниҳоятда интенсив ҳисобланади ва ўткир ҳислар билан кечади. Шу сабабли ҳам, юқорида изоҳлангани каби, клиторнинг ўзини қўзғатиш натижасида ҳам жинсий алоқасиз аёл тўлиқ оргазми ҳис қилиши мумкин. Кўпчилик ёшларнинг никоҳгача бўлган учрашувларида петтинг (тананинг, шу жумладан жинсий органларнинг бир-бирига ишқаланиши) билан шуғулланишнинг боиси ҳам шундадир. Петтинг юзаки ва давомли бўлиши мумкин. Юзаки петтингда қиз ва йигитнинг бир-бири билан қучоқлашиши ва шунда сонларнинг сонларга, кўкракнинг кўкракка тегиши, кийим устидан ишқаланиш тушунилса, давомли петтинг деганда икки ёшнинг кийимсиз ҳолда бир-бирлари билан жинсий алоқасиз, жинсий органларини бир-бирига ишқалаш натижасида қўзғалиш ҳолатига келтириш орқали йигитнинг табиий оргази қизнинг эса клитор оргази ҳис этиши тушунилади. Лекин петтингда оргазм бўлиши шарт эмас. Юқоридаги ҳаракатларнинг ўзи петтинг ҳисобланаверади. Умуман олганда бунинг севишган ёшлар учун маълум ижобий аҳамияти бор (айниқса қизлар учун), чунки петтинг орқали қизда жинсий уйғониш рағбатланади ва никоҳ қурилгандан сўнг тез орада оргазми ҳис этишга ёрдам беради. Петтинг аёлнинг эроген зоналарини аниқлашга ҳам хизмат қилади. Аёл организми эроген зоналарига ниҳоятда бой, лекин бу зоналар табиат бағрида яшириниб ётган қазилма бойликларга ўхшашдир. Яъни ернинг ўзи қандай қазилма бойликларга эга эканлигидан хабари бўлмагани каби, аёллар ҳам маълум ёшгача қандай кучли эроген зоналарга эга эканлигини, бу зоналарнинг қаерда жойлашганлигини ва қай даражада эрогенлик кучига эга эканлигини билмайдилар. Баъзилар бунинг мутлақо билмай ўтадилар. Жинсий савод ва маданиятга эга бўлган эркак эса аёлдаги бу тилсим жойларни унинг ўзига очиб беради ва жинсий ҳаёт хизмати учун йўналтиради. Бу сирли жойларни аниқлаш учун эркак кишидан фақат саводхонлик ва малакадан ташқари катта чидам, илтифот ва ижодий ёндошиш талаб қилинади. Эроген зоналари бир марта ёки икки марта силанган билан аниқланавермайди. Яшириниб ётган қазилма бойликлар баъзан ўз-ўзидан тасодифан аниқланса, баъзан

ойлаб чуқур изланишни талаб қилади, лекин қанчалик вақт ва меҳнат талаб қилинмасин, аниқланган қазилма бойликлари — эроген зоналар сарфланган вақтни бир неча карра туйғуларда оқлайди: чунки бунда икки севишган қалб ютади, уларга ҳаётида ҳали ҳис этмаган ширин туйғуларни бағишлайди, янги қурилган оила, унинг бахти мустаҳкамланади ва ниҳоят бу оилада дунёга келган янги ҳаёт меваси — бола бахтиёр бўлади. Чунки жинсий гармонияга эга бўлган қайлиқлар камдан-кам ажралишади, отасиз, онасиз болалар сони камаяди. Албатта, фақат эроген зоналарни аниқлаш билангина оилани мустаҳкамлаб бўлмайди, аммо эроген зоналаридан фойдаланиш қайлиқлар орасидаги мулоқатга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, хиёнатни ва унга бўлган эҳтиёжни камайтиради, чунки эроген зоналари максимал қўзғатиладиган аёллар тўлиқ жинсий қониқишга эга бўладилар. Юқорида изоҳланган эроген зоналар эркак киши томонидан мунтазам равишда бир неча бор силангандан сўнггина аёл билан биргаликда қўзғалиш самараси қандайлиги ҳақида объектив хулосага келиш мумкин.

Юқорида айтганимиздек, «қидирувчи» эркак киши бўлгани билан аёл том маънода «ерга» ўхшаб ётмасдан, эроген зоналари силангандан пайдо бўлаётган ҳисларга эътибор бериши, эроген зоналари эркак киши томонидан аниқланаётганда унга яқиндан ёрдам бериши, тоқатсизлик билан нотўғри, шошилич хулосаларга келмаслиги лозим. Эркак кишининг хатти-ҳаракатларидан уялмаслик, унинг хатти-ҳаракатларини ғайритабиий гидрок қилмаслик, унинг чидам, матонат билан изланиши натижасида аниқланган эроген «топилмаларидан» завқланиш, унинг хатти-ҳаракатларини эмоционал рағбатлантириш ва янги изланишларга қорлаш керак. Бу эса ҳаётни энди бошлаган қайлиқларнинг жинсий ҳаётда тез орада гармонияга келишига, бир-бирларидан максимал завқланишга, индивидуал имкониятлари ва хусусиятларини ҳисобга олишга ва ҳақиқий, такрорланмас жинсий ҳоллардан баҳраманд бўлишга имкон беради.

Эркакларнинг эроген зоналарини эрогенлик кучига қараб икки гуруҳга бўлиш мумкин. Кучли эроген зоналарига жинсий органлар, шулар ичида айниса олатнинг бош қисми ва тухумлар киради. Нисбатан кучсизларига лаблар, тил, юз, бўйин, кафт киради.

Эркак киши танасидаги эроген зоналарининг аёллардагига нисбатан камлиги сабаби эркак оргазмининг

жуда тез қўзғалиши ва жинсий алоқага тайёр бўлиши билан боғлиқ деб тахмин қилинади. Эркак кишининг жинсий алоқага тайёр бўлиши кўпинча эроген зоналарга таъсир қилмасданоқ юзага келади. Аёл организмда эрекция босқичи бирмунча давомли бўлганлиги сабабли эроген зоналарининг сони ва сифати катта аҳамиятга эга бўлади.

Жинси қандай бўлишидан қатъи назар, қўзғалиш айрим ҳолларда организм сифатида эроген зоналаридан фойдаланишдан ташқари, турли объектив шарт-шароитлар ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган, лекин маълум кишилар томонидан мутлақо ҳисобга олинмайдиган ҳид анализаторлари қабул қилаётган ёқимли ва ёқимсиз ҳидлар натижасида ҳам пайдо бўлади. Ҳидлар ёқимли ва ёқимсиз бўлишидан ташқари, кучли ва кучсиз бўлиши ҳам аҳамиятга эгадир. Масалан, эр ёки хотиннинг оғзидан, чириган ёки ювилмаган тишлардан, шунингдек, бир неча соат олдин саримсоқ пиёз еганлигидан ёқимсиз, баъзан эса бадбўй ҳид келиши мумкин. Бу ҳидлар турмуш ўртоғини етарлича идрок қилишига салбий таъсир кўрсатади, баъзан эса қўзғалишни ниҳоятда қийинлаштиради. Ҳидларга эркаклар ҳам аёллар ҳам бир хил сезгир бўладилар, аммо аёл организмдаги эрекция кўпроқ вақтни талаб қилгани сабабли уларнинг қўзғалишига кўпроқ таъсир қилиши мумкин. Эркаклар ғоятда ёқтирмайдиган ҳидлардан бири — аёл оғзидан сигарет ҳидининг келишидир. Ҳатто ўзлари кашанда эркаклар ҳам бу ҳидларни дарҳол сезадилар ва бунга бефарқ бўлолмайдилар. Ва аксинча, танадан ёқимли муаттар ҳидларнинг келиши, жумладан сочдан қатиқ эмас, балки бирон ёқимли шампун, духи ҳидининг келиши эркак кишининг ҳам, аёл кишининг ҳам қўзғалишини кучайтиради, организмнинг осонроқ ва тезроқ юзага келишига имкон беради. Лекин бу ёқимли ҳидлар димоғни бўғадиган даражада бўлса, тескари таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун хушбўй (ўзингиз учун ҳам, яқин кишингиз учун ҳам ёқимли бўлиши керак) атир ёки ўзга ҳидлар озгина сезилар-сезилмас даражада бўлиши керак. Ҳидларга бўлган муносабат турли кишиларда турлича бўлиши, баъзилар умуман ҳар қандай ҳидларни ҳам ёқтирмаслигини ҳисобга олиш лозим. Хулоса қилиб айтганда, жинсий алоқадан олдин озодалик қондаларига қатъий риоя қилиш, ёқимсиз ҳидларни йўқотиш учун қўлтиқ остини ва жинсий органларни ювиш, дезодорантдан фойдаланиш, конфет сўриш тавсия этилади.

Қўлланма муаллифларининг Тошкент тўқимачилик комбинатида, комбинатнинг ётоқхоналарида, «Халқлар дўстлиги» орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ётоқхоналарида, 1-Тошкент пойабзал фабрикасида ва бошқа аудиторияларида жинс ва жинсий ҳаёт физиопсихологияси ҳақида ўтказган суҳбатлари давомида ёшлар томонидан жуда кўп саволлар берилган. Энг кўп берилган саволларга шу қўлланмада жавоб беришни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Чунки бу саволлар қўлланмани ўқиётган китобхонда ҳам туғилиши ёки оилавий турмуш этикаси ва психологиясини ўқитаётган ўқитувчига ёшлар томонидан берилиши мумкин.

Савол: — Нима сабабдан баъзи ёш йигитларда алоқа бошламасдан — олатни қинга киритмасдан ёки қинга киритиб, лекин ҳали фрикциион ҳаракатлар бошланмасдан организм юзага келади? Натижада олат бўшашиб жинсий алоқани бошлаш ёки давом эттириш имкони бўлмай қолади.

Жавоб: — Узоқ вақт жинсий алоқа қилмаслик, аёл билан жинсий алоқани олдиндан ниҳоятда ранг-баранг бўлади деб тасаввур қилиб ўзини ҳаёлан алоқанинг юқори нуқтасига етказиб қўйиш натижасида ва кўпинча ҳали жинсий ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган ёшларда юқоридаги ҳолат кузатилади. Вақтидан олдин организм юзага келиши кўпинча болаликдан онанизм билан шуғулланган ёшларда учраса-да, бироқ бу уларнинг жинсий ожизлигидан далолат бермайди. Улар узоқ вақт онанизм билан шуғулланиши орқали организмнинг тез содир бўлиши маъқули олишади. Бунинг устига яланғоч, нозик аёл баданини, танасини кўриш, уни қучоқлаш, ўпиш, олатнинг аёл баданига тегиши дарҳол организмни юзага келтиради. Бундай табиий қўзғаткичнинг илгариги тасаввур қўзғаткичига нисбатан бир неча бор кучли бўлганлиги эркак кишини вақтидан олдин организмни ҳис этишига олиб келади.

Бундай ҳолат содир бўлишидан ёшлар сира қўрқмасликлари, ўзларидан ва жинсий имкониятларидан иккиланмасликлари, буни жинсий ожизлик деб ўйламасликлари, бунга ҳадеб эътиборни қаратавермасликлари зарур. Мунтазам жинсий ҳаёт кечириб давомида жинсий алоқа жараёнига юқори эмоционаллик билан ёндашишнинг секин-аста, ўз-ўзидан ўтиб кетишини билишлари керак. Энг асосийси: «Ёшлигимда онанизм билан шуғулланганим учун жинсий ожизликка учрадим, деган

фикрни ҳаёлга келтирмаслик, агар башарти келган бўлса дарров унутиш лозим. Бундай ҳол агар 1—2 ойлик мунтазам равишдаги жинсий ҳаёт давомида йўқолмаса, шундагина врачга мурожаат қилиш керак.

Бундай вақтда келинлар тилларига эрк бермасликлари, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муомала қилишлари ва ҳатто ҳазил оҳангида ҳам кув устидан кулмасликлари зарур. Чунки эркак киши бу масалага табиятан ниҳоятда сезгир бўлиб, жинсий ҳаёт соҳасидаги ҳар бир муваффақиятсизликни юрагига яқин олади, кучли изтироб чекади, буни шахсий қайғу сифатида идрок қилади. Шу сабабли ҳам психоген этиологиясига эга бўлган импотент (руҳий тушқунликка берилиб, жинсий заиф бўлиб қолган) эркаларнинг кўпчилик қисми аввало хотинларнинг жинсий ҳаётда етарли тактга эга бўлмасликларидан келиб чиққан. Шунинг учун барча сексапатологлар эркаларнинг жинсий ожизлигини — импотенциясини даволаганда фақат эркаларнинг ўзини эмас, балки қайлиқларини ҳам бирга даволайдилар. Чунки даволанаётган эркаларнинг давосини тезлаштирадиган ҳам ёки аксинча, унинг тузалишига тўсқинлик қилиб, импотенциясини янада оғирлаштирадиган ҳам хотиндир. Шу сабабли эркаларда учрайдиган бу хусусиятларни аёллар яхши билишлари керак.

Савол: — Қўзғалиш ва қарама-қарши жинсни қўзғатишда турли қўзғалиш шаклларида фойдаланишнинг жинсий алоқага ижобий таъсири борми ёки булар жамиятда ўта ахлоқий тубанлик, жинсий тубанлик ва бе-мазагарчиликларнинг жинсий ҳаётда ифодаланган шаклларида бирими?

Жавоб: — Севги ва муҳаббат асосида жинсий ҳаёт кечираётган йигит ва қиз, кув ва келин, эр-хотин учун икковларига маъқул бўлган ёки бири иккинчисига бахтли дақиқаларни тақдим этиш ниятида танланган жинсий ҳолатни қўзғатиш ва қўзғалиш шакллари ахлоқсизлик ҳисобланмайди, ва жинсий ҳаётда бунинг аҳамияти каттадир. Бу ҳатто, ўз навбатида оила мустаҳкамлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Чунки бунда эркак ва аёл бир-бирини умр йўлдоши тариқасида яхшироқ, жинсий ҳаётни эса нисбатан бой, ижодий, экспрессив идрок этишади. Бу эса онлавий ҳаётда маълум вақтдан сўнг юзага келадиган психофизиологик тўйинишини сусайтиради, қайлиқларни, айниқса эркаларни жинсий тўйинишдан сўнг «янги лаззатли учрашувни»

қидиришдан, оиладан ташқари жинсий муносабатлар ўрнатишдан сақлашга ёрдам беради. Хиёнатни олдини олиб, оила мустаҳкамлигини оширади. Ҳатто баъзан хиёнат қилган эр ёки хотин ниҳоят ўз турмуш ўртоғидан яхшини йўқлигига иқрор бўлиб ва қайта хиёнат қилмасликка ўзига-ўзи сўз беради. Юқоридаги фикри-мизни яқунлаб, ёшларга ҳар бир нарсада, шу жумладан жинсий ҳаётда ҳам ижодкор бўлишни, прогрессив бўлишни, яқин кишингизга бахтли дақиқаларни тақдим этишни тавсия этамиз.

Савол: — Жинсий алоқада аёл кишининг жинсий қониқишида олатнинг катта-кичиклиги муҳим роль ўйнай-дими?

Жавоб: — Бу деярли ҳар бир эркаларнинг қизиққан саволларидан бири бўлган. Ҳатто катта ёшдагиларда ҳам бундай саволни тез-тез эшитиб туришимиз мумкин. Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида ўғил болаларнинг бу саволга ниҳоятда қизиқиши уларнинг ёш хусусиятларидан биридир. Чунки бу ёшда улар фақат жинсий органларни эмас, балки тананинг барча қисмлари ўсишини ва бу ўсиш маълум нормативларга мос келиши ёки келмаслигини билишга қизиқадилар. Шу жумладан, жинсий органларнинг катта-кичиклиги ҳам катта қизиқиш уйғотади. Образли қилиб айтганда, ўқувчилар бу ёшда нормативлар қулига айланадилар. Каттароқ бўлгандан сўнг ва ниҳоят етуклик ёшига борганда бу саволнинг актуаллиги бирмунча камаяди. Аммо жинсий масаланинг актуаллиги ошиши билан кейинги йилларда ҳам кўпчилик эркалар учун бу савол ўз қийматини йўқотмайди.

Кўпгина сексологлар фикрича, агар олат қўзғалмаган, эрекция бўлмаган ҳолда уч сантиметрдан кичик бўлмаса, хотин кишининг жинсий эҳтиёжларини тўла қондира олади. Аёлнинг жинсий эҳтиёжларини қондиришда, кўпчилик аёлларнинг фикрича, олатнинг ҳажми муҳим роль ўйнамайди. Аёл оргазми олатнинг ҳажмига эмас, эркаларнинг севиклигига ва жинсий саводлигига, аёлнинг жинсий қўзғалувчанлигига, психоэротик тайёргарлигига боғлиқ.

Савол: Туғилишдан қизлик пардаси — гимени бўлмаслиги мумкинми?

— Жавоб: — Бундай савол кўпинча йигитларда (кўпроқ бўйдоқ йигитларда) уйланишдан олдин, уйланаётган қизининг ўтмишидан иккиланиши оқибатида ёки ўзи никоҳгача кўплар билан жинсий алоқада бўлиб кўпгина қизларга нисбатан ишончини йўқотиб қўйиши натижасида ва совчи орқали уйланаётганда «хатога йўл қўйиб»

бирортаси билан алоқада бўлган жувонга уйланмаслик мақсадида юзага келади.

Гимен — қизлик пардаси баъзи ҳолларда туғилишдан қиннинг деворларидаги ўсимтага ўхшаш бўлиб, биринчи жинсий алоқада эмас, балки йиллар давомида сақланиб фақат туғиш пайтидагина йиртилиши ёки йўқолиши мумкин. Баъзи ҳолларда гименда ҳайз қонининг чиқиши учун мўлжалланган тешикнинг бўлмаслиги мумкин. Биринчи бор ҳайз келганда қонни чиқариб юбориш учун гимен клиникада хирургия йўли билан мажбуран кесилиши мумкин. Баъзи ҳолларда гимендаги тешик каттароқ бўлиши, парданинг ўзи эса ниҳоятда эластик бўлиши ва бир неча жинсий алоқаларда ўз бутунлигини сақлаши мумкин. Бундай ҳолларда ёш куёвлар ва саводсиз куёв жўралар, қариндошлар оиланинг бузилишига ёки гўзал дамларни шубҳа оғиб, зулматга айлантиришга бевосита кўмаклашишлари мумкин. Оилавий бахт фақат гимен бутунлигига боғлиқ бўлмаса керак.

Савол: — Қизлар гименлари бутунлигига қарамасдан ҳомиладор бўлиб қолишлари мумкинми?

— Жавоб: — Севишган ёшларнинг маълум қисми никоҳгача жинсий алоқа қилиш ахлоқ-одобга тўғри келмаслигини яхши уққан ҳолда бир-бирлари билан петтинг кўринишида муносабатда бўладилар ва баъзан давомли петтингни ҳам қўллайдилар. Гименнинг, юқорида ёзилганидек, ҳайз қони чиқадиган тешик қисми бўлади. Ёшларнинг петтинг натижасида манийнинг бир қисми жинсий лабларга тушиб, чаққонлик билан тешикдан ўтиб, бачадонга киради ва бачадон найларига боради. Агар шу кунларда қизнинг тухумдониди ген тухум ҳужайраси пишиб етилган ва у бачадон найида бўлиб қолса, дарҳол оталаниб, ҳомила юзага келиши мумкин. Ёшлар эса ҳайрон бўлишиб, «Ахир ҳеч нарса бўлмаган эди-ку, ҳомила қаердан пайдо бўлди?» — дея ўзларини қўйишга жой топмайдилар.

ПСИХОФИЗИОЛОГИҚ ТАФОВУТЛАР

Эркак

1. «Либи́до» тез ва осон юзага келади.
2. Севги, муҳаббат компонентининг аҳамияти кам.

Аёл

1. «Либи́до» нисбатан секин юзага келади.
2. Севги, муҳаббат компонентининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Эрекция

1. Жинсий тасаввурларнинг эрекцияга кучли таъсири.

2. Эрекция ҳолатига келишда эроген зоналарнинг ҳал қилувчи роль ўйнамаслиги.

3. Кўриш идрокининг эшитув идрокдан устунлиги, кучли таъсир қилиши, мақтов ва эркалаш сўзларининг эрогенлик аҳамиятининг етарли эмаслиги.

4. Эрекциянинг қисқа вақт ичида юзага келиши.

5. Эрекция босқичининг кучли эмоционал идрок этилмаслиги, бу босқичнинг давомлироқ бўлишини истамаслик, фрикцияга ўтишга шошилиш.

6. Барча эркакларнинг жуда тез фрикция босқичига ўтишига тайёр бўлиши.

7. Севги, муҳаббат ҳисларининг ҳал қилувчи роль ўйнамаслиги натижасида ҳатто баъзан кичик болани эркалаш натижасида ҳам рефлектор

1. Интим тасаввурларнинг эрекцияга ўртача таъсири.

2. Эроген зоналарнинг ҳал қилувчи роль ўйнаши.

3. Эшитув идрокининг кўриш идрокдан нисбатан устунлиги, кучлилиги, мақтов ва эркалаш сўзлари аҳамиятининг катталиги.

4. Эрекциянинг нисбатан кўп вақтни талаб қилиши, эркаклардагига нисбатан давомлилиги.

5. Эрекция босқичининг кучли эмоционал идрок этилиши, бу босқичнинг мумкин қадар давомлироқ бўлишини исташи, кейинги босқичга ўтишга шўшилмаслик, шу босқичнинг ўзидан ниҳоятда лаззатланиш, завқланиш.

6. Аёлларнинг маълум қисми фрикция копуляция босқичига эрекция тўлиқ бўлмасдан ўтиши кўзгалишга умгурмаслиги (айниқса секин кўзгалувчан ёки эри жинсий саводсиз, жинсий ожиз, ўзинигина ўйлайдиганларда).

7. Севги, муҳаббат ҳисларининг ниҳоятда кучли таъсир қилиши, ҳал қилувчи роль ўйнаши.

равишда «либидо»сиз олатнинг эрекция ҳолатига келишини кузатишимиз мумкин.

Фрикция

1. Шошилич равишда фрикциион ҳаракатларни бошлаши.

2. Фрикция босқичининг тез ўтиши (ўртача 2—6 минут).

3. Фрикция босқичида кўпинча фаол «етакчи» позицияда бўлиш.

4. Фрикция босқичининг давомлиги севги-муҳаббатга боғлиқ бўлсада, ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳар бир эркак жуда ёқтирмаган аёл билан ҳам фрикция натижасида оргазм ҳис этиши мумкин.

5. Фрикцияда қиннинг ҳажми катта роль ўйнайди, айниқса унинг торлиги ёки унинг ҳаддан ташқари кенлиги фрикциион босқични кескин қисқартириши ёки узайтириши мумкин.

6. Фрикциянинг давомлигига эроген зоналарини кўзғатиш ниҳоятда кам таъсир кўрсатади.

1. Фрикциион ҳаракатларни бошлашга шошилмаслик.

2. Фрикция босқичининг секин ўтиши (2—6 минут билан чекланмаслиги).

3. Фрикция босқичида кўпинча нисбатан пассив позицияда бўлиш.

4. Фрикция босқичининг эмоционал идрок этилиши, давомлиги ва осонгина кейинги оргазм босқичига ўтиши эркак кишига бўлган ҳиссиётга боғлиқ. Севги-муҳаббат, кўнгил бериш ҳислари бўлмаса, фрикциион ҳаракатлар қанчалик давомли бўлмасин, фрикциядан аёл оргазмга ўта олмаслиги, ҳатто энг кўзғалувчан аёл ҳам оргазмни ҳис эта олмаслиги мумкин.

5. Фрикцияда олатнинг катта-кичиклигининг роли бўлсада, унча катта аҳамиятга эга эмас. Ҳал қилувчи ролни олатнинг ҳажми эмас, балки эркакнинг бу борадаги саводлиги ўйнайди.

6. Фрикциион босқичининг давомлиги эроген зоналарини кўзғатишга боғлиқ. Кучли кўзғатиш натижасида босқични

7. Кўриш идрокнинг устунлиги.

8. Олатнинг максимал тарангланиши, сезгирлигининг ошиши

9. Фрикциион ҳаракатларда ким етакчилик қилса, ким фаол позицияда бўлса, ўша кўпинча шу қисқа вақт ичида оргазмни ҳис этиши мумкин.

кескин қисқартириш мумкин.

7. Эшитиш идрокнинг устунлиги.

8. Қин ва бачадонда босим дисбалансининг юзага келиши, бачадоннинг кўтарилиб орқага сурилиши, бачадон бўйининг узайиши, ва «пипетка» эффектнинг юзага келиши.

Оргазм

1. Локализацияга кўра бир хил.

2. Икки босқичдан иборат.

3. Оргазмнинг юзага келиши ва сифати эроген зоналарини эркалашга деярли боғлиқ эмас.

4. Барча эркакларда оргазм бир хил бўлиб — бир марталик шакли кузатилади.

5. Интенсивлик мезонлари аниқланмаган.

6. Севги-муҳаббат ҳислари ҳал қилувчи роль ўйнамайди.

7. Оргазм жуда тез бўлиб қисқа вақтни талаб қилади (5—10—15 секунддан ошмайди).

8. Оргазм экспрессивлик жиҳатидан кўпчилик эркакларда кескин ифодаланмайди. Экспрессивлик диапозони эркакларда бирмунча тор.

9. Оргазм вақтида эроген зоналарини эркалаш

1. Локализацияга кўра икки хил:

— клитор оргазми,

— қин оргазми.

2. Уч босқичдан иборат.

3. Оргазмнинг юзага келиши ва сифати эроген зоналарини эркалашга ниҳоятда боғлиқ.

4. Барча аёлларда оргазм турли хил бўлиб, бир мартали, тўлқинсимон чўзилган шаклларда кузатилиши мумкин.

5. Интенсивлик мезонлари аниқланган.

6. Севги, муҳаббат ҳислари — ҳал қилувчи роль ўйнайди.

7. Оргазм 5—10 секунддан 5—10 минутгача чўзилиши мумкин. Ҳатто вақт кескин фарқ қилибита аёлнинг ўзида буши мумкин.

8. Оргазм ҳиссиётида мутлақо ифодаланмай-

оргазмнинг давомлилигига мутлақо таъсир қилмайди.

10. Оргазмнинг давомлилигига жинсий алоқа вақтидаги муҳит кам таъсир қилади.

диган аёллар ичида ҳам бу ҳолат энг кучли ифодаланадиган ҳолатда экспрессив бўлган аёллар учрайди. Экспрессивлик қамрови аёлларда нисбатан кенгдир.

9. Эроген зоналарини эркалаш оргазм вақтини узайтиради ва ҳатто яна такрор оргазмнинг юзага келишига имкон бериши мумкин.

10. Оргазмнинг давомлилигига, сифатига алоқа вақтидаги муҳит кучли таъсир қилади (ота-оналари, болалари ёки бошқа кишиларнинг эшитиб қолиши мумкинлиги ёки уларнинг хонага кириб қолиши эҳтимолининг мавжудлиги ва бошқалар).

Рефрактер босқич

1. Қўзғалишнинг кескин камайиши ва тез орада бутунлай йўқолиши.

2. Қўзғалишни давом эттиришда эркаланишнинг самарасизлиги.

3. Рефрактер босқичда янги фрикциион ҳаракатларсиз оргазмни юзага келтириш мумкин эмаслиги.

4. Эркаланишга муҳтожсизлиги.

5. Ҳиссиётнинг кам роль ўйнаши.

1. Қўзғалишнинг маълум вақт сақланиши ва секинлик билан пасайиши.

2. Қўзғалишни давом эттиришда эркаланишнинг ниҳоятда самарадорлиги.

3. Рефрактер босқичда фрикциион ҳаракатларсиз фақат эркаланиш натижасидагина такрор-такрор оргазмни юзага келтириш мумкинлиги.

4. Эркаланишга ниҳоятда муҳтожлиги.

5. Ҳиссиётнинг катта роль ўйнаши.

Юқоридаги жадвалда ифодаланган жинсий ҳаёт давомида кузатиладиган, ҳар бир жинснинг ўзига хос ўттиз учта психофизиологик хусусиятларни ҳар бир эркак ва аёл оилавий ҳаётда яхши ўзлаштирган ва ҳисобга олган бўлмоғи лозим.

Эркак ва аёл томонидан буларни билиш ва уларга амал қилиш оилавий ҳаётни янада тотли қилишга, оилани мустаҳкамлашга, эр-хотин орасидаги муносабатларни соғлом сақлашга, «касаланган» бўлса соғломлаштиришга имкон беради. Соғлом муносабатлар ва оилавий бахт ўз навбатида бу оилаларда дунёга келадиган ва вояга етадиган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда дорилфунун вазифасини ўташга ёрдам беради. Бу эса кейинги авлод — XXI асда яшовчи оилалар мустаҳкамлигига замин яратади.

Албатта, оилавий бахтни фақат жинсий ҳаёт билан боғлаш мумкин эмас. Бироқ ҳақиқий оилавий бахт учун жинсий ҳаётнинг ролини ва жинсий ҳаётдан қониққанликнинг аҳамиятини кўра билмаслик илмий кўрлик ёки сохта ахлоқлиликдир.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I б о б. Севги-муҳаббат тушунчаси	5
Муҳаббат ва ёш	8
Муҳаббат босқичлари	12
Муҳаббат ва мижоз	15
Муҳаббатнинг белгилари	16
Севгининг фаслий ўзгаришига тайёр бўлинг	18
Рашк ҳислари	22
II б о б. Оила, унинг хусусиятлари ва вазифалари	25
Оила ва эр-хотинлик муносабатлари	47
Оила турлари	54
Оиладаги ахлоқий-психологик иқлим	58
Эр-хотин орасидаги келишмовчиликлар	59
Қайнона-келин орасидаги келишмовчиликлар	73
Қайнона-куёв орасидаги келишмовчиликлар	77
Ота-она ва болалар орасидаги келишмовчиликлар	78
Оилани мустаҳкам бўлишини олдиндан билиш мумкинми?	80
Неча ёшда оила қуриш керак?	81
Никоҳгача танишиш муддати ва оила	81
Ота-она оиласи ва никоҳ	82
Куёв-келинининг маълумот савияси ва никоҳ	82
Байналмилал оилалар бахтли бўладими?	83
Оиладан ким нимани кутади?	84
Никоҳдан ташқари жинсий алоқаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш чоралари	87
Эрингизни хиёнатдан сақламоқчи бўлсангиз	89
III б о б. Жинсий ҳаёт психофизиологияси	91
Либидо, эрекция ва фрикция босқичлари	94
Оргазм	97
Аёл оргазми босқичлари	98
Эркак оргазми босқичлари	101
Оргазмнинг ўзига хос хусусиятлари	102
Оргазм босқичларидаги психофизиологик ҳолат	104
Рефрактер босқич	106
Психофизиологик тафовутлар	114